

**MUNDARIJA  
СОДЕРЖАНИЯ  
CONTENT**

<b>Абдуллаев И.К., Нуралиева Х.О., Маткаримов М.У., Қурбанов С.Р.</b> Абу Али ибн Синонинг соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги айрим фикрлари .....	3	<b>Зокирхужаев Ш., Парпиева Д.</b> Мизож концепцияси ва замонавий тиббиёт .....	19
<b>Абдуллаев И.К., Юсупова О.Б., Қурбанов С.Р.</b> Ибн Сино соғлиқни сақлаш ва гигиена тўғрисида .....	4	<b>Ибрагимов Ф.</b> Ибн ан-Нафис “Мужаз ал-қонун” асарининг “Тиб қонунлари”ни ўрганишдаги ўрни .....	20
<b>Абдуллаев О.</b> Ибн Синонинг ахлоқий қарашлари .....	5	<b>Иргашев Ш.Б.</b> Валеологические принципы сохранения и укрепления здоровья в творчестве Ибн Сины .....	20
<b>Абдуллаев Р.Б., Дусчанов Б.А., Оллабергенов О.Т.</b> Игир ўсимлигининг сурункали гепатит касаллигини даволашдаги самарадорлиги .....	7	<b>Искандаров С.</b> Тиббий меросларимизнинг ривожланиш замини .....	21
<b>Абдурасулов А.</b> Абу Али ибн Синонинг Хоразм Маъмун академиясидаги фаолияти .....	8	<b>Каримов Б.Р.</b> Принцип эманації в онтологии Ибн Сины и современная концепция глобального эволюционизма .....	23
<b>Асадов Д.А., Мухамедова З.М.</b> Глобальная биоэтика: вклад ученых Востока и Средней Азии .....	9	<b>Каримов Ш.И., Асроров А.А.</b> Ибн Сино таълимотида жарроҳлик амалиёти .....	23
<b>Ахмедов Р.М., Иноятов А.Ш.</b> Ибн Сино таълимотида соғлом турмуш тарзи .....	11	<b>Каримов Ш.И., Беркинов У.Б., Каримов М.Р.</b> Вклад Абу Али ибн Сины в развитие хирургии .....	24
<b>Бахрамов С.М.</b> Ибн Сина о крови и ее болезнях .....	13	<b>Каримов Ш., Зокирхўжаев Ш.</b> Ибн Сино таълимотида соғлом турмуш тарзи асослари ва унинг амалий аҳамияти .....	26
<b>Баходиров Р.</b> X-XI асрларда илмлар таснифи масаласи ёритилиши ва унда Ибн Синонинг ўрни .....	14	<b>Каримов Ҳ.Ё.</b> Ибн Сино тиббий таълимотининг фундаментал асослари ва унинг жамият пойдевори – оила мустақкамлигидаги ўрни .....	27
<b>Даминов Т.А.</b> Инфекционные болезни в трудах Абу Али ибн Сины .....	15	<b>Каримова С.</b> Ибн Синонинг “Тиб қонунлари” асарини ўзбек ва рус тилларига таржима қилган олимлар ҳақида .....	27
<b>Джуманиёзова Г.М., Абдуллаев У.Ш., Машарипова Р.Т.</b> Абу Али ибн Синонинг йил фаслларининг табиатлари ҳақидаги қарашлари .....	16	<b>Маткаримов М.У., Абдуллаев И.К.</b> Абу Али ибн Синонинг педиатрия соҳасидаги айрим фикрлари тўғрисида .....	28
<b>Дўсчанов Б.А., Юсупова О.Б., Нуралиева Х.О.</b> Ибн Синонинг тўғри овқатланиш тўғрисидаги фикрлари .....	17	<b>Машарипова Р.Т., Абдурахманова Ф.Р., Аскарлова Р.И., Салаева З.Ш., Назарова М.Б.</b> Абу Али ибн Синонинг хилтлар тўғрисидаги фикрлари .....	29
<b>Зияходжаева Г.</b> Ибн Сино “Куллиёт”ининг Боситхон Табиб амалга оширган таржима ва шарҳи .....	18	<b>Оллабергенов О.Т., Абдуллаев Р.Б., Хамидова Г.С.</b> Гулхайри – алтей .....	31
		<b>Оллабергенов О.Т., Худайберганов М.Р., Абдуллаев У.Ш., Рахманова Д.С.</b> Ибн Синонинг мижоз белгиси ҳақида дунёқараши .....	32
		<b>Рахимов Б.</b> Абу Али ибн Синонинг мусиқий қарашлари .....	34

<b>Рахманова У.У., Гапуров Ж.А., Абдуллаев И.Р.</b> Сурункали холециститни даволашда арпабодиённинг афзалликлари .....	50
<b>Рахманова Ю.М.</b> Буюк аллома Абу Али ибн Сино илмий меросининг ғарбда ўрганилиши .....	35
<b>Салаева З.Ш., Рахманова Д.С., Абдурахманова Ф.Р., Асқарова Р.И.</b> Абу Али ибн Синонинг совуқ сувда чўмилувчи инсонларга тавсиялари .....	36
<b>Собиров Р., Дўсчанов Б., Халматов Х.</b> Ибн Сина о сложных лекарствах .....	37
<b>Султанова Ш.Ж.</b> Учение Ибн Сины о влиянии климатоэкологических факторов на внутри утробное развитие ребёнка ...	38
<b>Турсунов Э.А.</b> Морфология фани шаклланиши ва тараккиётида Ибн Синонинг роли ҳақида .....	41
<b>Убайдуллаев А.М.</b> О Мамунской академии в Хорезме и развитии учения по заболеваниям органов дыхания .....	42
<b>Хажиева М.С., Ёрматов С.</b> Баркамол авлодни тарбиялашда Абу Али ибн Сино асарларини ўрни ва роли .....	42
<b>Хамидова Г.С., Маткаримова Д.С., Худайкулова Ф.Х., Абдуллаев Р.Б.</b> Асалнинг шифобахш хусусиятлари .....	43
<b>Хасаний М.</b> Юсуф ибн Муҳаммад ат-Табиб ал-Ҳаравий Ибн Синонинг тиббий шеърятдаги издоши .....	44
<b>Худайбергенов А.М., Дадаев Х.А.</b> Медицинская деятельность Ибн Сины в Хорезмской академии Мамуна .....	45
<b>Худайберганов М., Оллабергенов О., Джуманиёзова Г., Алиева П.</b> Йил фаслларининг киши организмга таъсири ...	46
<b>Худайберганов М.Р., Рахманова Д.С., Салаева З.Ш., Алиева Ф.Р.</b> Дориларни йиғиш ва сақлаш тўғрисида Ибн Сино таълимоти .....	47
<b>Шукурлаев К., Каландарова У., Ибадуллаев Г.</b> Учение Ибн Сины о методах лечения при суставных заболеваниях .....	49
<b>Эшчанов Р.А., Собиров Р.С.</b> Хоразм Маъмун академияси қошидаги “Доривор ўсимликлар боғи” ҳақида .....	50
<b>Юнусходжаев А.Н.</b> «Канон» - программа действий для последующих поколений	51
<b>Яминов А.А.</b> Араб манбалари Ибн Сино ҳақида .....	52
<b>Ғоипов М.А.</b> Хоразм Маъмун академиясида Абу Али ибн Синонинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш .....	53
<b>Ҳамроев М.</b> Қандли диабет хасталигини даволаш бобида Ибн Синонинг қарашлари .....	54
	56

## АБУ АЛИ ИБН СИНОНИНГ СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТЎҒРИСИДАГИ АЙРИМ ФИКРЛАРИ

Абдуллаев И.К., Нуралиева Х.О.,  
Маткаримов М.У., Қурбанов С.Р.  
ТТА Урганч филиали

Улуғ аллома, энциклопедист олим, тиббиёт илмининг султони ватандошимиз Абу Али ибн Сино (980-1037) ўзининг кўплаб асарларини тиббиёт соҳасида яратганлигини яхши биламиз, аммо асарларининг асосий негизини касалликларни келтириб чиқарувчи омиллар, яъни бугуннинг атамаси билан айтганда соғлом турмуш тарзи асослари эгаллаган, десак муболаға бўлмайди. Ибн Сино ўз асарларида инсонларнинг оила қуришларидан тортиб, хомиладорлик, боланинг дунёга келиши, уни овқатлантириш, ювинтириш, ўз вақтида ухлатиш, жисмоний тарбия ва айниқса таълим тарбия орқали уларнинг соғлиқларини асрашлари ва мустақкамлашлари, натижада узок ҳамда соғлом умр кўришлари ҳақида батафсил маълумотлар берганки, ушбу маълумотлар бугун ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган.

Айниқса, “Тиб қонунлари”нинг биринчи жилдида инсон саломатлигини сақлашга бевосита таъсир қилувчи омилларга тўхталиб, асосан етгита ҳолатни мўътадил қилиш, овқатлик ва ичимликни тўғри танлаш, гавдани чиқиндилардан тозалаш, тўғри тузилишни сақлаш, ҳавони етарли ва сифатли олиш, кийимли нарсаларни тўғри танлаш, жисмоний ва руҳий ҳаракатларни мўътадил қилиш, шу жумладан уйқу ва уйғоқликни тартибга солиш каби тадбирларни касалликларни бартараф этувчи омиллар сифатида келтиради. Ибн Сино касаллик келтириб чиқарувчи ўнлаб омилларга тўхтала туриб овқатланишни тартибга солиш ҳақида шундай ёзади: “Овқатни иштаҳа билан емоқ ва иштаҳани қайтармаслик лозим. Қишда иссиқ, ёзда совуқ ёки илиқ овқат ейиш лозим. Жуда тўйиб ва тўлиб овқат

ейиш ҳамда ичиш барча ҳолда ҳам ўлдирувчидир”. Бугун кўпчилик олимлар 90 % касалликлар айнан нооқилона тартибсиз овқатланиш сабабли юзага келаётганлигини таъкидламоқдалар. Ибн Сино бундан минг йиллар илгари одамларга тўғри овқатланишни тавсия эта туриб, уни шундай шеърий ифодалайди:

*Ёз ҳавоси оз емоқни кўрур лозим,  
Танлаганинг бўлсин доим енгил ҳазм,  
Ғализ этдан ўзингни тий, ўчир юзинг  
Гиёҳ, кўкат, сутлар бўлсин ошу тузинг.*

Улуғ аллома Абу Али ибн Сино инсон саломатлигига салбий таъсир қилувчи омиллардан сақланиш борасидаги гигиеник талабларни ўзининг “Соғлиқни сақлашга доир рисола” деб номланган асарида батафсил баён этади. Ушбу асарнинг асосий мазмуни – инсон танасига зарарли таъсир этувчи ҳолатларни, киши турмуш тарзидаги хатоларни тўғирлаш орқали бартараф қилишда алоҳида кўрсатилади. Китоб 7 та мақоладан иборат бўлиб, ҳар бир мақола алоҳида бир ҳолатларга бағишланади. Айтайлик, биринчи мақола турмуш тарзидаги хатоларни мувозанатлаштиришга, кейинги мақолаларда ҳаво ҳақида, ҳаммом ҳақида, овқатланиш ва унинг тартиби ҳақида, сув ва ҳар хил шарбатлар, ичимликлар (май) истеъмоли тўғрисида, ҳаракатланиш тартиби ва танани чиқиндилардан тозалаш масалаларига бағишланади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Ибн Синонинг бундан минг йиллар олдин саломатликни сақлаш тўғрисидаги қолдирган ўғитлари бугун ҳам жуда долзарбдир ҳамда жамиятимизда соғлом ва баркамол авлодни шакллантиришнинг асоси бўлиб хизмат қилади.

## ИБН СИНО СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВА ГИГИЕНА ТЎҒРИСИДА

Абдуллаев И.К., Юсупова О.Б.,  
Қурбанов С.Р.  
ТТА Урганч филиали

Ибн Синонинг саломатликни сақлашга қаратилган фикрларига назар соладиган бўлсак, “Тиб қонунлари” биринчи китобининг “Саломатликни асраш ҳақида” деб номланган учинчи қисми олимнинг саломатликни сақлаш борасидаги тиббий қарашлари ниҳоятда чуқурлиги ва оригиналликдан далолат беради.

Ибн Синонинг таъкидлашича, саломатликни сақлаш учун биринчи навбатда куйидаги тадбирларни амалга ошириш керак:

- бадантарбия;
- тўғри овқатланишни ташкил қилиш;
- уйқу ва уйғоқлик тартибига риоя қилиш;
- одам организмни чиқиндилардан тозалаш;
- йилнинг турли фасллари эътиборга олиш ва бошқалар.

Ибн Сино янги туғилган чақалоқдан бошлаб, то қариликкача бўлган даврда соғлиқни сақлашни таъминлашни қайси усул ва йўллар билан амалга оширишни батафсил баён этган. “Одамларнинг саломатлиги ташқи муҳит билан чамбарчас боғланган. Агар ҳавода чанг ва тутун бўлмаса эди, киши минг йил яшаган бўлар эди” – деб ёзганди у.

Ибн Сино соғлиқни сақлаш тадбирларида биринчи галда бадантарбия ва яхши жисмоний ҳаракатларни, иккинчи ва учинчи ўринларга овқатланиш тартиби ва уйқуни қўйган.

Олим биринчи бўлиб, жисмоний машқларнинг инсон организмни мустаҳкамлашини илмий асослаб берди. Ибн Сино жисмоний машқларни “майда ва йирик, жуда кучли ва кучсиз, тез ва секин ҳамда суст” турларга ажратган. У жисмоний машғулотларни инсон соғлиғини сақлашнинг бош омили деб ҳисоблаган. Унинг фикрича:

-организм жисмоний машқлар билан шуғулланишидан олдин тана тоза бўлиши;

- истеъмол қилинган овқат ҳазм бўлган бўлиши керак ва ўз навбатида оч қоринга жисмоний машқлар бажаришни тавсия қилмайди;

- жисмоний машқлар билан доимо мўтадил шуғулланиб борган киши ҳеч қандай давога муҳтож бўлмайди;

- бадантарбия кишини чуқур ва кетма – кет нафас олишга мажбур қилувчи ҳаракатдир;

- бадантарбиядан сўнг бирдан совуқ сувга то у бутун танани кўмгунича шўнғиш керак. Чўмилиувчига сув ёқиб, унга ёмон таъсир қилмаса, баданида қалтираш пайдо бўлгунича у сувда қолишини таъкидлаган.

Ибн Сино яна организмни тоблаш жараёнини табиий кучлар – ҳаво, сув ва қуёшдан фойдаланган ҳолда, жисмоний машқлар билан олиб боришга катта аҳамият берган. Унинг фикрига кўра, очиқ ҳавода узоқ вақт юриб, организмни тоблаш, ҳаракатлар, сайр қилиш, ўйинларни жисмоний машқлар билан бирга олиб бориш яхши самара беради.

Ўсмирларда ва ёши катталарда организмни чиниқтириш жараёнларидан бири сифатида танани ҳўл сочиқ билан артиш, ҳаммомда чўмилиш ва қуёш ванналаридан фойдаланиш шаклида олиб боришни тавсия этади. У ҳаммомни фойдаси ҳақида гапирар экан, ҳаммомда узоқ қолмасликни тавсия этади. Меъёрдан кўп вақт ҳаммомда чўмилиш танани мадорсизлантириб, уни суст қилиб қўяди, нерв тизимига таъсир қилади.

Қуёш ванналари эса организмда модда алмашилишини яхшилади, натижада эса инсон тетик ва бардам бўлади, организмдаги ортикча ёғлар эрийди, бош оғриғини йўқотади ва мияни мустаҳкамлайди.

Танани чиниқтириш воситаларидан яна бири бу – массаж (уқалаш) бўлиб, у толиқишни оладиган муҳим даволаш воситасидир. Ибн Сино уқалашни кучли – гавдани бақувват қилувчи, кучсиз – гавдани юмшатувчи, давомли – оздирувчи, ўртача – гавдани ўстирувчи турларга

ажратади. Агар бу турларнинг ҳаммасини бирга тўпласак, тўққиз комбинация келиб чиқади. Массаждан кўзланган мақсад – органларни зичлаш, юмшоқ органларни қотириш ва қаттиқ органларни юмшатишдан иборатдир.

Ибн Сино массажларни тайёрловчи ва қайта тикловчи массаж турларига ажратади ва ҳар бирига шундай таъриф беради: тайёрловчи массаж бу жисмоний машқлардан олдин кўлланиладиган массаж, қайта тикловчи массаж эса жисмоний машқлардан кейин кўлланиладиган массаждир. Бу тинчлантирувчи массаж мускуллардаги ортиқча ёғ моддаларига барҳам бериб, унинг толиқмаслигини таъминлайди. Уқалашни қаттиқ ва дағал ҳаракатлар билан тамомламаслик лозим.

Хулоса қилиб шуни айтиш лозимки, Абу Али Ибн Сино баён қилган ўғитлар қарийб бир ярим минг йил ўтишига қарамай ўз қимматини йўқотмаган.

## ИБН СИНОНИНГ АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАРИ

**Абдуллаев О.**

**Урганч Давлат университети**

Буюк аждодларимиз тарих, адабиёт, фалсафа, ахлоқ, тиббиёт, математика, кимё, астрономия, фикҳ, санъат, исломшунослик ва бошқа соҳаларда кўплаб ноёб асарлар яратишган. Чунончи, илк Уйғониш даври алломалари Муҳаммад Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Берунийлар табиий-фалсафий, яъни дунёвий илмлар соҳасидаги илмий кашфиётлари билан ўз халқи маънавиятини бутун жаҳонга маълум этганлар.

Улар қолдирган бой маънавий мерос бугунги кунда ҳам кенг тарғиб қилинмоқда. Бугунги кунда халқимиз онгида мустақиллик маънавиятини шакллантиришда ана шу буюк мерос - асосий омил, руҳий куч-қувват манбаи бўлиб хизмат қилмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, улар ҳеч муболағасиз “маънавий жасорат” соҳиблари-

дирлар. Юртбошимиз таъкидлаганидек, “Маънавиятсизлик, ахлоқсизлик, беҳаёлик, эгоцентризм каби салбий иллатлар ёшларимиз тарбиясига катта хавф солаётган бугунги кунда буюк аждодларимизнинг ҳаётий қарашлари, ғоя ва ўғитлари биз учун “маърифий қурол” вазифасини ўташи шак-шубҳасиздир”. Буюк аллома Абу Али Ибн Сино нафақат дунёга машҳур буюк табиб сифатида, балки файласуф ва мутафаккир сифатида ҳам танилган. Аллома ўзининг аниқ фанлар соҳасидаги асарлари, шунингдек, фалсафа ва адабиёт бобидаги рисоалари билан жаҳон фани ва маданиятининг ривожига улкан ҳисса қўшган. Буюк алломанинг ижодий мероси мана минг йиллардан бери тарихий жараёнда турли тилларга, турли диний эътиқодларга мансуб қанчадан-қанча авлодларнинг ўрганиш объекти, илмий-фалсафий изланишлар манбаи сифатида хизмат қилиб келмоқда. Бугунги кунда ҳам мутафаккирнинг асарларига бўлган қизиқиш ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Аллома инсоннинг ахлоқий ҳатти-ҳаракатини киши иродаси билан боғлиқ бўлган онгли фаолиятидир, уни ақл бошқаради, деб ҳисоблаган. Шунга кўра, ахлоқ илмининг ҳам, ҳар қандай бошқа фаннинг ҳам вазифаси нарсалараро сабабий боғланишларни билиш ва буни нарсаларнинг ўзидан топишдан иборатдир, деб қарайди. Чунки, ҳақиқий илм-фан шундан далолат берадики, бирор нарсани билиш унинг мавжудлиги сабаби ва оқибатларини билишга асосланади. Илм ақлга асосланади, ақл эса яхшилик ва ёмонликни ажратиш мезонидир. Ақл инсонда ахлоқий хиссиётларнинг шаклланишида ёрдам беради.

Ибн Сино инсонга хос ички гўзаллик ва майибликни тақдири азалдан, яъни тузатиб бўлмайдиган хусусият, деб қарамайди. Балки бундай сифатларнинг сабабларини топишга интилади: яхши ва ёмон хулқларнинг инсонда пайдо бўлишига ташқаридан қандай нарсаларнинг таъсири сабаб бўлади. Бу таъсир салбий ёки ижобий бўлиши мумкин. Салбий таъсир етказувчи нарсаларнинг



сабаблари бартараф этилса, инсонда яхши хулқларни шакллантириш мумкин. Нафс тарбиясининг мақсади ҳам, моҳияти ҳам худди мана шу нарсаларнинг ечими билан боғлиқ.

Барча нарсаларнинг бирор мақсадга интилиши, алломанинг фикрича, табиий ҳолатдир. Бу интилишнинг объектлари ҳар хил бўлиши мумкин. Аммо, инсон учун фақат дунёвий неъматларни танлаш ва дунёвий лаззатларга интилиш унинг маънавий жиҳатдан юксалишини чеклаган бўлади. Гарчи, ҳар бир одамда ҳузур-ҳаловатга интилиш табиий хоҳиш бўлса-да, мутафаккир одамларга турмушда узлуксиз маишатлар ва бетартиб лаззатлардан ўзларини тийишини тавсия қилади. Ҳайвоний нафсга хос бундай салбий хусусиятлар онгсиз ҳайвонлар учун нафақат разолат ҳисобланмайди, балки уларнинг ҳаётий фаолиятини белгиловчи табиий омиллар дейиш мумкин. Чунки, бу сифатлар ҳайвонларнинг жисмоний соғломлиги ва табиий кўпайиш қобилятининг исботидир. Инсонда бу сифатлар салбий иллатнинг ифодасидир. Чунки улар нафснинг аклий (инсоний) қувватини сусайтириб, инсоннинг камол топишига тўсқинлик қилади. Бир сўз билан айтганда, мутафаккир ўз асарларида яхши фазилатлар ва юксак ахлоқий ғояларни тарғиб қилиш орқали инсонларни инсофга, хайрли ва фазилатли ишларни қилишга даъват этган.

Мутафаккир ўз асарларида илм ва одоб-ахлоқ уйғунлиги, баркамол авлод камолоти ва бахт-саодат, адолат ва диёнат, инсонларнинг ўзаро дўстлиги, ҳамкорлиги, раҳбарнинг бурчи ва масъулияти тўғрисида ҳам қизиқарли ғояларни илгари сурган. Унинг мана шундай таълим-тарбия ва ахлоққа оид бир неча асарлари мавжудки, уларда комил инсон тарбияси учун муҳим бўлган фазилатларнинг таърифи берилган. “Рисола фи илм ал-ахлоқ” (“Ахлоққа оид рисола”), “Тадбир ал-манозил” (Турар жойни бошқариш чоралари), “Рисола фи ал-аҳд” (Бурч ҳақида рисола), “Рисола фи тазкият ан-нафс” (Нафсни покиза тутиш тўғрисида рисола), “Сиёсат

ал-бадан”, (“Баданни бошқариш”), “Китоб ал-ансоф” (“Адолат ҳақида китоб”), “Ал-уржуза фит-тибб” (“Тиббий уржуза”) каби асарларининг бугунга қадар баркамол авлод таълим-тарбиясида, уларнинг дона, билимли ва кучли бўлишларида аҳамияти каттадир.

Ибн Синонинг “Ахлоққа оид рисола” асарида ахлоқ-одобга оид теран фикрлар, инсоний фазилатларнинг гўзал таърифлари келтирилган. Аллома ушбу асарида ахлоқий хислатлардан ор-номус, шаън, кадр-қиммат, қаноат, сахийлик, ғайратлилик, сабр-тоқат, ҳалимлик, сирни сақлай билишлик, илм-маърифатли бўлиш, очиклик, виждонлик, дўстлик, садокатлилик, камтарлик, сахийлик, адолатлилик каби шахс маънавияти категорияларига таъриф беради. Хусусан, ғайратлилик олимнинг фикрича, ғазабий қувватга мансуб бўлиб, унда инсон ҳар қандай оғриқ ва аламларга бефарқ қарайди. “Сабр инсондаги шундай қувватдирки, у орқали инсон бошига тушган ёмонликдан холи бўлади”, деб таърифлайди. Юмшоқлик хусусида эса “юмшоқлик ғазабнинг юз беришидан ўзини тутишдир. Кимки ўзини ғазабдан тутта олмаса, у оқибатда жинойт содир бўладиган феъл-атвориға грифдор бўлади” деган фикрларни билдиради. Ғазабдан ўзини тутишни Ибн Сино инсоннинг олижаноблигидир, дея жуда тўғри таъкидлайди. “Ахлоққа оид рисола” асарининг қўлёзмаларидан бири ЎзФА Шарқшунослик институтининг китоб фондида мавжуд бўлиб, бу асар 1908 йили Мисрда Ибн Синонинг “Ҳикмат ва табиатга оид тўққиз рисоласи” китоби ичида нашр қилинган. Иккинчи марта бу рисола 1910 йили Мисрда араб олими Мухийддин сабрый Қудрий томонидан “Рисолалар мажмуаси” асари ичида чоп этилган. Ибн Синонинг ахлоққа бағишланган рисоаларидан яна бири “Бурч рисоласи”дир. Бу асар 1910 йили Мисрда чоп этилган. Унда Ибн Сино, асосан, одам ўзини доимо покиза тутиши кераклиги, инсонлар билан қандай

муомала қилиш лозимлиги каби масалаларга тўхталиб ўтади.

Ибн Сино “Уюн ал-ҳикма” (Ҳикмат булоқлари) асарида ҳам таълим ва ахлоққа оид ўз фикр-мулоҳазаларини билдиради. Унда айтилишича, ахлоқ фани одамнинг чинакам бахтли бўлиши учун унга доимо йўл-йўриқ кўрсатиб берадиган фандир. Бу фан кишининг хулқи, феъл-атвори устидан раҳбарлик қилади. У шундай одамларни тайёрлаб бериши керакки, улар фақат ўзи учун яшамасдан, балки жамоат ва унинг манфаати учун яшашга интилиши керак. Инсонлар бир-бири билан дўст–иноқ бўлиб яшаши, уларда инсонпарварлик руҳи ривожланиши лозим. Инсонлар камтар, иродаси кучли, тежамкор бўлиши, уларда меҳнатга муҳаббат, яхши ахлоқий сифатлар ва ҳалоллик доимо устун туриши даркор. Яхши хулқли кишиларда энг яхши хислатлар мужассамлашган бўлади. Шунингдек, асрада кишидаги одамшавандалик, бирор хайрли иш қилишга ишонч, ирода, бу борада тадбиркорлик, дўстга нисбатан ҳурмат-эҳтиром, душманга нисбатан нафрат хислатларининг бўлиши кераклиги ҳақида фикр юритилади.

Ибн Сино ўз асарларида дўстлик, ҳамжихатлик ва биродарлик каби ғояларни тарғиб қилади, киши ҳаётида чин дўстлик эътикод сифатида улуғланишини кўрсатади: “Дўстлик инсонга хос бўлган шундай хислатдирки, бунда бошқа бировга яхшилик исталади, бунда инсон яхшиликни аввало дўстлари учун истайди. Дўст бу яхши кўрувчидир. Дўст ўз дўстининг хурсандлигида ҳам, бахтсизлик кезларида ҳам қайғу ва шодлигига шерик бўлади”.

## **ИГИР ЎСИМЛИГИНИНГ СУРУНКАЛИ ГЕПАТИТ КАСАЛЛИГИНИ ДАВОЛАШДАГИ САМАРАДОРЛИГИ**

**Абдуллаев Р.Б., Дусчанов Б.А.,  
Оллабергенов О.Т.  
ТТА Урганч филиали**

Илмий текшириш ишимиздан мақсад Ибн Сино таълимотларида ички касалликларни даволашда кенг ва самарали қўлланилган игир ўсимлигини сурункали гепатит (СГ) билан касалланган беморларни даволашдаги самарадорлигини аниқлашдан иборат бўлди.

Игир – кўп йиллик ўтсимон ўсимлик бўлиб, Марказий Осиё, Қозоғистон, Сибирда учрайди. Дарё, кўллар, ҳовузлар ва ботқоқликларнинг қирғоқларида ўсади. Илдизпоясида 5% эфир, анорин гликозиди, 25% гача крахмал сақланади. Баргида эфир мойи, танидлар ва 150 мг гача С витамини бор. Ибн Сино таълимоти бўйича игир илдизпоялари жигарнинг ўт ажратиш фаолиятини ҳамда ўт пуфаги таранглигини меъёрлаштириш қобилятига эга. Ўсимлик таркибидаги экстрактида оғриқ қолдириш ва спазмларни бартараф қилиш хусусиятига эга бўлган моддалар аниқланган.

Кузатувимизда бўлган жами 29 бемор (19 эркак, 10 аёл) даволаш мажмуасига қараб 2 гуруҳга бўлинди: 1-гуруҳда 15 бемор бўлиб, уларга СГни даволаш учун умумқабул қилинган базис даво (УД) қўлланилди (контрол гуруҳ); 2-гуруҳдаги 14 беморга УД мажмуасига Хоразм шароитида яхши ўсадиган игир илдизпоясининг дамламаси кўшиб даволанди. Иккала гуруҳдаги беморларнинг ёши, жинси, касалликнинг оғирлик даражаси, даволаниш фасли ва шароити бир-биридан кескин фарқ қилмади. СГ ташхиси учун умумклиник, лаборатор, биокимёвий ва ультратовуш билан текшириш усуллари қўлланилди.

Игир илдизпоясининг дамламасини тайёрлашда: қуритиб майдаланган игир илдизпоясини (15 гр) сирланган идишга солиб, устига 0,5 л қайнаган сув

қўйилади ва идиш қопқоғи ёпилади. Қайнаб турган сувда 30 дақиқа қўйилади, кейин ундан олиниб 10 дақиқа тиндирилади ва сузиб олинади. Тайёрланган дамлама 1 чой қошиқдан кунига 3 маҳал 18-20 кун давомида ичилади.

Терапевтик самара мезони сифатида беморларда клиник симптомлар ва шикоятларнинг камайиши, умумий аҳволининг яхшиланиши, лаборатор кўрсаткичларнинг меъёрга қайтиши, беморларнинг шифохонада ётиш муддати инобатга олинди.

Олинган натижалар шуни кўрсатдики, СГ билан касалланган беморларнинг шифохонада ётиш муддати, умумий аҳволининг яхшиланиш муддати, шикоятларининг камайиши 2-гуруҳда энг кам вақтни ташкил этди. Худди шундай ижобий кўрсаткичлар клиник симптомларнинг сўниш муддатида, лаборатор кўрсаткичларнинг яхшиланишида ҳам 2-гуруҳда яққол намоён бўлди.

СГ касаллигини даволашда умумий даволаш мажмуасига ватанимизда ўсадиган даволовчи ўсимлик сифатида қўлланиладиган игир дамламасини қўллаш ижобий объектив ва клиник самара беради.

## **АБУ АЛИ ИБН СИНОНИНГ ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИДАГИ ФАОЛИЯТИ**

**Абдурасулов А.**

**Хоразм Маъмун академияси**

Ибн Сино Маъмун академиясида катта ҳурматга сазовор бўлган, жаҳон илм-фанига муносиб хисса қўшган, Шарқда “Шайх-ур раис” (“Донишмандлар устози”) деган юксак ном билан шариф топган қомусий олимдир.

Унинг тўлиқ исми Абу Али ал-Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ал-Ҳасан ибн Али Ибн Сино бўлиб, Европада “Авиценна” деб аташган.

Ибн Сино Афшона (ҳозирги Бухоро вилояти Ромитон тумани) қишлоғида 370

йили сафар (980 йили август) ойида таваллуд топган. 986 йили оиласи Бухоро шаҳрига кўчиб келади. Ибн Сино истеъдодли, зехни ўткир бўлганидан тез орада ўз даврида маълум бўлган илмларни эгаллаб олади. 10 ёшида Қуръонни ёд олади, 10-13 ёшидан бошлаб математика, мантиқ, фикх, фалсафа билан шуғуллана бошлайди. Фалсафани Абу Абдуллоҳ Нотилийдан, тиббиёт фанларини Ҳасан ибн Нух ал-Қумрийдан ўрганди. Ўзидан олдин ўтган Шарк мутафаккирлари асарлари билан чуқур танишиб, қадимги юнон тиббий-илмий ва фалсафий меросини ўрганadi. 16-17 ёшида Ибн Сино машҳур табиб-ҳаким бўлиб танилди.

999 йилда Қорахонийлар Бухорони забт этгач, Самонийлар салтанати инқирозга учрайди ва 1003 йилда Ибн Сино Бухорони тарк этиб, Гурганжга (Кўхна Урганчга) кетишга мажбур бўлади. У бу ерда машҳур олимлар: Беруний, Ибн Мискавайх, Абу Саҳл Масихий, Абул Хайр Хаммор, Абу Наср ибн Ироқ кабилар билан танишади, дўстлашади ҳамда Берунийга йирик илмий муассасани (Хоразм Маъмун академиясини) тузишда яқиндан ёрдам беради.

Ибн Сино ўзининг машҳур “Тиб қонунлари” асарининг дастлабки икки китобини шу ерда, Маъмун академиясида ниҳоясига етказди. Лекин Махмуд Ғазнавий таъқибидан қўрқиб, Хоразмдан чиқиб кетади ва дарбадарлик ҳаёти бошланади. Хуросон ва Эроннинг Абивард, Тус, Нишопур, Журжон ва Ҳамадон, Исфаҳон шаҳарларида бўлади. Журжон ҳокими Қобус ибн-Вушмагир саройида табиб, Ҳамадонда Абу Тоҳир саройида маълум вақт вазирлик вазифасида хизмат қилади. Сўнг бу вазифаларни тарк этиб, бутун умрини илмий ишга бағишлайди.

У ўзининг “Тиб қонунлари” китобининг қолган қисмини, “Китоб уш-шифо”, “Китоб ун-нажой”, “Китоб ун-инсоф” ва бошқа асарларини Ҳамадон ва Исфаҳонда муҳожирликда ёзди. Ибн Сино 428 ҳижрий йили 1-рамазон ойида



(1037 йил 18 июнь) 57 ёшида Эроннинг Ҳамадон шаҳрида қулунж касаллигидан вафот қилади.

Ибн Синонинг ижодий фаолиятида Ўрта Осиё, Эрон, Ҳиндистон, айниқса, Хоразм Маъмун академияси олимлари асарларининг жуда катта таъсири бор. Олим жаҳон илм-фани ва маданияти учун жуда катта маънавий меърос қолдирди. Фаннинг турли соҳаларига доир 450 га яқин асарлар ёзди, шулардан 242 таси бизгача етиб келган. Асарларининг 80 таси фалсафа ва тасаввуфга, 43 таси табобатга, 23 таси табиат илмига, 8 таси математика ва астраномияга, қолганлари мусиқа, мантик, ахлоқ ва адабиётга оиддир.

Ибн Синонинг “Тиб қонунлари” асари Шарқда ва Европада ҳам тиббиёт соҳасида асосий қўлланма ҳисобланган. Бу китобда табобатнинг кўпгина назарий ва амалий масалалари, инсон танасида учрайдиган касалликлар ва уларни даволаш усуллари, турли гиёҳлар, ўсимликлар, ҳайвон ва маъданлардан кимёвий йўл билан тайёрланган 800 дан зиёд дори дармонлар, уларнинг таркиби, даволаш ҳусусиятлари ва қўлланиш усуллари кўрсатиб берилган. “Юрак дорилари” асари эса XIX асргача Шарқ табиблари учун муҳим қўлланма бўлиб келди.

Ибн Синонинг касалликни олдини олиш, инсон саломатлигини таъминлашда экологик муҳит, табиат мусаффолигини сақлаш ҳақидаги фикрлари ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Табиий муҳитни ифлосланиши туфайли сув ва ҳаво орқали тарқаладиган, кўзга кўринмайдиган микроблар турли касалликларнинг асосий сабабчиси ҳақидаги фикри фанда катта кашфиёт эди.

Хоразм Маъмун академиясининг пешқадам олими Ибн Сино табобат билан боғлиқ ҳолда анатомия, руҳият, доришунослик, терапия, жарроҳлик, гигиена ва экология каби илмлар соҳасида ҳам қатор янги кашфиётлар яратди ва уларни янги босқичга кўтарди. Булардан ташқари кимё, минералогия,

геология, астрономия, математика, биология соҳасида ҳам бой мерос қолдирди. Тоғларнинг пайдо бўлиши, ер юзасининг ўзгариб бориши, зилзилаларнинг вужудга келиши сабаблари ҳақидаги теран фикрлари геология илмини мустақил фан сифатида қарор топишида муҳим рол ўйнади.

“Ҳикмат булоқлари” рисоласида ёшлар тарбияси билан алоқадор фанларнинг вазибалари ҳақида ҳам тўхталиб қуйидаги қимматли фикрларни баён қилди: “Бу фан шундай одамларни тарбиялаб бериши керакки, улар фақатгина ўзи учун яшамасдан, балки бошқалар ва жамоат ҳамда унинг манфаати учун яшашга интилиши керак. Инсонда меҳнатга муҳаббат, яхши ахлоқий сифатлари ва ҳалоллик доимо устун туриши керак”. Ушбу фикрлар ёшлар тарбиясида ҳозирги кунда ҳам жуда аҳамиятлидир.

## ГЛОБАЛЬНАЯ БИОЭТИКА: ВКЛАД УЧЕНЫХ ВОСТОКА И СРЕДНЕЙ АЗИИ

Асадов Д.А. ТашИУВ  
Мухамедова З.М. ТМА

Стремительный прогресс биомедицинских технологий на Западе привел к развитию биоэтики. Истоки биоэтических учений Западной философии несомненно имеют большое значение в формировании и развитии исламской биоэтики, связанной с многими ее понятиями. Однако, последние 30 лет, в течение которых бурно развивается исламская биоэтика, показали ее особенности и приоритеты. Они касаются не только религиозного сознания, но и медицинских, философских, правовых и других аспектов.

Отмечая огромную роль исламской биоэтики в развитии глобальной биоэтики следует особо подчеркнуть значение в этом процессе великого научного, медицинского и философского наследия Востока и Средней Азии.

Несомненным признанием этого исторического факта является учреждение Исполнительным Советом ЮНЕСКО в 2004 г. премии имени нашего великого соотечественника Абу Али ибн Сино (Авиценна) за исследования в области этики науки. Это указывает на актуальность и значимость преемственности метода, разработанного Ибн Сино. Это классически целостный метод, который включает сущность этики в науке, медицине, в отношениях с пациентом. Сегодня метод великого мыслителя начал служить в качестве источника вдохновения для продвижения актуальных проблем биоэтики. Следует также отметить провозглашение в 2007 г. Международной исламской организацией по вопросам образования, науки и культуры (ISESCO) города Ташкента центром исламской культуры.

Ислам - мировая религия, имеющая единые источники - Коран, Шариат и Хадисы. При этом следует учитывать некоторые имеющиеся внутренние различия в философии и теории ислама. Следовательно, имеются различия не только внешние, с основными Западными философскими теориями и перспективами по вопросам медицинской этики, но и внутренние, обусловленные различными направлениями в самом исламе и его правовых школах.

Все три монотеистические религии - иудаизм, христианство и ислам, верят в единого бога, в целостность вселенной. В священных писаниях иудаизма, христианства и ислама много общего. В них содержится императив, который предписывает моральные обязательства, устанавливаются направления моральных условий и конкретного поведения.

Исследование ключевых проблем биоэтики в контексте учения Корана, Шариата, Хадисов, с привлечением исторического опыта в области медицины, достигнутого в эпоху мусульманского ренессанса, начало трансформироваться в конце XX столетия применительно к деликатным и сложным медико-биологическим пробле-

мам в кодексе исламской медицинской этики и биоэтики. В истории развития исламской биоэтики, как новой формы научного знания в XX веке, большое значение имеет создание исламской организации медицинской науки (IOMS) и проведение первой конференции исламской организации медицинских наук в Кувейте (1981 г), где был принят проект кодекса исламской медицинской этики.

Развитие проблем исламской биоэтики не замыкается исключительно аспектом исламского вероучения. Она интегрирует и трансформирует важнейшие документы по проблемам биоэтики, принятые международным сообществом.

Следовательно, несмотря на культурные разнообразия и различия религиозных традиций, можно говорить о возможностях связующей роли исламской биоэтики между Востоком и Западом в решении сложных проблем биоэтики. Здесь важна степень религиозной образованности. Актуальность положения о культурном разнообразии нашла свое отражение в Всеобщей Декларации ЮНЕСКО о биоэтике и правах человека. В ней говорится, что «культурное разнообразие, являющееся источником обменов, инноваций и творчества, необходимо человечеству и в этом смысле представляет собой общее наследие человечества, но при этом оно не может использоваться в качестве предлога для ущемления прав и основных свобод человека».

За последние 25-30 лет на повестку дня вынесены и рассмотрены такие вопросы исламской биоэтики как, пересадка органов и тканей, смерть мозга, принцип помощи и технологии в отделении интенсивной терапии, проблемы клонирования, генно-инженерных биотехнологий, СПИД, оказания психиатрической помощи и т.д. Особое внимание уделяется духовному развитию и нравственному компоненту медицинских образовательных программ.

Узбекистан - светское государство, здесь действуют религиозные организации более десяти конфессий. Закон Республики Узбекистан о свободе совести – это проявление уважения к чувствам верующих в нашем государстве. Поэтому важно учитывать социально-культурные реалии, исторические и национальные традиции в принятии решений по ключевым проблемам биоэтики в контексте не только исламского, но и других вероучений.

Значение международного опыта в развитии отечественной биоэтики было рассмотрено в числе важных вопросов в работе первого национального конгресса по биоэтике в Узбекистане в сентябре 2005 г. Конгресс принял этический кодекс ученого исследователя, другие важные документы, которые придают новый импульс в развитии биоэтики в Узбекистане. В Узбекистане создан этический комитет при Министерстве здравоохранения в 2000 г, а также национальный комитет по биоэтике при международном фонде Ибн Сино в 2003г.

К древним источникам биоэтики отнесены труды наших великих предков - «Канон врачебной науки» Ибн Сины, «Адаб Ал-Табиб» - практическая этика врача Ал-Рухави, «Духовная медицина» Ар-Рази и многие другие, которые стали образцом классики в анналах медицинской этики. Эти знания продолжают составлять духовный базис в исламском медицинском кодексе, биоэтике, экологической и биомедицинской этике.

Основные положения современной исламской медицинской этики были изложены в Кодексе, принятом в 1981 г. международной исламской организацией медицинской науки, который стал отправной точкой в развитии исламской биоэтики. Кодекс состоит из тринадцати частей, в которых соединились древнейшие и современные этические учения, традиции Восточной медицины, ислама, философии. В кодексе даны определение медицинской профессии, присяга врача, регламентированы

отношения врач-врач, врач-пациент, врач-общество, врач и биотехнологический прогресс, врачебная тайна, обязанности и ответственность врача в чрезвычайных ситуациях. Особое внимание уделено святости человеческой жизни и медицинскому образованию.

## **ИБН СИНО ТАЪЛИМОТИДА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ**

**Ахмедов Р.М., Иноятов А.Ш.  
Бухоро Давлат тиббиёт институти**

Маълумки, Ибн Сино “Тиб қонунлари” асаридан инсон ва унинг насли, соғлиғи ва касалликларига оид билимларни мантиқий тартибда тўла баён этган. Бунда соғлом инсон ва соғлом авлодга дахлдор бўлган соғлиқни сақлаш, турмуш гигиенаси, тўғри овқатланиш масалаларига катта аҳамият беради. Халқ орасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришда бобокалонимиз Ибн Сино таълимотини асос қилиб олиш, уни замонавий нуқтаи назардан ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Тиббиёт фанининг турли соҳаларидаги жуда ноёб ва керакли асарларида соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасидаги тадқиқотлари ҳам салмоқли ўринни эгаллайди.

Бугунги авлод учун ўлмас мерос қолдирган буюк аллома ўзининг умрибоқий асарларида соғлом турмуш тарзи ҳақида фикр юритар экан, бу соҳада замондош табибларидан фарқли ўлароқ ҳар бир масалани кенг ва чуқур таҳлил қилади, муаммоларни кучли мантиқ ва ҳаётий омиллар воситасида очиқ беради. Ибн Сино соғлом турмуш тарзини шакллантиришни бола туғилишидан олдин бошлаш кераклигини уқтириб, онани яхши парваришлаш, соғлиғи ҳақида ғамхўрлик қилиш кераклигини таъкидлайди. Буюк ҳаким соғлом турмуш тарзи асосан: тозалик ва жисмоний тарбиядир деб ҳисоблаб, бадан тарбияси билан мунтазам шуғулланган инсон, табиб муолажасига эҳтиёж сезмаслигини айтади.

Соғлом одам табиатнинг энг буюк асаридир. Бу ҳикмат, инсонларни фикрлашга, ўтмишга қарашга, бажарган ишлари ҳақида мушоҳада юритишга ундайди. Сабаби табиат қанчалик мусаффо бўлса ва инсон ўзини авайласа шунча гўзал, мукамал асар инсон яратилади. Инсон ҳам табиат асарларидан бири экан, унинг соғлом бўлиши бевосита табиат билан боғлиқ.

Маълумки, мамлакатимиз мустақилликка эришгач, энг биринчи навбатда бошланган ислохотлар қаторида, соғлиқни сақлаш соҳасини тубдан яхшилашга қаратилди.

Таъкидлаш жоизки, юртимизда қатор йиллар жумладан, “Соғлом авлод”, “Оналар ва болалар”, “Сихат-саломатлик” ва “Ҳомийлар ва шифокорлар” йилларида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш давлат аҳамиятидаги муҳим вазифа бўлиб келаётганлигини яққол кўриш мумкин.

*“Соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади”* деган шиорни ўртага ташлаган юртбошимиз барчани соғлиқни сақлаш ишига ҳисса қўшишга даъват этиб келмоқда. Шунинг ўзи халқпарварлик ва ватанпарварликнинг юксак намунасидир.

Дарҳақиқат, соғлом халқ ва соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлишини тарих тажрибаси ҳам тасдиқлайди. Минг йиллар аввалги Рим ёки Мисрни, Византия ёки Эронни, Европа ёки Марказий Осиёни олайлик, тараққиётнинг энг юксалиш ва уйғониш даврларида ҳукмдорлар халқнинг сихат-саломатлигини сақлаш йўлида қатор чоралар кўрганликлари маълум. Олимпия спорт ўйинлари, ҳарбий тайёргарлик машқларининг ўтказилиши ва бошқа тартибларнинг жорий этилиши юрт фарзандларининг соғлом бўлишига ва туғилажак янги авлодлар руҳан ҳамда жисман бақувват бўлишига олиб келган.

Шуни алоҳида мамнуният билан қайд этиш лозимки, бугун соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар инсон учун, унинг манфаати, турмуш фаровонлигини таъминлаш ва

албатта, соғлом яшашига қаратилгандир. Замонавий, халқаро андозалар даражасидаги тиббий хизмат тизимини барпо этиш, ҳар жихатдан баркамол авлодни вояга етказиш - бу соҳада олиб борилаётган ислохотларнинг мазмун моҳиятини ташкил этади.

Айниқса, Президентимиз Ислам Каримовнинг 1998 йилдаги Фармони билан Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг 1999-2005 йилларга мўлжалланган Давлат дастури қабул қилиниши соҳада бошланган ислохотларда туб бурилиш ясади. Стратегик аҳамиятга эга бўлган бу ҳужжатда тиббий хизматнинг миллий моделини босқичма-босқич шакллан тириб бориш вазифаси билан бирга унинг устувор йўналишлари изчил ва аниқ баён этилди.

Миллатни янада соғломлаштириш ғоясини рўёбга чиқаришда юртимизда ташкил топган ихтисослашган тиббий марказлар ҳам жуда фаол иштирок этапти. Айни пайтда мамлакатимизда Кардиология, Хирургия, Урология ва Кўз микрожарроҳлик йуналишидаги тўртта ихтисослашган республика тиббиёт марказлари мавжуд.

Оналик ва болалик муҳофазасини тубдан яхшилаш тиббиёт соҳасидаги Давлат дастурида белгиланган устувор йўналишлардан ҳисобланади. Ўтган йиллар мобайнида оилаларда тиббий маданиятни ошириш, аёллар соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом авлодни дунёга келтириш ва тарбиялаш бўйича кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилди. Энг муҳими ислохотларнинг бундай амалий самараси халқимиз турмуши ва ҳаёт тарзида ўз аксини топмоқда.

Айтиш жоизки, бу борада амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар ва унинг амалий натижалари 2011 йил 26 ноябрда Тошкентда элликка яқин нуфузли халқаро ташкилотлар ва ривожланган хорижий мамлакатлар етакчи олимлари ва экспертлари иштирокида бўлиб ўтган *“Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: “Соғлом она*

– соғлом бола” мавзуидаги халқаро симпозиумда алоҳида эътироф этилди.

Мана шундай шароитда Президентимизнинг 2007 йил 19 сентябрда “Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида”ги Фармони ва 2007 йил 2 октябрдаги “Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарорининг қабул қилиниши тиббиёт соҳасида янада жиддий янгиланишлар сари ташланган қадам бўлди. Зеро, бу хужжатлар асосида беморларга вилоят миқёсида ягона стандартлар асосида хизмат кўрсатувчи кўп тармоқли тиббиёт марказлари ташкил этилди. Фармон билан белгиланган йўналишлардан яна бири - бу ҳар бир вилоятда тиббий диагностика марказларини ташкил этишдир. Табиийки, ушбу марказлар ҳам замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари, малакали кадрлар билан таъминланиб, уларнинг моддий-техника базаси яхшиланади.

Юқоридаги барча фикрларни мужассамлаштирган ҳолда айтиб ўтиш керакки, давлатимиз ҳукумати томонидан аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш учун кўп ишлар амалга оширилмоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш борасида қабул қилинган чоратадбирлар инсонларга тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янада ошириш, аҳоли турмушини яхшилаш имконини берди. Натижада, 2011 йилга келиб Ўзбекистонда одамларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшгача, аёлларда эса бу кўрсаткич 75 ёшгача узайди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, мустақиллик ҳар бир соҳа учун катта имконият эшикларини очди. Тиббиёт тизимида амалга оширилган ишлар ҳам мустақиллик даврида ўзининг амалий натижаларини берар экан, бу албатта жамият тараққиётининг муҳим омили ҳисобланган халқимиз саломатлиги

йўлида олиб борилган энг муҳим ишлардан биридир.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида инсон сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилиш борасида эришилган катта ютуқлар, буюк аллома Абу Али Ибн Синонинг 1000 йил аввал соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш борасидаги фикрларини тўлиқ амалга ошаётганлигини ифодасидир.

## ИБН СИНА О КРОВИ И ЕЕ БОЛЕЗНЯХ

Бахрамов С.М.  
ТашИУВ

Ибн Сина рассматривал кровь как первичный сок организма, одной из функций которого является «питание организма», при описании отдельных качеств крови он подчеркивал ее «красный цвет», «сладость» и т.д.

Заболевание, описанное ученым как «лихорадка крови», охарактеризовано такими признаками, как «краснота лица и глаз, вздутие вен на шее, висках и общее переполнение без озноба», «большой, сильный, наполненный пульс», «пыление и одышка». Для ослабленный ярко выраженных проявлений данного недуга он рекомендовал кровопускание, «лучше частями», а также применение медицинских пиявок. Ретроспективная оценка описанных проявлений и особенностей их течения, применяемых способов лечения указанного состояния позволяет допустить, что Ибн Сина под «лихорадкой крови» понимал эритремию (истинная полицитемия), названную позже болезнью Вакеза. В этом убеждают и указания на то, что «такая лихорадка не отлучна и не ослабеваает вплоть до кризиса или до смерти», так как она «пристает ко всему телу» («Канон врачебной науки», кн. IV, с. 80). Итак, по-видимому, первое описание эритремии принадлежит великому целителю Ибн Сине.



Значительное место в «Каноне» отведено желтухам. Ибн Сина подразделяет их на «желтую» и «черную». Под «желтой» желтухой подразумевается состояние, развивающееся «вследствие закупорок, не допускающих желчь к желчному пузырю и в кишечник». Последнее обстоятельство бывает обусловлено, по мнению Ибн Сины, состоянием самой печени, порождающей желчь, которая «разогревается... из-за опухолей в печени или в желчных протоках». Постоянными признаками «желтой» желтухи являются «сильная белизна кала», «зуд во всем теле» и «боль и вздутие» в животе. Следовательно, надо полагать, что, описывая «желтую» желтуху, Ибн Сина имел в виду синдром желтухи, развивающийся при поражении паренхимы или обтурации желчных путей.

В отличие от «желтой» желтухи, при «черной» желтухе, по мнению автора «Канона», отсутствуют такие признаки, как «тяжесть или боль в правом боку, зуд; желтуха редко возникает внезапно и ей сопутствуют признаки затвердения и увеличения селезенки, боли в левом боку». Кал нередко бывает сильно окрашен, моча становится «подобно самой крови». Такое, предельно четкое, представление о признаках «черной» желтухи с позиции сегодняшнего дня дает основание отнести ее к гемолитическим состояниям.

В «Каноне врачебной науки» имеются и материалы, касающиеся проблем геморрагических диатезов и анемий.

Все выше изложенное трактовалось Ибн Синой в тот период, когда еще не было каких-либо научных сведений о составе крови и о свойствах последней. В этом и состоит гениальность ученого.

## X-XI АСРЛАРДА ИЛМЛАР ТАСНИФИ МАСАЛАСИ ЁРИТИЛИШИ ВА УНДА ИБН СИНОНИНГ ЎРНИ

**Баҳодиров Р.**

**ЎзР ФА Шарқшунослик институти**

Шарқда илмлар ривожланишининг авж олиши IX асрдан бошланади ва унга катта ҳисса қўшганлар қаторида биринчи навбатда ўша даврда Шарқда тамаддун ўчоғи бўлган Марказий Осиёда туғилиб вояга етган олимларни қайд қилиш даркор. Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Фарғоний, Абу Наср ал-Форобий каби алломалар томонидан яратилган билимлар фундаменти кейинги асрларда, айниқса, Абу Райҳон ал-Беруний ва Абу Али ибн Сино каби мавсумий олимлар ижод қилган X-XI асрнинг биринчи ярмида ижтимоий-фалсафий ва илмий тафаккур ривожланишига асос бўлди.

Маълумки, қадим замонларда барча табиий ва ижтимоий илмлар асосларини ўз ичига олган ягона – фалсафа илми мавжуд бўлган. Айни пайтда илмий билиш ривожланиши тарихида илмлар таснифи масаласи билан фалсафа ва уни бошқа фанларга муносабати орасида доимий узвий боғлиқлик бўлган. Илмларнинг борган сари ривожланиши уларнинг таснифини тақозо қилди. Бу эса илмий билиш масалаларини ҳар томонлама ўрганишга катта замин яратди. Илмлар таснифи антик даврда шаклланди ва бу соҳанинг биринчи таълимотлари Қадимги Юнон мутафаккирлари Демокрит, Афлотун ва айниқса Арасту асарларида ишлаб чиқилди.

Мазкур масала X-XI асрларда Шарқда Абу Наср Форобий, Ихвон ас-Сафо, Ибн Надим, Шайё ибн Фарифун, Абу Ҳайён ат-Тавҳидий, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ва Ибн Синонинг эътиборини ўзига тортди.

Илмлар таснифи масаласи Ибн Синонинг “Донишнома” (“Билимлар китоби”), “Рисола ал-Худуд”

(“Атамаларга оид рисола”), “Рисола фи Тақсим ал-мавжудот” (“Мавжудотлар таснифи рисоласи”) каби фалсафий асарларида баён этилган. Ибн Сино илмлар таснифи масаласини ёритишга бағишлаган махсус асарини “Ақсом ал-улум ал-ақлиййа” (“Ақл-идрокка асосланган илмлар бўлимлари”) деб атади. Бу асарда олим ўзининг илмлар таснифига ёндошишини тўлиқ акс эттирди ҳамда анъана бўйича илмларни **назарий** (уч гуруҳ: а) саккизта асосий қисмдан иборат қуйи илм – табиёт; б) материя ва ҳаракат билан боғлиқ, лекин улар билан белгиланмайдиган объектлар билан шуғулланадиган ўртанча илм – риёзиёт; в) на мавжудлиги, на белгиланиши материя ва ҳаракатга муҳтож бўлмаган объектлар билан шуғулланадиган олий илм – илоҳиёт) ва **амалий** (у ҳам уч гуруҳга бўлиниб: биринчи гуруҳ фақат бир шахсга тааллуқли, яъни ахлоқ (этика) масалалари; иккинчи гуруҳ одамларни оила ичидаги ўзаро мулоқоти, яъни уйни бошқариш – иқтисод масалалари ва учинчи гуруҳ шаҳар ёки мамлакат чегарасида бўлган инсонлар жамияти билан, яъни сиёсат билан шуғулланади) қисмга бўлиб, асосий мақсад бахт-саодатга эришув эканлигини таъкидлади.

Тибб ва психология, математика ва астрономия, физика ва химия, мантиқ ва фалсафа, геология и зоология, санъат, мусиқа, шеърят соҳаларида ажойиб натижаларга эришган ҳамда кашфиётлар қилган Шарқ энциклопедик олими – Абу Али ибн Сино илмлар таснифи масаласини ривожлантиришга ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишга муяссар бўлган ҳамда Абу Наср ал-Форобийдан сўнг мазкур йўналишда ўз даврида катта аҳамиятга молик асарлар яратган.

Кейинчалик мазкур масала – илмлар таснифи Шарқда яна бир қатор олимлар томонидан ўрганилди. Уларнинг аксарияти Абу Наср ал-Форобий, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ва Ибн Сино асарларида баён этилган таснифдан келиб чиққан ҳолда мазкур мавзунини ўз

даври талабига биноан шаклда яратдилар ва янада тўлдирдилар.

Илмлар таснифининг Шарқ олимлари тарафидан тадқиқ қилиниши, тўлдирилиши, атрофлича таҳлил қилиниши биринчидан, шу соҳанинг янада ривожланишига қулай имконият яратган бўлса, иккинчидан, Шарқ ўрта аср олимлари Антик дунё билан кейинги асрлар орасида “фақатгина боғловчи вазифасини бажарганлар” деган фикрни рад этиб, айна вақтда улар инсоният тараққиётидаги илм-фан ривожланишига улкан ҳисса қўшганлигидан далолат беради.

Шарқ алломалари, алаҳхусус Ибн Синонинг, ўрта асрларда қилган илмий кашфиётлари, яратган мукамал таснифлар ўз даврида нафақат Шарқда катта роль ўйнади, балки кейинчалик ҳам кўп мутафаккирларга таъсир этиб, Фарбда янги кашфиётларга, илм ва илмий тафаккурнинг янада ривожланишига асос бўлиб хизмат қилди, баъзилари эса хозирга қадар ўз моҳиятини йўқотмади.

Хулоса ўрнида Ибн Сино фаолиятидаги ушбу масалани янада чуқурроқ ўрганиш аждодларимиз меросини тадқиқ қилиб, халқимизни дурдона асарлар билан таништираётган олимларимиз олдидаги муҳим вазифалардан бири деб айтиш жоиз.

## ИНФЕКЦИОННЫЕ БОЛЕЗНИ В ТРУДАХ АБУ АЛИ ИБН СИНО

Даминов Т.А.  
ТМА

Инфекционная патология занимает в трудах Ибн Сино одно из ведущих мест. Так, в «Каноне врачебной науки» дается описание многих инфекционных болезней, таких как дизентерия, туберкулез, менингит, брюшной и сыпной тифы, натуральная оспа, проказа, различные виды гельминтозов, малярия, корь, чума, бешенство и др.

Большое внимание в своих трудах Ибн Сино уделял вопросам распро

странения инфекционных болезней. Ибн Сино одним из первых высказал предположение, что в возникновении и распространении этих заболеваний играют роль не только факторы внешней среды (вода, воздух, почва и т.д.), но и «мельчайшие невидимые существа» - микроорганизмы.

Он предполагал, что инфекции передаются в основном воздушным путем (так называемые «морозные поветрия»), и контактным путем. Большое значение он придавал такому фактору передачи, как пища, считая ее причиной «гнилостных лихорадок» кишечного происхождения. Подъемы заболеваемости некоторыми инфекциями Ибн Сино связывал с увеличением количества насекомых, например, мух, комаров и т.д.

Ибн Сино дал подробное описание клинической симптоматики, особенностей течения, осложнений и исходов ряда инфекционных заболеваний, актуальных в то время.

Ибн Сино в своих трудах большое внимание уделял вопросам лечения и профилактики инфекционных болезней, причем многие из его рекомендаций до настоящего времени не утратили своей значимости.

Так, Ибн Сино рекомендовал широко использовать в лечении и профилактике инфекционных болезней растительные вещества, обладающие, по современным данным, антибактериальными и фитонцидными свойствами, такие как лук, чеснок, яйца птиц и т.д.

В качестве одного из компонентов лечения инфекционных болезней Ибн Сино широко рассматривает диетотерапию. При этом он обращает внимание не только на состав и сбалансированность блюд, употреблявшихся в пищу, но также и на время и кратность приема, объем потребляемых продуктов.

Признавая факт заразности инфекционных заболеваний, Ибн Сино рекомендовал проводить лечение таких пациентов в отдельных помещениях,

изолируя их от здоровых. Большое внимание Ибн Сино обращал на такие меры профилактики инфекционных заболеваний, как обеззараживание воды (кипячение, добавление в нее фруктовых кислот, уксуса и т.д.), очищение воздуха (проветривание помещения, окуривание помещений различными растительными веществами, такими как сандал, мирт и др.). В «Каноне врачебной науки» приводятся описания методов дератизации, дезинсекции, а также ряд разделов, посвященных борьбе со вшами, причем многие из приведенных рекомендаций используются и в настоящее время.

Таким образом, Ибн Сино дал описание почти всех инфекций, встречавшихся во времена его деятельности, он разработал вопросы эпидемиологии, методы рациональной лекарственной и диетотерапии, конкретные меры профилактики многих инфекционных болезней. Многие из его рекомендаций перекликаются с современными методами лечения и профилактики инфекционных заболеваний, не утратив своего значения до настоящего времени.

### **АБУ АЛИ ИБН СИНОНИНГ ЙИЛ ФАСЛЛАРИНИНГ ТАБИАТЛАРИ ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАРИ**

**Джуманиёзова Г.М., Абдуллаев У.Ш.,  
Машарипова Р.Т.  
ТТА Урганч филиали**

Ибн Сино табиатнинг йил фаслларига табобат нуктаий назаридан баҳо берибгина қолмасдан бошқа мутахассислар тушунчаси билан таърифланган йил фаслларига қиёсий баҳо берганлиги тарихий адабиётлардан маълум. Жумладан, табибларча йил фасллари астрономлар тушунган йил фаслларида бошқадир. Чунки, астрономларча, тўрт фасл қуёшнинг буржлар фалагининг баҳорги (кеча кундуз баробарлиги) нуктасидан бошлаб бир чорагидан бошқа чорагига

ўтиш замонларидир. Аммо табибларча, баҳор шундай бир замонки, мўътадил (иклимли) мамлакатларда совуқдан сақланишга аҳамият бериб исинишга, ёки иссиқдан сақланиб салқинланишга ҳожат турмайди; бунда дарахтлар амал қилишга бошлайди. (Баҳор) даври баҳорги кечакундуз баробарлигидан, ёки ундан бироз олдин ё кейин бошланиб қуёш то Савр (буржи)нинг ярмига келгунича давом этади. Куз бизнинг мамлакатимизга ўхшаш мамлакатларда (давом этишда) баҳор вақтига мос келади. Бошқа мамлакатларда баҳор биздагидан олдин ва куз кейин бўлиши мумкин.

Иссиқ даврнинг ҳаммаси ёз ва совуқ даврнинг ҳаммаси қиш деб аталади. Табиблар қошида баҳор ва куз даврларининг ҳар бири ёз ва қиш даврларининг ҳар биридан қисқароқ бўлади. Қиш даври (узунликда) ёз даврига муқобил бўлади, ёки мамлакатига қараб камроқ ё кўпроқ бўлади. Баҳор даври мевали дарахтларнинг гуллаши ва мевасининг кўрсатиш вақтига, куз даври эса дарахт барглариининг ранги ўзгариб, туша бошлаш вақтига ўхшайди. Булардан бошқаси қиш ва ёздир. Биз айтамыз, баҳор мижози мўътадил мижоздир: гумон қилинганча иссиқ ва ҳўл эмасдир. Буни ҳақиқати билан текшириш ҳикмати илмининг тиббиёт қисмига оиддир. Баҳорни шак-шубҳасиз мўътадил (фасл) деб ҳисоблайлик. Ёз қуёш яқин бўлгани учун иссиқ ва қуруқдир.

Ёз иссиқ бўлиши билан бир қаторда, кучли иссиқлик сабабли ҳўлликнинг буғланишидан, ҳавонинг моддаси сийракланиб олов табиатига ўхшашидан ва шудринг кам тушиб, ёмғир кам ёғишидан қуруқ ҳам бўлади. Қиш эса юқорида айтилган сабабларнинг зидди бўлгани жиҳатидан совуқ ва ҳўл бўлади.

Кузда эса иссиқлик камаяди, аммо совуқлик ҳали кучаймаган бўлади. Шунинг учун (куз) иссиқлик ва совуқликда мўътадилликда яқин бўлиб, ҳўллик ва қуруқликда мўътадил бўлмайди.

Кўкламда қишнинг ортиқча ҳўллиги қуёш зенитга яқин бўлганлигидан пайдо бўлган озгина иссиқлик билан йўқоти-

лади. Кузнинг ҳавоси эса озгина совуқлик билан ҳўл бўлмайди.

Ибн Сино йил фасллариининг ўзгаришлари ҳар бир иқлимда бирор бир касалликни кўзғатади. Табиб буни ҳар қайси иқлимга нисбатан яхши билиши зарур деб кўрсатиб ўтган.

## **ИБН СИНОНИНГ ТЎҒРИ ОВҚАТЛАНИШ ТЎҒРИСИДАГИ ФИКРЛАРИ**

**Дўсчанов Б.А., Юсупова О.Б.,  
Нуралиева Х.О.  
ТТА Урганч филиали**

Ибн Сино соғлиқни сақлаш, турмуш гигиенаси ва тўғри оқилона овқатланиш масалаларига катта аҳамият берган. Унинг бу соҳадаги маслаҳатлари ҳозиргача ҳам ўз қийматини йўқотмаган. Тўғри овқатланиш борасида олимнинг: “яшаш учун овқатланиш зарур, лекин овқатланиш учун яшаш зарарлидир” деб уқтириши ҳозирги кунда ҳам долзарбдир. У тўғри овқатланиш тадбирида қуйидагиларга риоя қилиш лозимлигини уқтиради.

Соғлигини сақловчи киши ўз овқатининг асосий қисми сабзавот, мевалар ва булардан бошқа даво бўладиган овқатлардан бўлишига аҳамият бермоғи лозим. Шунинг учун овқат гўштга ўхшаш нарсалардан бўлиши айниқса, улоқ, бузоқ ва қўзичоқларнинг гўштлиридан, ифлос нарсалардан тозаланган буғдойдан, мизожга мувофиқ ширин нарсадан ва яхши хушбўй шаробдан иборат бўлиши лозим.

Қишда иссиқ, ёзда совуқ ёки илиқ овқат ейиш лозим. Иссиқлик ва совуқликни ҳар иккиси ҳам чидаб бўлмас даражага етмаслиги керак. Яна буниси ҳам борки, жуда тўйиб ва тўлиб овқат ейиш ва ичиш ҳамма ҳолда ҳам ўлдирувчидир. Гавдага энг зарарли нарса меъдада овқат етилмасдан ва ҳазм бўлмасдан туриб яна овқат киритишдир. Меъда бузилишидан, хусусан ёмон овқатлардан бўладиганидан зарарлироқ

нарса йўқдир. Агар у енгил овқатлардан пайдо бўлса, ўткир ва ёмон иситмалар, ўткир ва ёмон сифатли шишлар вужудга келади.

Овқатнинг мўътадил даражада ейилганлигига нафаснинг катталашмаслиги ва томир уришининг катталашмаслиги далил бўлади. Етарли даражада ҳазм қилолмайдиган киши овқатланиш вақтини кўпайтириб, овқат миқдорини озайтириши керак. Савдо мизожли кишининг гавдаси кўп ҳўллоғчи ва оз қиздирувчи овқатга муҳтож бўлади. Қони иссиқ киши озиклиги оз ва совутувчи овқатларга муҳтож бўлади. Қони балғамли киши озиклиги кучсиз, қиздирувчи ва суюлтирувчи овқатларга муҳтож бўлади. Овқатларнинг истеъмолида маълум тартиб бор, соғлигини сақламоқчи бўлган киши унга риоя қилмоғи керак. Суюқ, тез ҳазм бўлувчи овқатни ундан кучли ва каттиқроқ овқат устига ейишдан сақлансин, бўлмаса кейинги овқат аввалгининг юзига чиқиб ҳазм бўлади ва ўтар йўл қолмагач сасийди, бузилади ва аралашган нарсасини ҳам бузади.

Шу билан бирга Ибн Сино баданнинг ташқи кўриниш офатлари деб ўтакетган семизлик ва ориқликни айтади. Организмнинг овқат талаб қилиши ёшга боғлиқлигини ҳам айтиб шундай дейди: “Ўсмирларда овқат талаб қилиш ва ҳазм кучли бўлади, қари кишиларда еса буни акси кузатилиб, уларнинг қувватларида орқага кетиш бўлади”. Бу ҳолда овқатланиш рационига сабзавотлардан лавлаги ва карам киритилса, айна муддаодир. Лавлаги пектин моддаларининг асосий манбаси ҳисобланса, карам клетчаткага бойдир. Уларнинг қариётган организмга таъсири ичакларнинг секретор фаолиятини стимуляция қилишда, ич қотишларнинг олдини олишда ва ичак микрофлорасининг синтетик қобилиятини фаоллаштиришда намоён бўлади.”

Шунингдек, Ибн Сино уйқу ва уйқусизликни овқатланиш билан боғлиқ томонларини кўрсатиб, овқатланишда

риоя этиладиган бир қанча қоидаларни келтириб ўтади: уйқудан олдин, овқат ҳазм бўлгандан сўнг ҳаммомга тушиш; оч қоринга ухламаслик керак, бунинг натижасида қувват сусаяди; уйқу кучни кўзгатади, баданни чиқиндилардан тозалайди; агар уйғоқлик кўпайиб кетса, безовталиқ вужудга келиб, руҳ ва баданни оздиради; ҳаддан ташқари кўп уйқу эса ҳеч шаксиз, семиз, тўлиқ баданларга зарарлидир; кундузги уйқу ҳам зарарли бўлиб, у касалликларни кўзгатади, кишини ланж қилади, иштаҳани пасайтиради. У яна уйқудаги ҳолатлар ҳақида қуйидагиларни ёзган: ўнг томонни босиб, кейин чап томонга айланиб ётишдир; қоринни босиб, кейин чап томонга айланиб ётишдир.

Овқат устига шароб ичиш энг зарарли нарсалардандир. Чунки, шароб тез ҳазм бўлувчи ва тез ўтувчидир. У овқатни ҳам ҳазм бўлмаган ҳолда ўтказиб юборади натижада тиқилмалар ва чириш баъзан эса кўтир пайдо қилади. Ширинликлар тиқилмаларни тез олиб келади, чунки одам табиатан уларни ҳазмдан илгари ўзига тортади. Тиқилмалар эса кўп касалликларга, шу жумладан истиско касалига учратади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Абу Али ибн Синонинг тавсия этган фикрлари одамларнинг яшаш тамойилларининг асосийлари ҳисобланиб, улар ҳозирги замон тиббиётида ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

### **ИБН СИНО “КУЛЛИЁТ”ИНИНГ БОСИТХОН ТАБИБ АМАЛГА ОШИРГАН ТАРЖИМА ВА ШАРҲИ**

**Зияходжаева Г.**

**ЎЗР ФА Шарқшунослик институти**

Тошкентлик таниқли табиб оиласида туғилиб, вояган етган Боситхон ибн Зоҳидхон Шоший (1878-1959) ўз даврининг етук табибларидан бири эди. Ундан бизгача фаннинг турли соҳаларига бағишланган 10 дан ортиқ асарлар етиб



келган. У табиб, шоир, таржимон, луғат-шунос, хаттот, рассом ва ношир сифатида фаолият кўрсатди. У етти ёшиданок отасига шогирд тушиб, табобат сирларини ўрганди ва бу соҳада камолот ҳосил қилиб, тиббиётга оид асарлар ёзди.

Боситхон Шошийнинг тиббиётга оид ёзган асарларидан бири “Қонуни Боситий” ёки “Қонун ал-Мабсут” (1942) деб аталади. Бу асар Ибн Сино “Куллиёт”и (“Тиб қонунлари”ни 1-жилди)нинг ўзбек тилига қилинган таржимаси бўлиб, муаллиф ўз тажрибаси ҳамда бошқа табибларнинг асарларига суянган ҳолда уни кенг шарҳлайди.

“Қонуни Боситий”нинг аҳамиятли томони шундаки, муаллиф асарни ёзишда ўз даври медицинаси ютуқлари ва ўзининг табобат соҳасидаги фаолияти натижаларига асосланган. Бунда у ўтмиш олимларининг фикрларини исботлаб беришдан ташқари, уларнинг камчиликларини ҳам очиб берган. Масалан, ўтмишда табибларнинг дори тайёрлашдаги меъёрлари ҳақида ўтмиш одамлари бақувват, жуссаси катта бўлганлиги сабабли улар қабул қиладиган дозалар муаллиф замонаси одамларига тўғри келмаслигини уқтириб: “Бинобарин, аларга таъйин бўлган миқдори шўрбат (доза) ҳозирги замон инсонлари учун зўрлик қилур, шунинг учун аттиббойи мутақаддимни ғалатга (хатога) нисбат бермоқ тўғри эмас”дир, дейди.

“Қонуни Боситий” асарида Боситхон табиб томонидан чизилган 8 варақдан иборат инсон баданининг рангли сурати, овқат ҳамда инсон ҳаракатларининг сифат ва хилларига бағишланган иккита жадвали ҳам мавжуд. Муаллифнинг кўргазмали материаллардан фойдаланиши замонавий медицинадаги услубга яқин ҳолда ёзилганидан далолат беради. “Қонуни Боситий”нинг дастхат нусхаси ЎзР ФА ШИ фондида 8921, 8922 ашё рақамлари остида сақланади. Асарлар матни рус фабрика қоғозига, настаълик хатида ёзилган, 1-жилди ўлчами 22x35 см., ҳажми 120 варақ, ҳар саҳифа 27 сатрдан иборат; 2-жилди ўлчами 22x30

см., ҳажми 310 варақ, ҳар саҳифага 29 сатрдан жойлаштирилган.

Боситхон ибн Зоҳидхон Шошийнинг илмий ва адабий меросини тадқиқ қилиш XIX аср охири – XX асрдаги шарқ табобати тарихини ёритишга, даволаш усуллари, тиббий истилоҳ ва атамалар маъносини ўрганишда катта аҳамият эга.

## МИЗОЖ КОНЦЕПЦИЯСИ ВА ЗАМОНАВИЙ ТИББИЁТ

**Зокирхужаев Ш.Я. Ибн Сино жамоат  
фонди, Парпиева Д.А. ТТА**

Ибн Синонинг мизож ҳақидаги таълимоти унинг соғлиқ ва касаллик ҳақидаги тиббий ёндошишларининг фундаментал асоси бўлиб ҳисобланади.

Ибн Сино таълимотидаги мизож концепцияси реал дунёнинг барча предметларига тегишли бўлиб, у жумладан оддий элементлардан тортиб, то йил фасллари, об-ҳаво, дори, овқатларга шу нуқтаи-назардан ёндошишини тақозо этади.

Ибн Сино фикрича, инсонларда 8 хил мижоз тафовут этилади, яъни иссиқ, совуқ, қуруқ, нам, совуқ-қуруқ, совуқ-нам, иссиқ-қуруқ ва иссиқ-нам мижозлар. Тана аъзоларининг ҳам ўз мижози мавжудлиги Тиб қонунларида қайд этилиб бош мия совуқ-нам, талоқ совуқ-қуруқ, юрак иссиқ-нам, жигар иссиқ-қуруқ мижозга эга эканлиги кўрсатилган.

Инсоннинг ёшига қараб мижоз совуқлашиб ва қуруқлашиб боради. Абу Али Ибн Сино инсонларнинг мижозини 10 та белги асосида аниқлашни тавсия қилган. Замонавий тиббиёт нуқтаи назаридан таҳлил шуни кўрсатадики, бунда ҳар бир белги алоҳида бир илмий йўналишга мос келади.

Замонавий тиббиётда саломатлик ва касаллик мезонларини белгиловчи кўрсаткичлар, шунингдек ҳар бир шахсга хос бўлган белгилар мавжуд, жумладан организм иммун ҳолати, гомеостаз, генетик, иммуногенетик омиллар, метаболик кўрсаткичлар, аъзоларнинг

функционал ҳолатлари кўрсаткичлари, асаб тизими турлари ва бошқалар.

Ибн Сино таълимотидаги мижоз тушунчасини юқорида қайд этилган замонавий тиббиёт илми билан боғланган ҳолда ўрганиш ва таҳлил этиш долзарб муамолардан ҳисобланади. Чунки мижознинг индивидуал-типологик таснифи кўп, лекин улар замонавий тиббиётдаги барча кўрсаткичларни ўзига камраб олмаган. Мижоз концепциясини замонавий тиббиёт нуқтаи назаридан ўрганиш, уни касалликларни ташхис ва даволаш стандартларида қўллашга имкон беради, шунингдек мижозга хос даволаш усуллари ишлаб чиқишда катта аҳамиятга эга бўлади.

### **ИБН АН-НАФИС “МУЖАЗ АЛ-ҚОНУН” АСАРИНИНГ “ТИБ ҚОНУНЛАРИ”НИ ЎРГАНИШДАГИ ЎРНИ**

**Ибрагимов Ф.**

**ЎЗР ФА Шарқшунослик институти**

Ибн Сино меросини амалиётга татбиқ этишда катта хизмат қилган алломалардан бири 607/1210 йилда таваллуд топган Алоуддин Абулҳасан Али ибн Абулҳазм ал-Қарший ибн ан-Нафисдир. У Дамашқда ўз даврининг йирик врачлари Абд ар-Раҳим ибн Али ад-Димашқий ад-Дахвар қўлида таҳсил олиб, таъбабат сирларини эгаллади. У таҳсилни тугаллагач, катта муваффақият билан табиблик қилди, айна пайтда ўз ўтмишдошларининг асарларини ўрганиш ва уларга шарҳлар ёзиш билан шуғулланди. 687/1288 йилда вафот этган Ибн ан-Нафисдан кўплаб асарлар мерос қолган. Шулар ичида Абу Али ибн Синонинг “Тиб қонунлари” асарининг қисқартмасидан иборат “Муъжаз ал-Қонун” асари алоҳида ажралиб туради.

Ибн ан-Нафис “Тиб қонунлари”нинг анатомияга оид қисмидаги Абу Али ибн Сино томонидан қабул қилинган Галеннинг қон айланиш тизимини рад этади ва ўпкада кичик қон айланиши

мавжуд бўлиши ҳақидаги ўз тизимини таклиф қилади. Албатта, Ибн ан-Нафис ўз давридаги фан ривожига даражасидан келиб чиқиб, ўз фикрини қатъий ва далиллар билан асослаб беролмаган бўлиши мумкин, барибир унинг бундай тўғри фикрга биринчи бўлиб келганлигини ҳеч ким инкор эта олмайди. Гален ва Ибн Синонинг қарор топган қондаларига қарши боришдан аввал Ибн ан-Нафис жонзотлар ўртасида тажриба ўтказган ва фанга анча янгиликлар киритган эди.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, Ибн ан-Нафис “Тиб қонунлари”дан фойдаланишда ундаги энг асосий жойларини моҳирона танлаб олади, ортиқча тафсилотли ва такрорий ўринларни чиқариб ташлайди. У танланган мавзунинг оддий, тушунарли тилда баён қилади, иқтибослар келтиришга берилиб кетмайди, айрим тушунчаларни ўзига хос тарзда қисқа ва лўнда ифодалайди, аммо Абу Али Ибн Синонинг ғояларини ва терминологиясини сақлаб қолади.

Ибн ан-Нафиснинг яна бир катта хизмати шундаки, у айрим шарҳловчиларга ўхшаб Абу Али ибн Синонинг асарини сохталаштиришга, ундан кўр-кўрона фойдаланишга йўл қўймайди, аксинча буюк устознинг таълимотини ижодий ривожлантиради, уни ўз даврига хос янгиликлар ва тушунчалар билан бойитади.

### **ВАЛЕОЛОГИЧЕСКИЕ ПРИНЦИПЫ СОХРАНЕНИЯ И УКРЕПЛЕНИЯ ЗДОРОВЬЯ В ТВОРЧЕСТВЕ ИБН СИНЫ**

**Иргашев Ш.Б.  
ТашИУВ**

Годы, проведенные в академии Мануна, для великого Ибн Сины явились существенным фактором в его становления как ученого – энциклопедиста и ещё больше раскрыли его огромный талант и дарования. В эти годы была

заложена основа для создания и «Канона врачебной науки», которая пронизана идеей сохранения и укрепления здоровья человека.

Его учение направлено на такие актуальные проблемы как; «здоровье здоровых»; «единство организма и окружающей среды» индивидуальность в подходе к охране здоровья человека, необходимость соблюдения ряда факторов для сохранения здоровья, включающие рациональное питание, физические нагрузки, уравновешенность природы и ряд других рекомендаций, которые являются и сегодня актуальными с точки зрения не только формирования здоровой личности, но и развития оздоровительной медицины в целом.

Анализируя огромный опыт предшественников и основываясь на собственных наблюдениях, великий ученый оставил неопределимый вклад в вопросах сохранения и укрепления здоровья с периода зачатия плода, рождения ребенка и до глубокой старости. Его теоретические и практические суждения основываются на глубоком знании медицины во всех возрастных периодах жизни человека.

Основываясь на рекомендациях и суждениях великого учёного и анализируя достижения современной медицины, возникает необходимость создания стройной системы концепции, формирования здорового образа жизни, основанная на традициях народа и его великих истоках. Современные подходы основанные на учениях Ибн Сины позволяют рассматривать формирование образа жизни человека с точки зрения **духовных, психологических, физических и медицинских аспектов.**

Данные факторы воздействия, должны проводиться через целевые группы:

**молодая семья, беременная женщина, грудной ребёнок, детство и подросток, молодёжь, зрелый и средний возраст, пожилой и старый возрастные группы.** Для каждой из этих групп используются отмеченные выше

аспекты, с разработкой **стандартов и алгоритмов** в каждой конкретной целевой группе.

Современные разработки системного, целенаправленного подхода с целью формирования ответственного отношения к своему здоровью населения, преимущественно основаны на гениальном учении нашего великого соотечественника.

## **ТИББИЙ МЕРОСЛАРИМИЗ РИВОЖЛАНИШ ЗАМИНИ**

**Искандаров С.И.**

**Ўзбекистон кимё-фармацевтика  
илмий-тадқиқот институти**

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш заминидан замонвий фармацевтика саноатини мустаҳкамлаш, янги самарали дори препаратларини ишлаб чиқаришни талаб қилади.

Республикамиз флораси кўпгина ноёб ўсимликлар турлари ва етарли захиралар мавжудлиги, улар таркибидаги мураккаб биологик фаол моддаларни ажратиш олиш технологияларини яратиш катта истикболга эга. Чунки, табиий манбалардан индивидуал моддаларни ажратиш олиш, уларнинг фармакологик таъсирларини ўрганиш ва улар асосида янги юқори самарали оригинал препаратларни яратиш, синтетик моддалардан олинган дори препаратларига нисбатан бир қатор устунликларга эга (таннархи, хом-ашё базасининг мавжудлиги, организм хужайралари томонидан яхши қабул қилиниши ва ҳ.к.).

Битта ўсимлик таркибида биологик таъсири бўйича ўзаро антогонист бўлган моддалар мавжудлиги, ҳар-хил ўсимликлар таркибидаги моддаларнинг ўзаро таъсир потенциалларини ошириши ва синергизм намоён қилиши каби ҳолатлар доривор ўсимлик хом-ашёларини дамлама, қайнатма, турли йиғма чойлар ҳолида ишлатилишини қайта кўриб чиқишни талаб қилади.

Маҳаллий табиий хом-ашёлар асосида дори препаратларини яратиш бўйича олиб борган илмий изланишларимиз давомида мумиё субстанциясини тозалаш ва стандартлаш, унинг таҳлил усулларини ҳамда тегишли меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиб, уларни ЎЗР ССВда тасдиғи олинган. Мумиёнинг таблетка дори шакли ҳамда қизилмия илдизи курук экстракти асосида иммунитетни стимулловчи ва организмни тетиклаштирувчи таъсирли оригинал Стимусол препарати яратилди.

Ҳозирги кунда олиб борилаётган илмий изланишларимиз *Curcuma longa L* - узун куркума (зарчава) ўсимлиги билан боғлиқ бўлиб, у асосан иштаҳани очувчи ва овқат ҳазмини яхшиловчи зирavor восита сифатида кенг ишлатилиб келинган. Зарчаванинг асосан илдизпояси ишлатилиб, унда 4-8% гача эфир мойлари, ароматик оксикарбон кислоталар, шу жумладан, 2-8% гача сариқ рангли пигментлар – куркуминоидлар сақлайди. Зарчаванинг антиоксидант, яллиғланишга қарши, иммунитетни ошириш, ангиопротектор, антиатеросклеротик, ўт ҳайдовчи, гепатопротектор, яраларга қарши ва бошқа таъсирларга эга эканлиги унинг ўз таркибида куркуминоидлар ҳамда ароматик оксикислоталар сақлаши билан изоҳланади. Зарчаванинг юқорида келтирилган кўп киррали фармакологик таъсирлари заминиди Ферулонг, Курцетин, Гепапрот нео, Апилонг препаратларини яратишга муваффақ бўлди. Ферулонг препаратининг фармакологияси чуқур ўрганилиб, унинг кучли яллиғланишга қарши ва бир қатор ноёб хусусиятлари аниқланди. Бўғимлар яллиғланиши, шу жумладан, подагра касаллигини даволаш бўйича Республика Ревматология марказида олиб борилган клиник синовлар ушбу препаратнинг юқори самарадорлигини ҳамда ушбу мақсадда кенг қўлланилиб келинаётган ностероид, яллиғланишга қарши препаратлардан фарқли ўлароқ ошқозоничак тизимига ноўя таъсирларга эга эмаслигини кўрсатди. ЎЗР ССВ да барча синовлардан муваффақиятли ўтиб, уни

ишлаб чиқариш ва тиббиёт амалиётида қўллаш учун рухсатнома олинди ҳамда яқин кунларда уни саноат миқёсида ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда.

Курцетин препарати зарчава илдизпояси ва япон софораси ўсимликлари асосида олинган бўлиб, ҳозирги кунда Республика Кардиология илмий марказида юрак ишемик касалликларини даволаш бўйича клиник синовлардан ўтмоқда. Дастлабки синовларда мазкур препаратнинг қон таркибидаги яхши сифатли липидлар фракциясини сезиларли ошириши ҳамда беморнинг умумий аҳволини яхшилаши аниқланди.

Гепапрот нео препарати зарчава илдизпояси ва қизилмия илдизи асосида олинган бўлиб, фармакологик изланишлар унинг гепатопротектор, иммунитетни оширувчи ва ҳаётий зарур тўқималарнинг регенерациясини тезлаштирувчи хоссаларга эга эканлиги аниқланди. Ушбу препарат ҳозирда ЎЗР ССВга қайд қилиш учун топширилган ва клиник синовларни белгилаш арафасида.

Куркума илдизпояси асосида олинган навбатдаги препарат – Апилонг, унинг мойчечак гуллари билан мажмуа препарат бўлиб, дастлабки фармакологик изланишларда простатит ва аденома касалликларини даволашда юқори фаолликка эга эканлиги тасдиқланди.

Доришунослар ҳозирги кунда кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб бориши учун барча шароитлар мавжуд. Ушбу йўналишдаги илмий изланишларимизни янада кенгайтириш ва юқори натижаларга эришишни таъминлашда ботаник, биолог ва ресурсшунос олимлар билан яқин ҳамкорликда ишлаш вақти келган. Бу ўринда шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, Хоразм воҳаси, Қорақалпоғистон ҳудудлари, Хусусан, Амударё соҳилларида ўсадиган, Абу Али ибн Сино, Абу Райхон Беруний - буюк алломаларимиз меросига ҳам кирмаган эндемик ўсимликларни ҳамкорликда чуқур фармакогностик ўргансак, фармакологик фаол ҳамда юқори самарали препаратларни яратишга замин яратилади.

## ПРИНЦИП ЭМАНАЦИИ В ОНТОЛОГИИ ИБН СИНЫ И СОВРЕМЕННАЯ КОНЦЕПЦИЯ ГЛОБАЛЬНОГО ЭВОЛЮЦИОНИЗМА

**Каримов Б.Р.**

**ЎзРФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти**

В онтологии Ибн Сины взаимоотношения необходимосущего и возможносущего раскрываются концепцией эманации. Это отличает его онтологию от учения Аристотеля. Концепция эманации Ибн Сины изложена в его книге «Мабда и Маад». Она созвучна современной концепции глобального эволюционизма, космологической теории «Великого взрыва», которая не дает точной информации о том, что было до «Великого взрыва» и на его наиболее ранних этапах. Выдвинем ряд гипотез об этих ранних этапах.

**1 гипотеза.** До физической формы движения материи существовала математическая форма движения материи, что проявляется в существовании иерархии топологической, геометрической и алгебраической фундаментальных математических структур. Это говорит о существовании на определенном промежутке времени начального этапа расширения Вселенной иерархии соответствующих взаимодействий.

**2 гипотеза.** До математической формы движения материи существовала логическая форма движения материи, что проявляется в существовании, универсальности и фундаментальности иерархии логических структур. Это выражает существование на определенном промежутке времени начального этапа «Великого взрыва» иерархии соответствующих логических форм взаимодействия. Универсальность, эффективность и эвристический потенциал логики, математики и метода восхождения от абстрактного к конкретному имеют своим онтологическим основанием эти причины. Ибн Сина в своей онтологии

отрицает существование пустоты, что соответствует современным концепциям о вакууме как о сложнейшей системе, лежащей в основе всего многообразия форм бытия. Принцип эманации Ибн Сины способствует отрицанию принципа креационизма и формированию современной глобальной эволюционистской синергетической концепции развития форм бытия и движения, пространства и времени.

## ИБН СИНО ТАЪЛИМОТИДА ЖАРРОҲЛИК АМАЛИЁТИ

**Каримов Ш.И., Асроров А.А.  
ТТА**

Ибн Сино ўзининг “Тиб қонунлари”да тиббиётнинг бошқа бўлимлари қатори хирургияга катта эътибор берган. Унинг бу соҳада қолдирган бебаҳо билимлари хазинаси ўз замонаси тиббиётининг устувор фанлари – анатомия, физиология билимларига асосланган бўлиб Ибн Сино ўзининг “Тиб қонунлари”да хирургиянинг барча соҳалари амалиётини ишлаб, замонасининг илғор ва рационал усулларини яратиб, хирургияни ривожлантирган.

Ибн Сино яра касаллигининг симптоматикасини ёзиб, ҳаттоки ўн икки бармоқ ичак ярасидаги кечки оғриқларни, бундан ташқари ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яралари асоратларини ҳам кўрсатган. У “Ўткир қорин” ва ошқозондан қон кетиш белгиларини батафсил ёзган. Ибн Сино ярадан қон кетганда хирургик ва консерватив даво чораларини таклиф қилган. Буюк олим абсцесс қорин бўшлиғига ёрилганда ўнг пастки қийшиқ кесма кесиб қорин бўшлиғини очиб ва дренаж қўйишни тавсия қилади. Ибн Сино артериал, веноз ва паренхиматоз қон оқшининг, вақтинча ва умуман тўхтатиб қўйиш усуларини ишлаб чиққан. Жумладан уларнинг айримлари: томирни боғлаш, қуйдириш усуллари замонавий жарроҳликда ҳам



кўлланилиб, ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

“Тиб қонунлари”нинг муаллифи қорин яралари тўғрисидаги бўлимда чиқиб қолган ичакларнинг қисилиш ҳолларини ва уларни қорин бўшлиғига солгандан кейин ярани ҳам тикиш услубларини батафсил ёритган. Олдинги ошқозон деворини чоклаш борасида ўз услубини баён этган. Олим тушиб қолган чарвининг бир қисмини олиб ташлаш, сўнгра чок солишни тавсия қилган, бу даволаш бизнинг давримизда ҳам тўғри ҳисобланади.

Ибн Сино кесилган ва йиртилган яраларни фарқлаб, уларда юз берадиган жараёнларни чуқур таҳлил қилган ҳамда улар асоратсиз битиб кетиши учун зарур бўлган чораларни тавсия қилган.

“Тиб қонунлари”да йирингли касалликлар тўғрисидаги умумий мулоҳазаларга кенг ўрин берилган (IV китобдаги 221-251 бетлар), бу фикрлар китобда умумий “Иссиқ ва чирувчи ўсмалар” сарлавҳаси остида бирлашган. Унда аниқ ажратиб кўрсатилган яллиғланиш белгилари (шиш, оғрик, кизариш, ҳарорат кўтарилиши ва функциянинг чекланиши) бугунги кунда классик мисол-намуналар сифатида қабул қилинган. Ибн Сино обтурацион сариқлик ва жигар касалликларида учрайдиган сариқликнинг оддий аломатларини тавсифлаб берган. Унинг фикрича, ахлатнинг ўта оклиги ёки кам даражадаги сариқлиги, обтурацион сариқликнинг доимий белгилари ҳисобланади. Шунингдек, сийдик рангининг ўта сариқлиги, қориннинг ўнг биқин деворларида оғирлик, оғрик, бутун тананинг қичишиши (326-348 бетлар) – бу алломатлар умумий ўт йўлининг тикилганлигини аниқлашда классик мисол ҳисобланади.

## ВКЛАД АБУ АЛИ ИБН СИНЫ В РАЗВИТИЕ ХИРУРГИИ

Каримов Ш.И., Беркинов У.Б.,  
Каримов М.Р.  
ТМА

Несмотря на десять веков, отделяющих современность от Абу Али Ибн Сины, пытливый ум человечества снова и снова возвращается к его великой гениальности. Причины этого не только неисчерпаемостьклада, заложенного в трудах ученого, но и в том, что, несмотря на изменение взглядов на вещи, сегодня становится ясно, что еще тысяча лет назад Ибн Сина сделал то, чем мы могли бы воспользоваться в наши дни.

Абу Али Ибн Сина жил и творил в период рассвета культуры народов Ближнего Востока – ренессанса. Мы реально понимаем, что в этот период вместе с ним создавали и ряд других выдающихся личностей. Так, одним из них является Ар-Рози, который считается наставником Ибн Сины и известен разработкой прототипа современной истории болезни. Необходимо отметить, что, именно современники Ибн Сины дали ему почетный титул Аш-шейх ар-раис – то есть шейх, глава.

Огромная трудоспособность, умение наблюдать, необычайный аналитический ум и великолепная эрудиция помогли ему стать подлинным ученым-энциклопедистом, прекрасным врачом-практиком. Внеся огромный вклад в развитие медицинской науки, **Ибн Сина** явился своего рода связующим звеном между медицинскими представителями врачей Древнего Востока и учением прогрессивных западноевропейских медиков.

Величайшим творением **Ибн Сины**, принесшим ему мировую славу, является медицинский трактат «Ал-Канун фи-Тибб» («Канон врачебной науки»), где даны представления о многих направлениях современной медицины: терапии, хирургии, урологии, фармакологии, онкологии, инфекционных

болезнях, неврологии педиатрии, гигиене.

Наиболее интересными с сегодняшней позиции медицины в хирургии являются нижеследующие патологии, описанные Авиценной: гнойные раны (горячие опухоли), грыжи живота, циррозы печени с асцитом, гнойные заболевания органов дыхания, варикозная болезнь, слоновость.

Так, гнойные раны он описывал в виде: «флегмон», «флегмоны-ашшара» - лимфангоит, «флегмоны переходящие в рожу» - рожистое воспаление, «дурные нарывы» - флегмоны клетчатых пространств, «персидского огня» - аннаэробные флегмоны, «уголка» - карбункул. Кроме того, им описаны принципы вскрытия гнойника: необходимость обследования гнойной полости пальцем, разрушения всех «карманов», создание адекватного оттока. Эти определения и принципы их лечения не утратили своего значения, как мы понимаем, и в наши дни.

Им приводятся ценные данные о грыжах передней брюшной стенки. Он различал две основные причины «расхождения стенок» (грыжи): нарушение «непрерывности» оболочки и возникновение в ней щели, а также расширение узких проходов. К болезням «расхождения стенок» отнесены: «кила» - паховая грыжа, «удра» - водянка яичка, «выпячивание пупка». При лечении «расхождения стенок» он советовал избегать сильных движений, прыжков, обильной еды и питья, а целью лечения определил необходимость по возможности «заращение разрыва». При этом использовал лекарства с вяжущей силой и прижигания.

В своих трудах Ибн Сина большое место уделял заболеваниям органов дыхания. Ученый подробно описал анатомию и физиологию системы дыхания. Изложил симптомы заболеваний дыхательной системы и их взаимосвязь при ряде патологий. Абу Али Ибн Сина досконально описал причины возникновения, клинику,

дифференциальный диагноз различных заболеваний органов дыхания - легких, плевры и дыхательных путей. При лечении плеврита применял плевральную пункцию. Он впервые определил туберкулез как инфекционное заболевание. Кроме того, различал две формы гнойных заболеваний органов грудной клетки: первая - переход воспалительной болезни легких в нагноение, вторая - заполнение плевральной полости гноем (эмпиема). При лечении последней он указывал на необходимость «в выпуске» гноя. При этом во избежание коллапса им рекомендована поэтапная его эвакуация. При лечении эмпиемы применял описанные им лекарственные «фитили», обладающие, как мы понимаем, всасывающим и противовоспалительным действием. А заканчивал лечение прижиганием.

Что касается асцита, то он говорил «о безумности выпускать жидкость». И сегодня мы понимаем в верности этих высказываний.

Правильно понимая механизм расширения вен нижних конечностей, Ибн Сина дал ряд рациональных рекомендаций для его лечения. Так, при безуспешности консервативного его лечения местными средствами, он рекомендовал операцию, описанную им за несколько сотен лет до Тренделенбурга. Ибн Сине принадлежит приоритет первого описания семиотики «слоновой болезни», которую он ошибочно объяснил поражением вен.

Таким образом, научные труды Абу Али Ибн Сины, в том числе и «Канон врачебной науки», написанной 1000 лет назад и в сегодняшние дни находят свое место. Во времена, когда он жил и творил не было понятий об асептике, антисептике, однако, несмотря на это, он добивался невероятных успехов и внес неоценимый вклад в развитие сегодняшней хирургии.

## ИБН СИНО ТАЪЛИМОТИДА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ АСОСЛАРИ ВА УНИНГ АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ

**Каримов Ш.И., Зокирхўжаев Ш.  
ТТА**

Соғлом турмуш тарзи инсон ҳаёт тарзи бўлиб, ўзининг ва атрофидагиларнинг соғлигини сақлаш, мустаҳкамлаш ва касалликларни олдини олиш билан боғлиқ тадбирлар мажмуаси тушунилади.

Президент И.А.Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида буюк олим Ибн Сино ҳақида қуйидагиларни таъкидлайди:

“Ноёб фазилатлар соҳиби бўлмиш машҳур аллома Ибн Синонинг “Тиб қонунлари” асари неча асрлар давомида Европанинг энг нуфузли олий ўқув юртларида асосий тиббиёт дарсликларидан бири сифатида ўқитиб келинган, дунё миқёсида “Медицина”, “Соғлом турмуш тарзи” деган тушунчаларнинг фундаментал асос бўлиб хизмат қилгани, албатта чуқур ҳаётий ва илмий заминга эга”.

Буюк юртдошимиз Абу Али ибн Сино ўзининг беш жилдлик “Тиб қонунлари” китобида одамларни соғлигини сақлашга катта эътибор беради ва соғлом турмуш тарзи етти омилдан иборат деб ҳисоблайди:

- 1.Тана тузилишининг ўзаро уйғунлигини таъминлаш;
- 2.Овқат маҳсулотлари ва сувни танлаш;
- 3.Танани ортиқча захарли моддалардан тозалаш;
- 4.Тана аъзолари ўртасидаги мувозанатни сақлаш;
- 5.Кийим ва бошқа танага тегиб турувчи нарсаларни тоза тутиш;
- 6.Нафас олинадиган ҳавони тозалаш;
- 7.Тана ва руҳий ҳолатини, шу билан бирга уйқу ва сергакликни бошқариш.

Ушбу омиллар ҳозирги вақтда аҳоли, айниқса ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришда катта

аҳамиятга эга. Соғлом турмуш тарзини аҳоли орасида доимо тарғибот этиш оммавий ахборот воситалари, нашриёт ва шунингдек тадбирлар ўтказиш орқали амалга ошириш лозим.

Тошкент тиббиёт академиясида мунтазам ўтказилаётган тадбирлар - “Овқатланиш сирлари”, “Тамакига йўқ”, “Қовоқ сайли”, “Спорт байрамлари”, “Ибн Сино - соғлом турмуш тарзи асосчиси” бутун Республика миқёсида ўтказилишини тавсия этамиз.

Инсон саломатлиги қуйидагиларга боғлиқ: турмуш тарзи, рационал овқатланиш, ирсий хусусиятлар, ташқи муҳит омиллари, соғлиқни сақлаш тизими, кун тартибига амал қилиш. Шунингдек, шахсий ва умумий гигиена қоидаларига амал қилиш, эрталаб, бадантарбиядан кейин ювиниш, нонуштадан сўнг ва кечки уйқу олдида кўлини совунлаб ювиш, рационал ва тартибли овқатланиш, ортиқча вазни камайтириш, ҳаракатланиш фаоллигига амал қилиш, жисмоний тарбия, спорт билан шуғулланиш. Соғлиқ учун зарарли одатларга барҳам бериш, яъни чекиш, спиртли ичимликлар истеъмол қилиш, гиёҳвадлик кабилардан воз кечиш, соғлом оила қуриш ва замон талаби асосида оилани режалаштиришга эътибор бериш, феъл-атворда мавжуд бўлган нуқсонларни бартараф этиш, кайфиятнинг бузилиши ва атрофдагилар кайфиятини бузишдан сақланиш.

Соғлом турмуш тарзини афзалликлари: инсон саломатлигини мустаҳкамлашни, меҳнат қобилиятининг фаоллашуви, умр кўришининг узайиши ва бетоб бўлмаслик ҳисобланади.

## **ИБН СИНО ТИББИЙ ТАЪЛИМОТИНИНГ ФУНДАМЕНТАЛ АСОСЛАРИ ВА УНИНГ ЖАМИЯТ ПОЙДЕВОРИ – ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИДАГИ ЎРНИ**

**Каримов Ҳ.Ё.**

**Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти**

Замонавий жаҳон тиббиёти мисли кўрилмаган имкониятларга эриша бораётганлиги табиий бир ҳолдир. Бунга сабаб фақатгина илмий-техника равнақи эмас, балки инсониятнинг асрлар мобайнида даврлар синовида тўплаган тиббий илмлар захирасининг бойлигидир.

Ибн Синонинг 1002 йиллардан Хоразмда яшаган даврда Маъмун академиясидаги буюк алломалар Абу Райхон Беруний, Абу Саҳл Масихий, Абу Наср ибн Ироқ, Абу-л-Хайр Ҳаммор каби олимлар билан бўлган мунозаралари, ёзишмалари, тўплаган материаллари асосида у ўзининг машҳур “Тиб қонунлари”, “Аш-шифо” асарларининг баъзи қисмларини ёзишни бошлаган.

Юртимиз мустақилликка эришган дастлабки даврдаёқ кадриятларимизга, маънавий бойликларимизга ёндошиш тубдан ўзгарди. Жумладан, буюк ватандошимиз ҳаёти ва ижодига қизиқишни инобатга олиб ва улуг алломанинг бой илмий меросини муносиб баҳолаган Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов фармонида биноан Ибн Сино номидаги Халқаро жамғарма тузилди. Жамғарма фаолияти Абу Али ибн Сино меросини ўрганиш, кенг тарғиб қилиш ва соғлиқни сақлаш соҳасида бошланган ислохотларга татбиқ этишга йўналтирилган.

Ибн Сино тиббий таълимотининг фундаментал негизлари - тиб қоидаларини ўрганишга киришар эканмиз, даставвал унинг тиббиёт борасидаги фикрларини таҳлил қилишга масъулдирмиз. Бу эса Ибн Сино фаолиятларини тўғри тушуна олишимиз ва ундан оқилона фойдаланишимизга имконият яратади.

Ибн Сино “Тиб қонунлари” фундаментал негизининг катта бир қисмини касалликлар ва уларни даволашдаги усулларнинг умумий хусусиятлари ташкил қилади. Ибн Синонинг ўша даврлар учун анча прогрессив бўлган, 600 йилдан ортиқ вақт Ғарб мамлакатларида ўқитилиб, қўлланилиб келинган “Касалликлар назарияси” асарининг ҳам ҳозирги тиббиёт тараққиётида ўз ўрни бор.

Мазкур таълимот бугунги кунда Президентимиз И.А. Каримов томонидан қайта-қайта кўтарилаётган, мустақил давлатимиз пойдевори сифатида давлат сиёсати даражасида ёндошилаётган “Мустаҳкам оила”нинг ўзига хос моделининг тиббий асосини ташкил этади.

Бу эса бугунги кунда оила шифокорлари, умумий амалиёт шифокорлари фаолиятида превентив ёндошишга асос бўлади. Зеро, ҳар бир оила саломатлиги унинг мустаҳкамлиги – давлатимиз мустаҳкамлиги, инсоният баркамоллигидир.

## **ИБН СИНОНИНГ “ТИБ ҚОНУНЛАРИ” АСАРИНИ ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИГА ТАРЖИМА ҚИЛГАН ОЛИМЛАР ҲАҚИДА**

**Каримова С.**

**ЎЗР ФА Шарқшунослик институти**

Абу Али ибн Синонинг (980-1037) “Тиб қонунлари” асари 1012-1024 йиллар мобайнида араб тилида яратилган. Бу тил бир неча аср давомида ислом дини тарқалган мамлакатларда умумий илмий тил вазифасини ўтагани туфайли шу ҳудудларда барча илмий асарлар, шу жумладан, “Қонун” ҳам арабча аслида кенг тарқалади.

Ибн Сино вафотидан 100 йил ўтар-ўтмас “Қонун” Европага ҳам етиб келади ва кремоналик Ҳерард томонидан лотин тилига таржима қилинади. Шу вақтда унинг иброний тилига таржимаси ҳам амалга оширилади. Шу тарзда “Қонун”

500 йилдан ортиқ муддатда Европа табиблари қўлидан тушмайдиган асарга айланади. Кейинчалик XIX асрга қадар Шарқда турли табиблар томонидан унга араб ва форс тилларида шарҳлар ёзилади.

XIX-XX асрларда “Қонун”нинг айрим қисмлари немис, француз ва инглиз тилларига, кейинчалик урду ва форс тилларига ҳам таржима қилинади. Бироқ, бу асар XX асрнинг ўрталарига қадар ҳозирги замон тилларининг биронтасига ҳам тўла равишда ўгирилмаган, зеро, бу жуда машаққатли иш бўлиб, уни амалга ошириш учун классик араб тилини пухта билган филолог олимлар билан медицина тарихи мутахассисларининг ҳамкорликда ишлашлари талаб этилар эди.

1950 йили Ибн Сино туғилганига ҳижрий йил ҳисоби билан 1000 йил тўлганини халқаро микёсда нишонлаш тўғрисида Жаҳон тинчлик комитетининг мурожаати чиқади. Унга жавобан Ўзбекистон шарқшунос олимлари Ибн Синонинг таъабатга оид шоҳ асари “Тиб қонунлари”ни арабчадан ўзбек ва рус тилларига таржима қилишдек мушкул, аммо шарафли вазифани ўз зиммаларига оладилар. Бу ишни амалга ошириш ФА Шарқшунослик институтининг пешқадам арабшунос олимларига топширилади. Ишчи гуруҳида инқилобдан олдин мадрасаларда таълим олган кекса домлардан Содик Мирзаев (1885-1961), Абдуфаттоҳ Расулов (1893-1977), Абдуқодир Муродовлар (1893-1974) билан ёнма-ён ТошДУнинг Шарқ факультетини битирган ёшлар: Убайдулла Каримов (1920-1997), Азиз Қаюмов, Қувомиддин Муниров (1928-2012), Асомиддин Ўринбоевлар (1929-2009) ҳамкорликда ишладилар.

Ўзбек тилига таржима гуруҳи баробарида “Қонун”ни рус тилига таржимасида М.А.Салье (1899-1961), Ю.Н.Завадовский (1909-1979), Т.Г.Булгаковлар (1927-1993) меҳнат қилдилар. Иш ҳажми ниҳоятда катта бўлгани боис, гуруҳ аъзоларига бўлиб берилган эди. Бу эса таржима услубида ҳар хилликка сабаб бўлиб, уни бир услубга келтириш, истилоҳлар таржимасини ҳам унифика-

циялаштиришни тақозо қилар эди. Шу нуқтаи назардан русча таржиманинг умумий таҳрири фил.ф.д. А.К.Арендс, ўзбекча таржиманики фил.ф.н.У.И.Каримовга юклатилади. Таржимадаги турли тиббий тушунча ва истилоҳларнинг шарҳини амалга оширишда ўзбекча таржимада медиклардан А.А.Аскарлов ва В.К.Жумаев (1922-1968), русчада эса москвалик медиклар – В.Н.Терновский (1888-1976) ва Б.Д.Петров иштирок этдилар.

Шу тарих тарихда биринчи марта буюк аллома Ибн Синонинг жаҳонга машҳур асари арабчадан ўзбек ва рус тилларига таржима қилиниб, 1954-1961 йиллар мобайнида 5 китоб, 6 жилдда босилиб чиқди. Арабча аслида 1000000 дан ортиқ сўз бўлса, ўзбекча таржимаси 4000 бетдан иборат.

1980 йилда Ибн Сино таваллудининг шамсий ҳисоб бўйича 1000 йиллик юбилейи муносабати билан “Тиб қонунлари” ўзбекча ва русча таржималарининг қайта ишланган 2-нашри амалга оширилди. Бу нашрда аввалгисида таржимасиз қолиб кетган кўпгина истилоҳлар шарҳланди, дори номлари аниқланди. Бу нашрлар ўзбекча таржимасининг умумий таҳрири ЎЗР ФА муҳбир аъзоси У.И.Каримов ва фил.ф.н. Ҳ.Ҳикматуллаев (1929-1994), русча таҳрири У.И.Каримов ва П.Г.Булгаков томонидан бажарилди. Мана шу 2-нашр асосида кейинчалик “Қонун” турли (тўлиқ ва мухтасар) шаклларда яна 6 марта чоп қилинди. Шундай қилиб, XI асрда яратилган “Тиб қонунлари”га юқорида номлари зикр қилинган захматқаш олимлар алломанинг юртида, минг йилдан кейин янги умр баҳшида қилдилар.

#### **АБУ АЛИ ИБН СИНОНИНГ ПЕДИАТРИЯ СОҲАСИДАГИ АЙРИМ ФИКРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

**Маткаримов М.У., Абдуллаев И.К.  
ТТА Урганч филиали**



Тиббиёт илмининг султони Абу Али ибн Сино ўзининг йирик шоҳ асари “Тиб қонунлари” китобида профилактика, ташхислаш, доришунослик, даволаш ва жарроҳлик усуллари ҳақида батафсил маълумотлар келтирган. Шу билан биргаликда педиатрия соҳасида, жумладан неонатологияга таалуқли бебаҳо тиббий билимларни ёзиб қолдирган.

Касалликларни, хусусан, чақалоқлар ва болалар касалликларини тўғри аниқланиш, уларнинг қандай кечишлари тўла ва аниқ тасвирлаб берилган ва бу соҳадаги Ибн Синонинг қатор кашфиётлари ҳозирги замон педиатриясида ҳам кенг қўлланилиб келмоқда.

Жумладан, неонатологияга таалуқли чақалоқни парвариш қилиш тартиблари, болани илк ва кейинчалик чўмилтиришдаги қоида ва воситалар, йўргаклашни ўзига хос жиҳатлари ва натижаси ҳақида узоқ кузатув ва тажрибаларга асосланиб ёзиб қолдирилган. Шунингдек, йилнинг турли мавсумларида туғилган болалар тадбирлари, эмизишдаги ўзига хосликлар, кўкрак эмишдан ажратиш тартиби ҳақида баён қилинган маълумотлар замонавий тиббиёт талқин этадиган витамин Д<sub>3</sub> танқислиги, болалар неврози каби масалаларга жуда яқин келади.

Болаларда пайдо бўладиган жузъий касалликлардан тиш чиқиши, ич кетиши сабаблари, болаларда ич қотиши, болаларнинг милкида ачишишлар, яъни стомотитлар ва уларни даволаш, болалардаги йўтал ва тумов бўлиши, нафас олишнинг ёмонлашуви сабаблари, кўп учрайдиган кулоқ оғриқлари, миядаги “чанқаш”, бошда сув йиғилиши (гидроцефалия) иситмаларнинг турлари, қорин ва ичакларнинг бураб оғриши, болаларда кетма-кет аксириш, теридаги майда тошмалар пайдо бўлиши, кўп йиғлаш оқибатида киндик чиқишлари, болаларда уйқусизлик ва тўхтовсиз йиғлаш, хикқичоқ, кўп қусиш, меъда сусайиши, уйқусида қўрқув ҳолатлари, уйқуда хуррак отиши, шайтонлаш касалликлари, болалардаги кўтан чиқиши

ва совуқ тегиши натижасида “захир” деб аталувчи ич кетиш пайдо бўлиши ҳақидаги нозологик шаклларни ва синдромларни аниқ тасвирланиши бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган.

Қомусий олим Абу Али ибн Сино доришунослик соҳасида айнан болалар ва чақалоқлар учун алоҳида дозаларда (қирот – 0.236 г, хабба – 0.059 г, донак – 0.495 г) берилганлиги таҳсинга сазовордир. У таклиф этган дорилар асрлар давомида кенг ишлатилиб келинган. Уларнинг кўпчилиги ҳозир ҳам ўз кийматини сақлаб қолган.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, айниқса неонатология ва педиатрия соҳасидаги касалликларни учраш даражасига қараб кетма-кетликда изоҳланиши Абу Али ибн Синонинг ўша даврларда ҳам нечоғлик чуқур тафаккурга эга энциклопедист олим эканлигини билдиради.

### **АБУ АЛИ ИБН СИНОНИНГ ХИЛТЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ФИКРЛАРИ**

**Машарипова Р.Т., Абдурахманова  
Ф.Р., Аскарова Р.И., Салаева З.Ш.,  
Назарова М.Б.  
ТТА Урганч филиали**

Алломанинг фикрича, хилт хўл оқувчан бир жисм бўлиб энг аввал овқат ўшанга айланади. Хилтнинг баъзиси мактовга сазавордир. Булар шундай хилтки бир ўзи ё бошқа бирон нарса билан бирга овқатланувчининг моддаларидан бири бўлади, шунингдек, овқатли моддага ўхшаб кетади. Қисқа қилиб айтсак, овқатланувчи (баданга) сингиб тарқаладиган нарсанинг ўрнига бадал бўлади. Хилтнинг баъзиси ортиқча ва паст сифатли бўлиб яхши хилтга айланишига қодир эмас, ёки камдан – кам яхши хилтга айланади. Оқибатда ундай (хилт) ана шу айланишдан илгари гавдадан чиқарилиб ташланади.

Биз айтамызки: гавда хўллик (рутубат) ларнинг баъзиси бирламчи ва баъзиси иккиламчи бўлади. Бирламчиси тўртта, уларни келгусида айтамыз. Иккиламчиси икки хил, яъни ортиқча ё ортиқча эмаси. Ортиқчасини келгусида айтамыз. Ортиқча эмасларни шундай (рутубатларки) улар ўзларининг ибтидоий ҳолатларни ўзгартириб аъзоларга ўтадилар лекин оддий аъзолардан бирига ҳам тўлиқ бўлак бўлмайди. Ортиқча бўлмаган шу хўлликлар тўрт турли бўлади. Биринчиси, асосий аъзоларга қўшни бўлган майда томирларнинг учларидаги кавакларга қамалган бўлиб асосий аъзоларни суғориб туради. Иккинчиси асосий аъзоларга шабнам каби сочилган бўлади. Шу иккинчи хўллик бадан озиксиз қолганда озик бўлади. Ҳамда каттик ҳаракатдан ва бошқа бир сабабдан аъзолар қуриса уни хўллаб тура олди. Учтинчиси яқинда қуйиқлашган хўллик. Бу хўллик аралашини ва ўхшашлик йўли билан аъзолар моддасига айланган озик бўлса ҳам ҳали тўлиқ қуйиқлашини билан аъзо моддасига айланмаган бўлади. Тўртинчиси асосий аъзолар бўлакларнинг бириктиришига сабаб бўлган ўсишнинг дастлабки замонидаёқ асосий аъзога киришган хўллик. Бу хўлликнинг бошланиши томчисидан бошланиши эса хилтлардан дидир.

Яна шунингдек яхши ва ортиқча хилтларнинг хўлликлари тўрт жинс бўлади. Қон жинси бу хилликларнинг энг яхшисидир балғам жинси, сафро жинси, савдо жинси. Қон иссиқ ва хўл табиатли бўлиб икки хил табиий ва ғайритабиий бўлади. Табиийси қизил рангли бўлиб ёмон ҳидли эмас жуда шириндир. Ғайритабиийси ҳам икки хил. Баъзан ўзининг яхши мижозлик ҳолидан ўзгариши унга аралашган бирон нарса сабабли бўлмайди балки ўзидаги мижознинг ёмонлашиши билан бўлиб масалан мижози совуқ ва ё иссиқ бўлиб қолади.

Балғам (шиллик) га келсак бу ҳам ё табиий ё ғайритабиий бўлади. Табиийси шундай балғамки, баъзи вақтда қонга

айланади. Чунки, табиий балғам тўла етилмаган қондир. Табиий балғам ширин балғамнинг бир туридир. Бу табиий балғам жуда совуқ эмас, балки гавдага нисбатан озгина совуқ бўлиб, қонга ва сахрога нисбатан совуқдир. Ширин балғамдан ҳам баъзан ғайритабиийси пайдо бўлади, у таъмсиз балғам бўлиб, бунинг сабаби унга табиий қонуний аралашганидир, буни келгусида айтамыз. Бу балғам кўпинча назлалардан ва тупукларда қурилади.

Табиий ширин балғамга (келсак), Жоленус (фикрича), табиат бунга, сахро ва савдога муайян жой тайин қилгани каби бир аъзони махсус жой қилиб тайинлаган эмас. Чунки бу балғам ўз кайфияти билан қонга яқин бўлиб, аъзоларнинг ҳаммаси унга муҳтождир. Шу жиҳатдан уни қон ўрнида юргизилади.

Табиий балғамнинг манфаати бўғимларни ва кўп ҳаракатли азоларни хўллаб туришдир. Шундай хўлланиб турганда бўғимлар ва аъзоларда ҳаракат ва ишқаланиш сабабли пайдо бўладиган куруклик ҳосил бўлмайди. Табиий балғамнинг манфаати зарурийдир.

Демак, бузилган балғамнинг маза жиҳатидан тўрт турли бўлиши ойдинлашди: шўр, нордон, тахир ва бемаза дейилади. Қуюқ суёқлик жиҳатдан (ҳам) 4 хил бўлиб сувсимон шишасимон, бурун шиллиғисимон ва ганчсимон дейилади. Хом балғам эса, бурун шиллиғисимонга киради.

Сафрога келсак бунинг ҳам баъзиси табиий ва баъзиси ғайритабиий ортиқча бўлади. Табиийси қоннинг кўпиги бўлиб тоза қизил енгил ўткир бўлади жуда қизиқ кетса кучли қизил бўлади. Шу табиий сафро жигарда пайдо бўлган икки қисмга бўлинади. Бир қисми қон билан қўшилиб кетса иккинчи қисми соф бўлиб тиниб ўт қопчасига боради. Қонга қўшилиб кетадигани зарурат ва манфаат учун қўшилади. Зарурати шундан иборатки ўпка каби мижозиди сафродан етарли бир бўлакнинг бўлиши керак бўлган аъзони озиклантириш учун бўлиб керакли миқдорда қонга аралашади.

Манфаати эса қонни латиф килиб тор йўлларга ўтказишдир.

Сафронинг соф бўлиб ўт қопчасига ўтиши ҳам зарурат ва манфаат учун бўлади. Зарурати ё бутун бадан эътибори билан бўлиб баданни ортиқча нарса (чиқинди) дан халос қилади ёки биргина аъзо эътибори билан бўлиб ўт қопчасини озиклантиради. Манфати икки турлидир бири ичакни қуйқа – ғалаз ва ёпишқоқ балғамлардан ювади, иккинчиси ичакни ва орқа йўл мушагини қитиқлаб ҳожатни ҳис этдиради ва (кишини) ташқарига чиқишига муҳтож қилади. Шунинг учун ўт қопчидан ичакка тушадиган йўлда тўсиқ пайдо бўлиши сабабли баъзан қуланж пайдо бўлади.

Сафро жигарда вужудга келгач, икки қисмга бўлинади. Бир қисми қон билан бирга ўтиб кетади, иккинчи зарурият ва манфат сабабли ўтади. Зарурлиги шундан иборатки мижозда сафронинг яхши қисмдан анчагина миқдорда бўлиши керак бўлган ҳар бир аъзонинг озиклантириш учун сафронинг етарли миқдорда қонга аралаштириш учун сафронинг етарли миқдорда қонга аралашishi зарур, масалан суяклар шундай. Манфаати шуки, сафро қонни пишиқ қилиб кучайтиради ва қуйуқ қилиб тарқалишдан сақлайди.

Қонга керак бўлмай талокқа борадиган сафро ҳам зарурат ва манфаат учун боради. Зарурати ё бутун гавдада тегишли бўлиб уни ортиқча нарсалардан тозалайди ёки биргина аъзога нисбатан бўлади ва бунда у талокни озиклантиради. Манфаат шуки сафро тарқалиш олдида меъданинг оғзига тушади ва бу манфаати икки важҳ билан бўлади. Биринчи важҳ меъданинг оғзини пишиқ қаттиқ ва кучли қилади. Иккинчи важҳ нордонлиги билан меъда оғзини қитиқлаб уни очликдан огоҳлантиради ва иштаҳани қўзғатади.

Баъзи кишилар (хилтлар бир-бирига нисбатан одам гавдаси талаб қилинадиган миқдорда пайдо бўлса, хоҳ кўпайсин хоҳ озайсин барибир бўлиб соғлиқ сақланиб қолади) деб гумон қиладилар. Аслида бундай эмас. Балки хилтларнинг

бир бирига нисбатан миқдорларининг сақланиши билан бирга хилтларнинг ҳар бири учун бошқа хилтга қиёсий бўлмаган ўзининг хос миқдори ўлчови бўлиши керак.

## ГУЛХАЙРИ – АЛТЕЙ

**Оллабергенов О.Т., Абдуллаев Р.Б.,  
Хамидова Г.С.  
ТТА Урганч филиали**

Гулхайри қадим замонлардан бери халқ табобатида турли касалликларни даволашда ишлатилиб келинган доривор ўсимликлардан. Ибн Сино унинг илдизидан, баргидан ва уруғидан тайёрланган дамлама билан йўтал, қон тупуриш, зотилжам ва буйрак касалликларини даволаган ҳамда балғам кўчирувчи ва шишларни қайтарувчи восита сифатида ишлатган.

Тиббиётда гулхайрининг икки тури: доривор гулхайри (алтей лекарственный) ва арман гулхайриси (алтей армянский) доривор восита сифатида ишлатилади. Гулхайри – бўйи 1.5 метргача бўладиган кўп йиллик ўт ўсимлик. Гулхайрининг бир неча тури бўлиб, улар ўтлоқларда, тўқайзорларда, сойларда, ботқоқликларда, бегона ўт сифатида экинлар орасида, боғларда ва тоғларнинг ўрта қисмигача бўлган ён бағирларида ва бошқа нам ерларда ўсади. Ўзбекис-тоннинг деярли ҳамма вилоятлари тўқайзорларида, тоғли туманларнинг нам ерларида гулхайри турларини учратиш мумкин.

Тадқиқот ишимиздан мақсад сурункали бронхит касаллиги билан оғриган беморларда анъанавий медикаментоз даволашдан ташқари халқ табобатида кенг ишлатиладиган гулхайри ўсимлигини беморларда қўллашдан иборат.

Тиббиётда гулхайрининг ҳар иккала тури илдизидан ва баргидан бир хилда фойдаланилади. Барглари ўсимлик гуллаши олдидан ва гуллаган даврида йиғилиб, соя ерда қуритилади. Илдизи

кузда ёки эрта баҳорда кавлаб олинади, тупрокдан тозаланади, қари, ёғочланган ва майда илдизлари қирқиб ташланади, сувда ювиб, йириклари майда бўлақларга бўлинади ва очик ҳавода қуёшда қуритилади. Ҳозирги вақтда ҳам гулхайри илдизидан тайёрланган дамлама халқ табобатида йўтал, кўкйўтал, ўпка шамоллаши, нафас қисиши, томоқ яллиғланиши, кўкрак оғриши хасталикларида юмшатувчи, оғриқ қолдирувчи ва балғам кўчирувчи дори сифатида қўлланилади. Гулхайри илдизидан дамлама тайёрлаш учун қопқоқли идишга қайнатиб совутилган сувдан икки стакан қуйилади, унга майдаланган илдиздан 4 чой қошиқда солиб, 8 соат давомида қўйиб қўйилади. Сўнгра докада сузилади ва юқорида кўрсатилган касалликларга даво қилиш учун кунига 3-4 марта ярим стакандан ичилади.

Тиббиётда гулхайри илдизининг доривор препаратлари (дамлама, қуруқ экстракт, шарбат) нафас йўллари касалликларида (айниқса, болаларнинг нафас йўллари яллиғланишига қарши) ва яллиғланишда балғам кўчирувчи ҳамда меъда-ичак касалликларида (ич кетганда) ўраб олувчи восита сифатида ишлатилади. Гулхайрининг ер устки қисмидан тайёрланган мукалтин доривор препарати (таблетка ҳолида чиқарилади) ҳам балғам кўчирувчи восита сифатида нафас йўллари шамоллашида қўлланилади. Гулхайрининг майда кесилган илдиз нафас йўллари, кўкрак касалликларида қўлланиладиган балғам кўчирувчи турли йиғма-чойлар таркибига киради.

Тадқиқотимизда сурункали бронхит билан касалланган 20 нафар бемор танлаб олиниб 10 нафари анъанавий умумқабул қилинган медикаментлар, 10 нафарига анъанавий медикаментоз даволашдан ташқари гулхайри-алтей ўсимлигининг илдизидан, баргидан ва уруғидан тайёрланган дамлама билан йўтал ҳамда балғам кўчирувчи восита сифатида даво ўтказилди.

Гулхайри ўсимлиги дамламасини қабул қилган беморларнинг 8 нафарига даволашнинг 5-6 кунига балғам кўчиши кучайиб йўтал сезиларли даражада камайди. Анъанавий медикаментоз даволанган беморлардан 8-9 кунга балғам кўчиши қузатилиб йўталишлар нисбатан кам камайганлиги қузатилди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, гулхайри-алтей ўсимлигининг дамламаси сурункали бронхит касалликларида балғам кўчишига яхши ёрдам берувчи даво ҳисобланади.

## ИБН СИНОНИНГ МИЖОЗ БЕЛГИСИ ҲАҚИДА ДУНЁҚАРАШИ

**Оллабергенов О.Т., Худайбергенов  
М.Р., Абдуллаев У.Ш., Рахманова Д.С.  
ТТА Урганч филиали**

Мижознинг аҳволига далолат қиладиган белгилар ўн турлидир. Буларнинг бири ушлаб кўриб сезиш. Бунда билиш усули ушлаб кўриб сезиш. Бунда билиш усули шундан иборатки, ушлаб кўришда об-ҳавоси билан мўътадил мамлакатдаги соғлом одам билан баробар келиш келмаслигини қузатиб бориши керак. Агар улар бир хил бўлсалар бу мижознинг мўътадиллигига далолат қилади агар мўътадил мижозга эга бўлган ушлаб кўриб ҳис қилувчи текширувчидан таъсирланса ва уни табиийдан юқорироқ совуқ иссиқ ва юмшоқ ёки табиийдан кўра қаттиқ ва дағал деб топса бунга сувда чўмилиши ёки терининг юмшоқлик ё дағаллигини орттирадиган бирор бошқа омиллар билан боғлиқ сабаблар бўлмаса демак бу мижози мўътадил эмаслигини кўрсатади.

Иккинчи тур гўшт ва ёғдан олинadиган белгилар. Қизил гўшт кўп бўлган ҳолда у хўл ва иссиқлигига далолат қилади бунда у тифиз ҳам бўлади. Агар гўшт кўп бўлса ва шу билан бирга кўп ёғ ҳам бўлмаса бу мижознинг қуруқ ва иссиқлигига далолат қилади, аммо мой ва ёғ доимо совуқликка далолат қилади. Ҳамда бунда гўшт бўш бўлади. Ёғ ва

мойнинг камлиги мижознинг иссиқлигига далолат қилади, чунки ёғ ва мойнинг моддаси қоннинг серёғлигидир ва уларнинг ишловчиси совуқдир. Энг мўрт гавда совуқ қуруқ гавдадир, ундан кейин иссиқ қуруқ гавда ва ниҳоят қуруқ, аммо иссиқ ва совуқликда мўтадил гавда ва иссиқ лекин хўл ва қуруқликда мўтадил гавда туради.

Учинчи тур мўйлардан бўлган аломатлардир. Улар қуйидаги мўй ўсишининг тезлиги ва секинлиги кўплиги ва камлиги, ингичка ва йўғонлиги, ёзиқ ва жингалакликлари бўйича олинади. Мўйнинг ранги бунда асосийлардан биридир. Ўсишнинг тезлиги секинлиги ёки унинг йўқлиги бўйича олинандиган хулосага келсак, бунда секин ўсадиган ёки бутунлай ўсмайдиган мўйлар агар бунда гавда қоннинг йўқлигига далолат қилувчи аломатлар бутунлай йўқ бўлса мижознинг ўта хўлликдан гувоҳлик беради. Агар мўйлар тез ўсаётган бўлсалар, демак гавда унча хўл эмас балки қуруқликка мойилдир, аммо уни иссиқ ва совуқлиги ҳақида бошқа аломатлар бўйича хулоса чиқарадилар. Мўйларнинг шаклига қараб мулоҳаза юритишга келганда уларнинг жингалаклиги иссиқлик ва қуруқликка далолат қилади. Мўйларнинг ёзиқлиги эса қарама-қарши ҳолатларга далолат қилади. Мўйларнинг рангига келсак қоралик мижознинг иссиқлигига, сарғишлик совуқликка, очранглик ва қизиллик мўтадилликка, оқлик эса оқарган сочлик каби хўллик ва совуқликка ёки ўта қуруқликка далолат қилади.

Тўртинчи тур баданнинг рангидан олинган аломатлардир. Чунончи, оқлик баданда совуқлик билан бирга қоннинг етишмовчилиги ва кам миқдорда эканлиги далолат қилади, чунки агар иссиқлик билан сафровий хилт бўлганда эди, бадан албатта сариқ бўлган бўлар эди. Қизил ранг қоннинг кўплиги ва иссиқлигига сариқлик ва малларангли кўп ҳароратига далолат қилади. Бироқ сариқлик ўтнинг зиёдлигига кўпроқ далолат қилади, малларангли қонга ёки ўтлик қонга далолат қилади. Баъзан

сариқлик агар ўт бўлмаса энди касалликдан тузалаётган гавдаларда бўлганидек, қонсизликка далолат қилади. Ранги хиралиги мижознинг қаттиқ совуқлигидан гувоҳлик беради. Бу туфайли қоннинг миқдори камаяди ва камайган қон совуқлик таъсирида қуйилади, сафрога айланади ва терини ранги ўзгаради. Терини буғдой ранглиги иссиқликка далолат қилади, бақлажон ранглиги эса совуқлик ва қуруқликдан гувоҳлик беради, чунки бундай ранг тиниқ савдони танага тарқалишидан келиб чиқади. Ганч ранглилик фақат совуқлик ва балғам мижозликни кўрсатади. Қўрғошин ранги бироз савдолилик билан бирга совуқлик ва хўлликнинг гувоҳидир. Чунки, бу ранг бироз кўкимтирликка яқинроқдир. Кўп ҳолларда терининг ранги жигар туфайли сариқ ва оқликка, талоқ туфайли сариқ ва қораликка айланади. Бавосир касаллигида эса сариқ ва кўкликка айланади, аммо бу доимий бўлмай, баъзан ўзгариб туради.

Бешинчи тур - бу аъзоларнинг тузилишидан олинган аломатлардир. Иссиқ мижознинг аломати кенг кўкрак ва қўл оёқнинг катталиги ва ўз андозалари билан мукамалликларидир – ингичка ҳам эмас, калта ҳам. Шунингдек, аниқ кўриниб турган қон томирларининг йўғонлиги ва томир уришининг, мушакларнинг бўғинларга яқин жойлашганлиги ва уларни катталиги иссиқ мижозга далолат қилади.

Олтинчи тур - аъзоларнинг таъсирини қабул қилиш тезлигидан олинган аломатлардир. Чунончи агар аъзо қийналмасдан тезлик билан қизиса демак, унинг мижози иссиқдир, чунки қарама – қарши ҳолдаги нарсага ўтишдан кўра ҳамжинс ҳолига ўтиш осонроқдир. Агар аъзо тез совуса демак аҳвол худди юқоридаги сабабга биноан аксинчадир.

Еттинчи тур аломатлари – уйқу ва уйғоқлик ҳолатларидир. Улардаги мўтадиллик мижознинг мўтадиллигини, - айниқса, мия кўрсатади. Уйқунинг кўплиги хўллик ва совуқликка далолат қилади, ортиқча уйғоқлик эса қурғоқлик ва иссиқликни кўрсатади.



Саккизинчи тур – ҳаракатлардан олинадиган аломатлардир. Ҳаракатлар ҳамма вақт табиий ҳолда бўлса ҳамда тамомланган ва такомиллашган бўлса – миждозни мўътадиллигини кўрсатади. Улар четга тойиб ўзгарган ва ҳаддан ташқари ҳаракатга айланган вақтларида эса миждознинг иссиқлигидан гувоҳлик беради улар тез бўлса – бу ҳам миждозни иссиқлигини кўрсатади, масалан гавдани ўсиш тезлиги, мўйларнинг ва тишларнинг тез ўсиши суст ёки кучсиз, ялқов ва секин бўлса – бу миждознинг совуқлигига далолат қилади, лекин шу билан бирга уларнинг бўшлиги сустлиги ва кучсизлиги иссиқ миждоздан ҳам келиб чиқади.

Тўққизинчи тур – бу гавданинг чиқиндилари чиқариб ташлаш ва чиқарилган нарсаларнинг сифатидир. Агар бўшалиш белгилангандек бўлса ва бўшатилаётган нарсалар нажас, сийдик, тер ва бошқаларнинг иссиқ ўткир ҳидли ва рангли бўлиши керак бўлган вақтда шундай бўлиши ҳамда ҳар жиҳатдан етилиб пишганлиги иссиқликни кўрсатади бунинг тескариси совуқликка далолат қилади.

Ўнинчи тур аломатлар – нафсоний қувватларнинг таъсир кўрсатиши ёки таъсирини қабул қилиш қобилятига оид аҳволдан олинади. Чунончи кучли ғазаб, серзардалик, зукколик, тушунчалик, яхши фикрлик, ботирлик, сурбетлик, каттиқ кўнгиллик, дадиллик, хурсандлик, мардоноворлик, ялқовликка ҳам мойиллик, ҳар бир нарсдан кам таъсирланувчанлик иссиқликка далолат қилдилар, буларнинг акси эса совуқликни кўрсатади. Ғазаб, илтифот, хаёлот, зехн ва бошқаларнинг барқарорлиги қуруқликка далолат қилади ва агарда таъсирлар тезда йўқолса бу ҳўлликни кўрсатади. Туш ва ширин хаёллар ҳам шу турга оиддир. Мизожида иссиқлик кўп бўлган одам тушида худди оловда ёки офтобда қуяётгандек бўлади, мизожида совуқлик кўп бўлган одам эса худди ёки совуқ сувга ботаётгандек бўлади. Айтишларича, хилтларидан қайси бири бўлма-

син кўп бўлган одам тушида ўзининг хилтига ўхшаш нарсани кўради.

## АБУ АЛИ ИБН СИНОНИНГ МУСИҚИЙ ҚАРАШЛАРИ

Раҳимов Б.

УрДУ муסיқа кафедраси ўқитувчиси

Шарқда илк уйғониш даврлари (X-XII асрлар)да яшаган Ал –Фаробий, Ибн Сино каби машҳур олимларнинг энциклопедия тарзида ёзилган китобларидаги муסיқага доир қисмлари жаҳон муסיқа фани ва маданияти тарихида алоҳида аҳамиятга эга.

Буюк файласуф, табиатшунос, машҳур табиб, Абу Али ибн Сино (980—1037) ажойиб муסיқа назариячиси ҳам бўлган. Ибн Синонинг “Китабуш-шифаъ” (“Шифо китоби”), “Донишнома” (“Билим китоби”), “Рисалатун фи-илмил муסיқий” (“Муסיқий илми ҳақида рисола”) ва бошқа китоблари Шарқ муסיқасининг назарий асосларини ўрганишда асосий манбалардан бири ҳисобланади.

Абу Али ибн Сино муסיқа ҳақида махсус асарлар ёзиш билангина чегараланмади, балки у муסיқа назариясига бағишланган катта-катта асарларини медицина китобларига ҳам киритди. Бу тасодифий ҳол эмас эди албатта. Абу Али ибн Сино ўзининг медицинага оид ўлмас асарларида, муסיқанинг таъсир кучига катта баҳо бергани ҳолда, руҳий касалликларни даволашда уни юксак қадрлади. Хусусан, Ибн Синонинг “Қонуну фиттиб” китобида бир неча ўринда муסיқа асарларини руҳий касалликларга “шифо дастури” сифатида тавсия этилади. “Китабуш-шифаъ”, “Китабун-нажат” (“Нажот китоби”) асарларида муסיқа назариясини шарҳлаб берадиган алоҳида бўлимлар мавжуд.

Ибн Сино асрларида Шарқ классик муסיқасининг назарий масалалари атрофлича ўрганилган. Манбаларда шарҳ этилган муסיқанинг айрим назарий

масалаларини таққослаб кўриш шуни исботлайдики, Абу Али ибн Сино ўзининг мусиқа ҳақидаги асарларида ал-Форобийнинг мусиқавий-эстетик қарашларини янада ривожлантирди ва уни юқори босқичга кўтарди.

“Китабуш-шифаъ” асари 4 та катта бўлимдан иборат. 1-бўлими Мантик, 2-бўлими Физика (Тиббиёт), 3- бўлими аниқ фанлар ( аниқ фанлардан бири мусиқадир), 4- бўлими метафизига бағишланган. Бу асарда мусиқа назарияси атрофлича талқин этилиб мусиқа акустикаси, товушлар интерваллар жинс ва жамълар, мақомлар ва ритмлар, куйлар масаласи илмий асослаб берилди.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, Абу Али ибн Сино ҳазратларининг мусиқа илми юзасидан билдирган назарий қарашлари мусиқашуносларимизнинг бугунги ва эртанги куни учун назарий асос сифатида ҳали кўп хизмат қилиши шубҳасиздир.

### **СУРУНКАЛИ ХОЛЕЦИСТИТНИ ДАВОЛАШДА АРПАБОДИЁННИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ**

**Рахманова У.У., Гапуров Ж.А.,  
Абдуллаев И.Р.  
ТТА Урганч филиали**

Ибн Сино арпабодиён мевасини нафас олиш қийинлашганда уни енгиллаштириш учун, жигар (ўт ҳайдовчи восита сифатида) ва буйрак (сийдик ҳайдовчи восита сифатида) касалликларини даволашда ҳамда терлатувчи дори сифатида қўллаган.

Арпабодиён (аниссимон арпабодиён, анис обыкновенный) – бир йиллик, бўйи 30-60 смга етадиган ўт ўсимлик. Тиббиётда арпабодиённинг меваси ва ундан олинadиган эфир мойидан доривор сифатида фойдаланилади.

Арпабодиён меваларининг 50-60 фоизи кўнғир рангга кириб, пишганда ўсимлик ўриб олинади, боғ-боғ қилиб боғланади. Хом меваларнинг етилиши ва

қуриши учун поянинг юқори, мевали қисмини юқорига қаратиб хирмонга тўплаб қўйилади. Хом мевалар етилгач, қуриган ўсимлик янчилади, элаб меваси ажратиб олинади.

Халқ табобатида арпабодиён мевасининг дамламаси терлатувчи, чанков босувчи, сийдик ва ўт ҳайдовчи, иштаҳа очувчи восита сифатида ҳамда айрим меъда-ичак касалликларига даво қилиш учун қўлланилади.

Арпабодиён мевасидан дахлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга бир стакан қайнаб турган сув қуйиб, устига майдаланган мевадан бир чой қошиқ солинади ва бир соат давомида дахлаб қўйилади. Сўнгра дахлама доқада сузилади. Юқорида кўрсатилган касалликларни даволаш учун дахламадан кунига 3-4 марта овқатдан 15 дақиқа олдин ярим стакандан истеъмол қилинади.

Илмий тиббиётда арпабодиён меваси ва ундан олинган эфир мойининг доривор препаратлари бронхит касаллигида балғам кўчирувчи ҳамда ичак фаолиятини яхшиловчи ва ел ҳайдовчи (қорин дам бўлганда) дори сифатида қўлланилади.

Арпабодиён эфир мойи кўкрак шамоллаб оғриганида ва балғам кўчирувчи восита сифатида ишлатиладиган кўкрак элексири ва новшадил – арпабодиён томчиси таркибига киради. Меваси ич юмшатувчи (сурги), балғам кўчирувчи, кўкрак оғриғида ишлатиладиган йиғма чойлар таркибига киради.

Олдимизга қўйилган мақсад халқ табобатида кенг ишлатилиб келинаётган арпабодиён дамламасининг тошсиз сурункали холецистит касаллигинини даволашдаги самарадорлигини аниқлашдан иборат эди.

Сурункали холецистит касаллигининг тошсиз тури билан оғриган 22 та бемор танлаб олинди. Улардан 12 нафарига умумий парҳез ва медикаментоз даво муолажасига қўшимча арпабодиён дамламасидан кунига 3-4 марта овқатдан 15 дақиқа

олдин ярим стакандан истеъмол қилиш учун берилди. Назорат гуруҳ сифатида даволанаётган 10 нафар беморга анъанавий тарзда даволаш тавсия қилинди.

Олинган натижалар шуни кўрсатдики, арпабодиён қабул қилган беморларнинг аксариятида даволашнинг 5-6 кунда овқат ҳазм қилишдан кейин энгиллик, ўнг қовурға ёйи остида оғриқ камайиши, оғизда аччиқ таъм бўлишининг, ич дам бўлишининг камайиши кузатилди. Анъанавий медикаментоз даволанган беморларда эса 9-11 кунга ўнг қовурға ёйи остида оғриқларнинг ва метеоризмнинг камайиши кузатилди.

Тадқиқотлар давом эттирилмоқда, ўйлаймизки, арпабодиён дамламаси тошсиз сурункали холецистит касаллигини даволашда юқори самара беради.

## **БУЮК АЛЛОМА АБУ АЛИ ИБН СИНО ИЛМИЙ МЕРОСИНИНГ ҒАРБДА ЎРГАНИЛИШИ**

**Рахманова Ю.М.**

**Урганч Давлат университети**

Ғарбда “Авиценна” номи билан машҳур улуғ мутафаккир Абу Али ибн Сино ўрта асрлардаёқ ислом оламининг нуфузли олим-файласуфи дея ном қозонган ва жаҳон илм-фани, маданиятига бебаҳо улуш қўшган. Ўрта асрларда Ибн Синони Гиппократ, Гален билан бир қаторда буюк шифокор ҳисоблаганлар.

Ғарбда Уйғониш даври антик давр меросини, асосан қадимги юнон файласуфлари –Сократ, Платон, Аристотел ва уларнинг издошлари меросини чуқур ўрганишга шароит яратиб берди. Бу даврда Абу Али ибн Синонинг табобат ва фалсафа соҳасидаги асарлари лотин тилига ўгирилиб, асосан, Рим ва Венецияда нашр қилинди.

Алломанинг шарқу-ғарбда бирдек шуҳрат топган “Тиб қонунлари” асари XII асрдаёқ лотин тилига таржима қилиниб, 1500 йилдан 1674 йилгача 60

марта кетма-кет нашр қилинган ва бир неча асрлар давомида шифокорларнинг дастуриламал қўлланмаси бўлиб келган. 1608 йили Венецияда китобнинг безакланган нодир нашри чоп қилинган.

Киев Русининг Марказий Осиё билан савдо алоқалари орқали Ибн Сино асарлари рус халқига ҳам етиб борган. Улуғ алломанинг турли соҳалардаги меросини ўрганиш баробарида мусиқа назарияси хусусидаги нуқтаи назарлари барча даврларда рус тадқиқотчилари диққат марказида турди. XIX асрга келиб “”Тиб қонунлари”нинг айрим қисмлари немис, француз, инглиз тилларига ҳам таржима қилинади.

Ибн Синонинг Ғарбда таржима қилинган дастлабки асарлари “аш-Шифо”, “Китоб ан-нажот” ва асосан “Тиб қонунларидир”. Ушбу асарлар француз мутафаккирлари Доминик Гундисальво, Гийом д’Оверенский, Александр Гэльский, Жан де ля Рошель, Стефан Брабантский ва бошқалар ижодига кучли таъсир ўтказган.

Буюк мутафаккирнинг фалсафий асарлари Ғарбда, хусусан Францияда XIII асрда юксак шуҳрат чўққисига эришди ва лотин схоластикасининг ривожланиши билан боғлиқдир. Шу йўсинда Ибн Сино фалсафаси ҳам худди табобати сингари эътибор қозониб, янги платонизм ғоялари билан Ғарбга кириб борди. Шуни қайд қилиш керакки, Абу Али ибн Сино таълимотининг ғарб философ ва теологлари томонидан юксак эътирофга сазовор бўлиш сабабларидан бири унинг ғояларини Августин Блажен ғояларига яқин туриши, ўхшашлиги эди. Августин Блажен илгари сурган ғоялар христиан дини таъсири остида шаклланган эди. Черковнинг диний ақидаларини назарий асослашга интилган ўрта аср мутафаккирлари (схоластлар) орасида кўплаб олимлар бўлиб, улардан Гийом д’Оверенский, Жан де ля Рошеллар авлиё Августиннинг шогирдлари ва издошлари эдилар. Чуқур таҳлил мутафаккирлар Ибн Синонинг руҳ муаммоси ҳақидаги фикрлари

устозлари авлиё Августин ғоялари билан мос тушишини англаган эдилар.

Ибн Сино илмий меросининг Ғарбда ҳурмат қозониш сабабларидан яна бири у ўз доктринасида фалсафа билан динни уйғунлаштиришга ҳаракат қилганлигидир. Европа схоластикасида ҳам худди шундай йўналиш ва ғоялар бор эди.

Ибн Сино француз классицизми ва маърифатпарварлари ижодига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Буюк мутафаккирнинг билишда ақлнинг устунлигини илгари сурган ғоялари Рене Декартнинг фалсафий қарашларида, жумладан «Cogito, ergo sum» яъни “фикрляпман, демак мавжудман” машҳур апокрифида ҳам ўз аксини топган. Шунингдек XVIII аср француз материалистлари Гельвеций, Дидро ва бошқалар аллома илмий меросини ўрганиб, ўз асарларида парчалар келтирганлар.

Ғарб тадқиқотчиларининг фикрича Ибн Синонинг фалсафий таълимоти таҳлил қилинса у мутлақо идеалист ва шу билан биргаликда ақлни билишнинг бирдан бир манбаи дея ҳисоблаган. Аллома ўз фикрларини асослашда Қуръон сураларига мурожаат қилган. Шу билан биргаликда у грек фалсафий мактабининг асосан Аристотел, Платон доктриналарининг давомчисидир, шу нуқтаи назардан унинг фалсафасини соф ислом фалсафаси дея изоҳлаб бўлмайди.

Ибн Синонинг илмий меросини ўрганиш замонавий ғарб фалсафаси вакиллари Де Во, Осман Шанин, Гуашон, Корбэн, Жерар Верберлар тадқиқотлари диққат марказида турди.

Шундай қилиб, Ибн Синонинг фан соҳаларидаги илмий мероси, ижтимоий, фалсафий, ахлоқий қарашларининг ўрганилиши дунё халқлари, жумладан Ғарб илм-фани, хусусан тиббиёти ривожини учун асос бўлиб хизмат қилган ва Ғарб халқлари ҳаётига, маданий ривожланишига кучли таъсир ўтказган.

## АБУ АЛИ ИБН СИНОНИНГ СОВУҚ СУВДА ЧЎМИЛУВЧИ ИНСОНЛАРГА ТАВСИЯЛАРИ

Салаева З.Ш., Рахманова Д.С.,  
Абдурахманова Ф.Р., Асқарова Р.И.  
ТТА Урганч филиали

Абу Али ибн Сино инсон организи-мига сувнинг аҳамияти беъқиёс эканли-гини уқтириш билан бирга, сувга чўмилиш қонун-қоидаларига ҳам алоҳида эътибор қаратган алломалардан биридир. У сувда чўмилиш орқали инсон организида келиб чиқиши мумкин бўлган ўзгариш ва оқибатларга ҳам ўз асарларида алоҳида тўхталиб ўтган. Жумладан, у совуқ сувда чўмилиш тадбири ҳар жиҳатдан мукамал киши-лар учун фойдалидир деб уқтириб ўтган. Ёш қувват ва ташқи сифатлар ҳамда йил фасли бунга мос бўлишлари керак деб таъкидлаган.

Чўмилувчи одам меъда бузилиши, қусуш, ич кетиш, уйқусизлик ва назла келиши каби касалликлардан соф бўлиши керак. Бундан ташқари у бола ёки қари бўлмаслиги, гавдаси тетик, ҳаракатлари маълум ўлчовли бўлиши керак. Совуқ сувда, иссиқ сувдан кейин баъзан терини кучайтириш, туғма ҳароратни гавдада сақлаб қолиш учун чўмиладилар. Шу мақсадда совуқ сувда чўмилмоқчи бўлганларида сувнинг унча совуқ бўлмай ўртача бўлишига аҳамият берсинлар. Бирор киши агар совуқ сувда чўмилмоқчи бўлса, бу ишнинг у секинлик билан бошлаши керак ва иссиқ ёз кунининг туш чоғида биринчи марта тушиши керак. Бундан ташқари шу кунни шамол бўлмаслиги даркор.

Ибн Сино қуйидаги вазиятларда совуқ сувга чўмилишни тавсия этмаган, яъни жинсий алоқадан кейин совуқ сувга тушишдан сақланиш керак. Шунингдек, овқатдан кейин ва овқат ҳазм бўлишдан олдин, қусишдан кейин, бўшатилишдан кейин, ҳайздан кейин, уйқусизликда, гавданинг ва меъданинг заифлигида,

бадантарбиядан кейин ҳам совуқ сувда чўмилишдан сақланиш кераклигини уқтиради. Бундан жуда кучли одамларгина мустаснолигини ҳам айни пайтда таъкидлаб ўтади. Шунингдек, чўмилиш миқдорининг аҳамияти инсон саломатлиги учун муҳимлигини ҳам эсдан чиқармасликни ўз асарларида сифатида ёзиб қолдирган.

Очик сув ҳавзалари, ариқ ва кўлларда сувга чўмилиш мақсадида бориб совуқ сувга чўмилиш қоидаларига амал қилмасдан сувга чўккан, аммо турли сабаблар билан ҳаётга бошқадан қайтган 11 та инсонлар билан ўтказилган сўровномаларда ва тез тиббий ёрдам ходимларининг аниқлашича, инсонлар совуқ сувга чўмилган пайтида организмда модда алмашинувининг сусайиши, асаб-нерв тизимининг тортишиши ва қон босимининг пасайиши аниқланган. Буларнинг натижасида одамлар эс-хушини йўқотиши, ошқозон ва нафас тизимида сув ютиш (асфекция) натижасида комага тушиши ҳоллари аниқланган.

Ибн Сино томонидан бундан минг йиллар олдин айтиб ўтилган совуқ сувга чўмилиш қоидалари ҳозирги кунда ҳам ташвиқот – тарғибот мавзуларида ўз ўрнини йўқотган эмас.

## ИБН СИНА О СЛОЖНЫХ ЛЕКАРСТВАХ

**Собиров Р.С., Дусчанов Б.А.,  
Халматов Х.Х.  
Ургенский филиал ТМА**

Основным лекарственным средством народной и традиционной медицины всех народов и всех времен был, есть и пока остаются лекарственные растения. Ибн Сина тоже в своей врачебной практике использовал, главным образом, лекарственные растения и их продукты.

Во второй книге гениального труда Ибн Сины «Канон врачебной науки», где описаны все простые лекарственные средства, известных в то время и использованные им самым предшест-

венниками и его современниками - хакимами и табибами, 810 статьи посвящены лекарствам (1). Из 810 статей в 537 - описаны лекарственные растения, их отдельные органы и продукты, примерно в 215 - животные и их органы, так же минеральные вещества. Таким образом, из 810 статей второй книги «Канона» примерно 70 % Ибн Сина посвятил лекарственным растениям и их продуктам.

Характерной особенностью применения лекарственных растений в прошлом следует считать использование их в составе сложных смесей. Сложная рецептура с большим количеством ингредиентов характерна почти для всех традиционных медицинских систем. Порой количество отдельных простых лекарственных средств, входящих в состав сложных рецептов, достигает 60 - ти и более ингредиентов.

Как известно, лекарственные растения Ибн Сина в основном использовал в составе сложных лекарств.

По - видимому, известные лекари - хакиды прошлых лет, сочинявшие столь сложных рецептов, считали, что сложные лекарства на больной организм оказывают особое, более эффективное действие, чем их отдельные составные части.

Необходимость составления сложных лекарств Ибн Сина объяснял следующим образом: «Часто мы не можем найти даже сложного (лекарства), противостоящего сложному (заболеванию), или находим такое (лекарства) но нам необходимо, чтобы одно из его составных частей обладало большой силой, и вынуждены прибавлять к нему какое - либо средство, увеличивающее силу (лекарства). Например, в ромашке лекарственной растворяющая сила больше, а вяжущая сила меньше, и ее вяжущую силу усиливают, добавляя к ней какое -нибудь простое вяжущее средство ...»

«Иногда нужное нам лекарство бывает превосходным (в том действии) которое нам требовалось, но вредным в



другом отношении, так что мы вынуждены смешать его с таким, которое уничтожило бы его (Вредную) силу"» (книга V «Канона», с. 10).

Таким образом, известные хакимы прошлых времен, чтобы или усилить, действия лекарства при помощи других, или ослабить токсичность лекарственного препарата, добавляя к нему другого, возможно противоположной биологической активностью, лекарственного средства и невольно составляли сложные лекарства.

Ибн Сина приводит еще ряд случаев в качестве примера, когда хакимы вынуждены составят сложные лекарства. По этому поводу он писал:

«Нередко ставится цель, чтобы (лекарство) оказало свое действие на отдаленное место, но мы опасаемся, что первое и второе переваривание уничтожат его силу, тогда мы смешиваем его с чем - либо предохраняющим, что само, не подвергаясь воздействию, отклоняет от (основного лекарства) действие двух перевариваний, пока оно не достигнет желаемого органа в неиспорченном виде; в лекарство терьяк добавляют, например, опий» (там же, с. 13).

Далее:

«Иногда имеют намерение провести (лекарство) вглубь, (тогда), чтобы довести, например камфорные лепешечки до сердца, прибавляют шафран и когда они достигают сердца, начинает действовать разделяющая сила, которая отделяет шафран (от камфоры) и уничтожает его, а охлаждающие и угашающие (средства) оказывают свое действие на сердце ....» (там же, с. 13) и другие. Такие примеры благодаря которым хакимы в то время были вынуждены составлять сложные лекарства, достаточно приведи Ибн Синой в «Канон».

Из других причин составления сложных лекарств Ибн Сина считает следующие: .... «Порою (лекарство) бывает противно натуре и желудку, они питают к нему отвращение, извергают

его, тогда (приходится) добавлять того, что делает его приятным» (там же, с. 10).

Особое внимание заслуживают советы Ибн Сины по подборе составной части сложного лекарства. Как он рекомендовал, при этом необходимо исходить из лечебного свойства основной составной, части сложного лекарства и учитывая необходимость усиления или наоборот снижения ее действующей силы, нужно подбирать остальные ингредиенты.

По этому поводу Ибн Сина указывал, что «...Знай то в сложные лекарства входят средства, которые являются главной (простой составной частью) и основной, и если изъять ее (из состава),то полезность (сложного лекарства) пропадает, например, мяса гадюки в терьяке, сабур в ийарадже фикра и харбак в ийарадже лугазейи (В сложные лекарства входят) и такие средства, которые можно опустить, заменить, умножить или уменьшать...» (с. 14)

По поводу количественного соотношения отдельных составных частей, входящих в состав вновь создаваемого сложного лекарства, Ибн Сина советует исходит из следующих принципов: во - первых, для какой цели создаются сложное лекарство; во - вторых, какое простое лекарственное средство являются основной действующей части сложного лекарства. После уточнения их, исходя из силы действия основной части сложного лекарства и, учитывал необходимость усилить или снижать ее силы или облагораживать запах и вкус, или других моментов подбирают остальные нужные простые составные части и определяют их соотношения, исходя из «врачебного искусства» т.е. врачебной практики создателя сложного лекарства.

Ибн Сина по этому поводу писал, что «...Тебе, например, нужно произвести опорожнение с помощью смолы скаммония, мякоти колоквинта, сабура и турбита и ты хочешь соединить их, чтобы получить однообщее лекарство,

тогда следует выяснить: если потребность в каждой из них и в их действиях одинакова и их всего четыре лекарства, то возьми каждого из них в количестве одной четверти питьевой (дозы) и соедини.

Если же потребность в них не одинакова, а наоборот, одного (нужно) больше, другого меньше, то действуй по домыслу, подсказанному врачебным искусством, определи степень необходимости (каждого из протых составных частей), а потом соедини их вместе» (там же, с. 14).

В наши дни сложные лекарственные формы, в состав которых входило бы большое количество лекарственных растений, в медицинской практике не в почете. Ученые, как правило, стараются выделить из растений индивидуальные вещества (хотя они не всегда воспроизводят фармакологическое свойство растения), или сумму определенной группы биологически активных веществ и на их основе создать лекарственные препараты. Лекарственные растения редко используются в составе лекарственных сборов - чаев.

В настоящее время медицинская промышленность выпускают и в лечебной практике используются лишь более два десятка сборов (2). Надо полагать, что лекарственные растения в случае использования их в составе сборов наверняка проявлять новое, возможно очень важные и эффективные лечебные свойства.

Ибн Сина как выше было сказано, использовал лекарственные растения, главным образом, в составе сложных прописей. Он предпочитал применять сложных лекарств, чем простых.

По этому он писал что «...За частую польза (от средств), когда они находятся в сочетании, бывает больше, чем это ожидается от их простых составных частей (по отдельности)».

С другой стороны Ибн Сина так же хорошо знал, что при составлении сложных лекарств из простых, получается совершенно новое лекарство

сними новыми лечебными, за частую лучшими свойствами, чем его составные части. Он писал «Знай, что хорошо действующее сложное лекарство, как например, терьяк, благодаря своим простым составным частям имеет одни действия и силы, а благодаря своей форме - другие действия и силы. Нередко (форма) имеет преимущество перед простыми составными частями, по этому не заслуживают внимания слова врачей, что терьяк помогает от такой-то (болезни) благодаря сумбулу, от-такой то-из-за мирры и что он потому полезен. Тем не менее, главное в нем это его форма, (все простые составные части), вместе взятые, оказывают прекрасные действие, ...».

Таким образом, хотя десять столетия тому назад, может быть не существовали фармакологические термины и понятия «Синергизм», «Антагонизм», «Фармакологическая несовместимость» «Фармацевтические» - «корректирующие свойства» и другие Ибн Сина и его современники хорошо знали такие свойства лекарственных растений и других простых лекарств, которых какими учитывали при составлении сложных лекарств.

В настоящее время хорошо известны синергизм и фармакологическая несовместимость лекарственных веществ, которые должны учитываться врачами при составлении сложных лекарственных форм и также при назначении ими больными разных лекарств в комплексе все вышеизложенные идеи Ибн Сины о сложных лекарствах выдержали испытания веков и дошли до нас.

Современная медицинская, в том числе фармацевтическая наука при создании сложных лекарств опираются на учение и положение Ибн Сины, приведенных на страницах его бессмертных трудов.

Теперь эти положения Ибн Сины имеют свое научное обоснование, являются достоянием медицинской науки и приняты на вооружение всеми медицинскими работниками и теми, кто занимаются лекарствоведением.

## УЧЕНИЕ ИБН СИНЫ О ВЛИЯНИИ КЛИМАТОЭКОЛОГИЧЕСКИХ ФАКТОРОВ НА ВНУТРИУТРОБНОЕ РАЗВИТИЕ РЕБЁНКА

Султанова Ш.Ж.  
Ургенчский филиал ТМА

Великий среднеазиатский учёный Ибн Сино много своего труда посвятил на изучение влияния климатоэкологических факторов на внутриутробное развитие ребёнка.

Как известно, что формирование системы иммунитета в онтогенезе, в частности центрального органа её тимуса определяется совокупностью взаимоотношений между матерью и плодом и течением периода ранней адаптации потомства к условиям внеутробной жизни. Как правило, в раннем постнатальном онтогенезе иммунная система находится в транзитном состоянии и продолжается формироваться под влиянием разнообразных воздействий внешних факторов. Неосложненное течение беременности во многом определяет нормальное протекание иммунологических взаимоотношений между матерью и плодом, а также обуславливает развитие полноценной иммунной системы, центрального и периферических органов её у потомства в постнатальном онтогенезе.

Воздействие патогенных климатоэкологических факторов обуславливают у беременных нарушение функционирования почти всех основных систем организма и матери, и плода, в том числе иммунной системы. Известно, что вилочковая железа являясь центральным органом иммуногенеза может подвергаться преобразованиям, происходящим под действием различных патогенных факторов, происходящих в организме матери во время беременности.

Одной из проблем современной биологии является изучение состава ретикулярной стромы тимуса. Отдельные

авторы описывают три группы ретикулярных клеток в кортикальной части; они считают что их более уместно классифицировать как гистиоциты или макрофаги. До недавнего времени ретикулярные клетки считали потомством первичных эпителиальных клеток зачатка тимуса. Как известно, что в тимусе существуют особые эпителиально - ретикулярные клетки, которые не обладают фагоцитарной способностью и не образуют ретикулярных волокон. В настоящее время требует своего решения вопросы гистогенеза и морфофункционального значения, стадий развития, а также дифференциально-диагностического значения телец Гассала.

Раньше считалось, что первичное лимфоидное развитие тимуса осуществляется путем трансформации эпителиальных клеток под влиянием мезенхимальной индукции. В настоящее время установлено, что костномозговые лимфоциты - прекурсоры попадают в тимус, заселяют кортикальную часть, где пролиферируют, после чего переходят в медулярную часть. Многие из них погибают, а остальные дифференцируются в Т-лимфоциты и через кровеносные сосуды попадают в периферические лимфоидные органы.

Все вышеизложенное свидетельствует о том, что изучение морфологического и морфометрического строения с выяснением особенностей гистоархитектоники всех клеточно-тканевых элементов тимуса у новорожденных являются нерешенной научной проблемой, которая имеет важное общепатологическое, медицинское и экологическое значение.

И на сегодняшний день учение Авиценны не потеряло своего значения и используется в практике врачей всего мира, так как имеет большое значение во врачебной практике.

## МОРФОЛОГИЯ ФАНИ ШАКЛЛАНИШИ ВА ТАРАҚ- ҚИЁТИДА ИБН СИНОНИНГ РОЛИ ҲАҚИДА

Турсунов Э.А.

Тошкент педиатрия тиббиёт  
институти, Ўзбекистон врачлар  
ассоциацияси

Жаҳон тиббиёти тарихига назар ташласак, биринчи тиббий морфологик атамалар “Авесто” китобида учрайди. Юнон тиббиёти асосчилари Гиппократ, Аристотеллар тиббий морфология соҳасида мулоҳаза юритганлар, ҳатто ўз китобларида айрим аъзолар, ҳомила тузилиши ҳақида ўз фикрларини баён қилганлар. Везалий, Леонардо да Винчилар ҳам ўзларининг бир қатор морфологик фикрларини ўртага ташлаганлар.

Лекин тиббий морфологияни фан сифатида шаклланишига ва тиббиёт масканларида асосий тиббий фан сифатида ўқитилишига сабаб, бу Ибн Сино яратган “Тиб қонунлари” китоби бўлган десак мутлақо адашмаймиз. Буни рус олими анатом М.Г.Привес ўзининг анатомия бўйича ёзган дарслигида “Одам анатомияси ва физиологияси ва бошқа кўплаб тиббиёт фанлари Европа университетларида 7 аср давомида Авиценна (Ибн Сино) асарлари асосида ўқитилиб келинган” деб ёзишидан (1985) ҳам билсак бўлади.

Тўғри, тиббиёт фани X асрдан бошлаб Ғарбга нисбатан Шарқда кучлироқ ривож топаётган. Ар Розий, Ибн Сино каби олимлар ёзган асарлар, айниқса Хоразмда ташкил топган Маъмун академияси ва унда фаолият юритган олимларнинг тиббиёт соҳасидаги ишлари Шарқ табобатини юксакликка кўтарди ва уни жаҳон даражасига олиб чиқди.

Морфология фани тиббиётнинг заминий қисми ҳисобланади ва унинг тараққиёти ўз навбатида умумий тиббиётнинг тараққий этишига олиб келади. Ибн Сино анатомия фани

соҳасида улкан ишлар қилган олим. У суяклар, пайлар, мушаклар, нервлар, аъзолар анатомиясини тўлиқ билган ва ёзиб қолдирган. У биринчи марта товон суяклари, қовурғалар, калла суяклари ҳақида тўғри фикрлар берган ва айрим олимлар камчиликларини тўғирлаб кетган, у микроскопсиз мушакларни толалардан иборатлигини ва мушакларнинг қисқариши толалар ҳисобига бўлишини айтиб ўтади. Бу фикрларнинг тўғрилиги ўн асрдан сўнг ўз исботини топди. У биринчилардан бўлиб мушакларнинг томир ва нервлар билан боғлиқлигини кўрсатган. Қасалликда учрайдиган оғриқларнинг 15 хилини ёзиб ўтган.

Ибн Сино аъзолар морфологиясини ёзганда уларнинг қисмларига, тузилишига, вазибаларига алоҳида эътибор бериб боради, бир вақтнинг ўзида гистологик тузилишлар ҳақида фикр беради, ҳатто томирларнинг 2-3 пардадан иборатлигини, вена томирлари деворининг алоҳида хусусиятга эга эканлигини ўша даврдаёқ ёзиб кетган. У ошқозоннинг 4 та қисмдан иборатлигини тўлиқ ёзиб қолдирган, 12 бармоқли ичакни алоҳида аъзо деб, унинг ҳазм пайтида қатта аҳамият касб этишини кўрсатган.

Шундай қилиб, тарихий изланишлар кўрсатишича, Ибн Сино дунёда тиббий морфология фани шаклланиши ва тараққиётида асосий роль ўйнаган буюк олимдир.

## О МАМУНСКОЙ АКАДЕМИИ В ХОРЕЗМЕ И РАЗВИТИИ УЧЕНИЯ ПО ЗАБОЛЕВАНИЯМ ОРГАНОВ ДЫХАНИЯ

Убайдуллаев А.М.  
РСНПМЦ фтизиатрии и  
пульмонологии, ТашИУВ

Известно, что на Востоке в средние века успешно вели свою деятельность Нисибинская и Гундижапурская Академии. И еще, в Ираке одним из прославленных предводителей исламского мира

Хорун Рашидом была задумана организация самостоятельной Академии, однако осуществить ее удалось его сыну Мамуну. Эту Академию в свое время возглавил в Багдаде Аль Хорезми. В последующем представителями из династии Мамунов, являющихся правителями Хорезмского государства, была организована Мамунская Академия. Возглавил данную Академию великий ученый средневековья Аль-Беруни, в ее состав вошли много известных ученых как Ибн Сина, его учитель Масихи, а также прибывшие из других стран мусульманского мира (Ирака, Сирии и др.). Именно в этот период наблюдалось процветание науки по многим направлениям, в том числе по медицине. Конкретно получило развитие учение по заболеваниям органов дыхания, в которых ведущую роль сыграл великий целитель Ибн Сина.

Огромно значение трудов Ибн Сины для развития медицинской науки и практики. Ибн Сино не только собрал научные знания античной и восточной медицины, но основываясь на собственном опыте врачевания сформулировал много интересных, глубоких по содержанию суждений и положений по различным вопросам медицины.

Абу Али Ибн Сино собрал воедино имеющиеся сведения о проявлениях заболеваний органов дыхания, сопоставил их с особенностями анатомического строения человека и предложил методы лечения, учитывающие степень нарушения циркуляции энергий и индивидуальные анатомо-физиологические особенности организма больного. Ибн Сино разработал новые для своего времени методы диагностики заболеваний органов дыхания. Современным врачам мало известно, что Абу Али Ибн Сино первым описал перкуссию, которую впоследствии связывали с именем венского врача и музыканта Леопольда Ауэнбругера.

Ибн Сино дает рекомендации по использованию лекарственных средств при заболеваниях легких. Он указывает,

что препарат должен действовать длительно, обладать медленной способностью к растворению, предпочтение должно отдаваться экспекторантам, а не муколитикам («Важнейшим в лечении должно быть отрывание мокроты, а не ее растворение»). Ибн Сино классифицировал лекарственные средства на холодные (дыня, тыква, огурец, солодовый корень, девясил, ревень) и горячие (инжир, изюм, семена хлопчатника).

Ибн Сино описал клиническую картину пневмонии и плеврита, поражающую и сегодня своей точностью и полнотой. Характерными симптомами воспаления легких Ибн Сино считал острую лихорадку, стесненное дыхание, боль в груди, постоянную или только при кашле, а также определенное положение больного в постели.

Великий ученый первым высказал предположение об инфекционной природе туберкулеза. Он допускал возможность распространения этого заболевания через воздух, воду и почву, но подчеркивал аэрогенный путь заражения.

Таким образом, основы современной фтизиопульмонологии, начиная с анатомо-физиологической характеристики органов дыхания, этиологии болезни, клинического описания и заканчивая обоснованием методов лечения при неспецифических заболеваниях легких и туберкулезу, заложены нашим великим соотечественником, ученым-энциклопедистом и врачом Абу Али Ибн Сино.

### **БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШДА АБУ АЛИ ИБН СИНО АСАРЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ**

**Хажиева М.С., Ёрматов С.  
Урганч Давлат университети**

Абу Али Ибн Сино ўрта асрларнинг буюк қомусий олимларидан эди. Унинг буюклиги ўша даврнинг деярли барча фанларига қўшган бетакрор илмий



меросида намоён бўлади. Ибн Сино ҳақиқий энциклопедист олим сифатида ўз давридаги фанларнинг деярли ҳаммаси билан муваффақиятли равишда шуғулланган ва уларга оид илмий асарлар яратган. Турли манбаларда унинг 450 дан ортиқ асарлари қайд этилган бўлса ҳам, замонлар ўтиши билан уларнинг кўпи йўқолиб кетган ва бизгача фақат 242 таси етиб келган.

Ибн Сино табиий фанлар, тиббиёт, математика ва бошқа фанлар билан биргаликда, фалсафа фани соҳасида самарали фаолият кўрсатди, у борлиқ, онг, мантиқ каби масалаларни ўрганди ва улар ҳақида ўзининг қарашларини баён этди. “Ибн Сино талқинича, моддий дунё Аллоҳ каби абадий ва доимий ўзгаришдадир. У инсоннинг билиш қобилияти, ақл ва заковатини улуғлайди. Илм-фаннинг жамият ривожига буюк ролини асослайди. У инсонларни адолатли, ахлоқли, илм-маърифатли бўлишга ундайди. Ибн Синонинг, айниқса, Шарқ тиббиётининг ютуқларини, тиббий қомусини ўрганиш ва тартибга солиб бериш соҳасидаги иши оламшумул аҳамият касб этади. Унинг асарлари латин тилига ва у орқали бошқа Оврупа тилларига таржима этилган. Ибн Синонинг Ўрта Осиё маданияти ривожига ўрни буюк ва бекиёсдир”, деб таъкидлайди академик М.М. Хайруллаев.

Ибн Сино фалсафасидаги яна бир йўналиши шуки, у жамият ва инсон муносабатларига нисбатан ўзининг қарашларини билдириб, адолат инсоннинг бахт-саодати, илмнинг инсон ва жамият тараққиётидаги ўрни масалалари ҳақида қимматли фикрларни билдирган. Унинг, айниқса, жамиятда ҳаммани бир хил қилиб бўлмаслиги ҳақидаги фикрлари диққатга сазовордир. “Унинг таъкидлашича, барчани бир хил ижтимоий мавқега эриштириб бўлмайди. Аслида, улар учун муайян шароит яратиб бермоқ лозим. Барчанинг бой ва мансабдор бўлиши ёки ҳамманинг қашшоқ бўлиши

жамиятнинг таназзули ҳамда инкирозидир. Лекин инсон ўзгаларга меҳроқибатли, ғамхўр бўлмоғи, керак вақтда саховат ва мурувват қўлини ночорларга узатиши зарурдир. Инсон туғилишидан бошлаб ахлоқли ёки ахлоқсиз бўлавермайди. У ҳаётда шахсий ва ўзгалар тажрибаси, аждодлар анъаналари, таълим-тарбия натижасида шаклланади ва муайян ижтимоий мавқега эришади”.

Ибн Синонинг бу фикрларидан кўриниб турибдики, у ўзининг бу ғоялари билан, инсонлар ким бўлишидан қатъий назар, ўзаро муносабатларда бағрикенг бўлишлари, ҳар доим бир-бирларини қўллаб-қувватлашлари зарурлиги ҳақидаги умуминсоний қадриятларнинг ривожланишига ҳам ўзининг хиссасини қўшган мутафаккирдир.

Ибн Сино таълим-тарбия жараёнларга ҳам асос солади у “Бола хулқини мўътадилликда сақлашга алоҳида эътибор бериш керак. Бундан икки манфаат бор. Бири-боланинг руҳи учун бўлиб, у ёшлиқдан бошлаб яхши хулқли бўлиб ўсади ва кейинчалик бу унга ажралмас малака бўлиб қолади. Иккинчиси - унинг бадани учундир, чунки ёмон хулқ турли мижоз бузилишларидан бўлади. Шунингдек, агар ёмон хулқ одатда кириб қолса, у мижоз бузилишини келтириб чиқаради...”

Хулоса қилиб айтганда, Абу Али ибн Сино ўзининг фалсафий қарашлари билан инсонларни ҳам жисмонан, ҳам маънан баркамол бўлишга тарғиб қилади.

### АСАЛНИНГ ШИФОБАХШ ХУСУСИЯТЛАРИ

**Хамидова Г.С., Маткаримова Д.С.,  
Худайқулова Ф.Х., Абдуллаев Р.Б.  
ТГА Урганч филиали**

Абу али Ибн Сино юрак хасталиги, нафас йўллари, ичак касалликлари, меъда-ичак йўли ва жигарнинг яллиғла-

ниш касалликларида даво сифатида асалдан фойдаланган.

Асал жигарда глюкоген моддаси таркиб топишига ёрдам беради, тўқималарда модда алмашинувини яхшилайдди. Айрим жигар касалликлари ва ўт йўллари хасталикларида асални лимон шарбати ва зайтун мойи (оливковое масло) билан ичиш лозим.

Асал меъда-ичак йўлининг ферментатив фаоллиги суст кишилар учун жуда фойдалидир. У иштаҳани очиб, меъданинг шира ажратиш фаолиятини яхшилайдди. Агар тоза асални ҳар куни меъёрида тамадди қилинса, у ичак фаолиятни яхшилаб, ичбуруғ хавфига “қалқон” бўлади.

Асал овқатланиш олдидан истеъмол қилинса, меъда ширасида кислота камлиги билан боғлиқ бўлган хасталикни даволашда ёрдам беради. Бунда асални совуқ сувли эритма ҳолида (бир ош қошиқ асал бир стакан сувга солинади) истеъмол этиш тавсия этилади.

Асалли чой ичилса, кўкракни юмшатиб, балғам кўчишини осонлаштиради, шамоллашга даво бўлади. Агар тишларга ҳафтада бир марта тоза асал суртилса, улар бақувват бўлади. Шунингдек, ҳар куни 60-100 грамм тоза асални янги сабзи шарбати ёки сут билан истеъмол қилинса, ўпка касалида, дармонсизликда, силла қуришида беозор даводир.

Юрак хасталиги билан оғриган беморлар тоза асалдан бир чой қошиқ кунига икки-уч марта истеъмол этсалар, дардларига малҳам бўлади.

Илмий тадқиқот ишимизнинг мақсади Ибн Сино табобатида тавсия этилган асални гипоацид ҳолатда кечувчи сурункали гастрит билан касалланган беморларда унинг афзаллигини аниқлашдан иборат бўлди.

Текшириш усули: Сурункали гастритнинг гипоацид тури билан оғриган 16 нафар беморнинг 8 нафарига қабул қилинган стандарт даво комплексида асал қўшиб берилди, қолган 8 нафар (назорат гуруҳ) беморга фақат умум қабул қилинган даво ўтказилди.

Натижа: Даволаш жараёнида асал қўшиб берилган беморларда ошқозон ширасининг меъёр даражасига қайтиш вақти, ёмон ҳидли кекириш, қориндаги оғриқ ва ич кетиш каби аломатлар назорат гуруҳдаги беморларга нисбатан сезиларли ижобий натижа берди.

Хулоса: Сурункали гастритнинг гипоацид турида умум даво мажмуасига асал қўшиб даволаш тавсия қилинади.

## ЮСУФ ИБН МУҲАММАД АТ-ТАБИБ АЛ-ҲАРАВИЙ ИБН СИНОНИНГ ТИББИЙ ШЕЪРИЯТДАГИ ИЗДОШИ

Хасаний М.

ЎзР ФА Шарқшунослик институти

Ибн Сино фаннинг турли соҳаларига оид насрий асарлар ёзиш билан бирга, табобатга оид уржуза (шеърий дoston)лар ҳам ёзди. Унинг шеърий - тиббий асарлари табобатни ривожлантиришда катта аҳамиятга эга бўлди. Уржuzалар Ибн Синодан кейин ўтган шоир табиблар учун илҳом манбаи бўлди. Табиблар унга эргашган ҳолда тибга оид шеърий асарлар ёздилар. Унинг бошқа асарлари қатори шеърияти ҳам жаҳон олимларининг диққат марказида бўлиб келмоқда.

Ибн Синонинг табобатга оид қуйидаги уржуза (шеърий дoston)ларни бизгача етиб келган:

1. Табобат (соғлиқни сақлаш)га оид уржуза.
2. Тўрт фасл ҳақидаги уржуза.
3. Табобат ҳақида уржуза.
4. Ташриҳ (анатомия) ҳақида уржуза.
5. Букротнинг насихатлари ҳақида уржуза.
6. Тиббий насихатлар ҳақида уржуза.
7. Жинсий қувват ҳақида рисола.
8. Тажрибадан ўтган даволар ҳақида уржуза.

Тиббий шеъриятда Ибн Синонинг ҳақиқий издоши сифатида ижод қилган шоир ва табиблардан бири Юсуфий ибн Муҳаммад ибн Юсуф ат-табиб ал-Ҳаравий (вафоти 1544) эди. Юсуфий

мохир табиб, етук шоир, файласуф, луғатшунос, иншо санъатининг йирик вакили ва давлат арбоби эди. У Бобурнинг илтимоси билан Ҳиндистонга бориб, ижодини давом эттирди. Бобурдан сўнг унинг ўғли Ҳумоюннинг муншийси сифатида фаолият кўрсатди. Ибн Сино тибга оид асарларини уржуза (маснавий) жанри воситасида ёзган бўлса, Юсуфий унинг доирасини кенгайтди, тиббий асарларини маснавий, қасида, қитъа ва рубоий жанрларида ёзди.

Унинг Ибн Сино таъсирида ва унинг асарларидан фойдаланиб ёзган “Илож ал-амроз” (“Касалликлар давоси”), “Рисоли маъкул ва машруб” (“Еб-ичиш ҳақида рисола”), “Қасидаи ҳифзи сихҳат” (“Соғлиқни сақлаш ҳақида қасида”), “Фавойиди ахёр” (“Яхши кишиларга фойдалар”), “Маразномаи жолинус” (“Жолинуснинг касаллик китоби”) каби шеърӣ тиббий асарлари бизгача етиб келган.

## МЕДИЦИНСКАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ИБН СИНЫ В ХОРЕЗМСКОЙ АКАДЕМИИ МАМУНА

**Худайбергенов А.М., Дадаев Х.А.  
Ассоциация врачей Узбекистана**

Когда прибыл Ибн Сино в Хорезмскую Академию Мамуна?

По этому вопросу мнения учёных расходятся.

Большинство исследователей говорят, что после взятия Бухары тюрками и падения династии Саманидов в 1002 году Ибн Сина направился в Ургенч, ко двору правителей Хорезма. Тут его стали называть «князем врачей».

Также есть ещё источники, указывающие на дату переезда в 1005 году Ибн Сины в Хорезм, где знакомится с великим математиком и астрономом Беруни и другими учеными.

В.Н. Терновский в своей книге об Ибн Сине пишет следующее: «Прибыв в столицу Хорезма Гургандж, он посетил Хорезмшаха султана Али ибн Мамуна».

Позднее о своем приезде в Хорезм Ибн Сина вспоминал следующее: «Был я тогда в одежде факихов (законоведов) : с талисманом – широким плащом и концами чалмы, завязанными под подбородок. Мне назначили месячное (жалование), такое, какое было уместно для человека вроде меня».

Здесь его избирают в Академию Мамуна. Через семь лет он уезжает в Джурджан, затем в города Хорасан, Исфахан, Хамадан (в Иране).

Среди средневековых источников не существует информации о точной дате приезда и времени пребывания Ибн Сины в Хорезме, но есть материалы, которые говорят, что «несмотря на свое короткое 5-летнее пребывание в Хорезме (1005-1010), написал очень важные статьи по лечению ран (Дафал-мадор)».

Учеными Абу Сахл ал-Масихий, Абу Хайр Хамором, Ибн Сино и Беруни написаны научные работы по медицине.

В частности, Абу Хайр Хаммор был известен как Второй Гиппократ за свои инновационные теоретические учения в таких сферах медицины, как человеческая анатомия, диеты пожилых людей, методы медицинских экспериментов, продовольственные субстанции и эпилепсия.

Причина отъезда Ибн Сины из Гурганджа скорее всего заключается в том, что Мамун в 1013 г. сместил с поста визиря его покровителя Ас-Сухайли, образованнейшего человека своего времени, эмигрировавшего в Багдад.

Отъезду Ибн Сины из Гурганджа могла способствовать и смута, начавшаяся в Хорезме в связи с размолвкой между Мамуном и хорезмской знатью в том же 1013 г.

Наконец, Ибн Сина наверняка чувствовал угрозу, нависшую над Хорезмом со стороны султана Махмуда, и потому заблаговременно решил оставить Гургандж сообщает народный лекарь.

В 1008 г. после отказа Ибн Сины поступить на службу к султану Махмуду

Газневи благополучная жизнь сменилась годами скитания.

Некоторые работы он писал в седле во время своих долгих переездов.

По материалам А.А.Кадырова пребывание Ибн Сины в Хорезм трактуется дата как 1002 г так и 1004 года. Годы его жизни в Хорезме считается самыми плодотворными.

Им написана книга «Дафъ ал-маддор ал-куллийа ан ал-абдан ал-инсоний би-тадорук анваъ-хата ат-тадбир» - «Пути устранения ошибок нанесенный вред при проведении лечебных мероприятий», которая в дальнейшем названо «Тадорук анва ал-хата ал-вокиъ фи-т-тадбир ат-тиббиа» - «Устранение ошибок допущенные в медицинской практике».

Ибн Сина начал работы по написанию книги «Канону врачебной науки», а также он завершил свой труд по медицине «Дафъ ал-мадор», то есть «Устранение вреда».

Где же был написан «Канон врачебной науки»?

По материалам Б.Д.Петрова для написания трудов благоприятные условия у Ибн Сины были в Хорезме.

Где вместе с ним работали самые крупные медики того времени, его учителя Абу Сахл Масихи, ибн Хаммар и другие, сотрудничество с которыми несомненно способствовало написанию «Канона»

В предисловии к «Канону врачебной науки» Ибн Сина писал, что он удовлетворил просьбу одного из своих друзей, написал книгу «О медицине», посвященному общим и частным законам медицины.

По его мнению, с такой просьбой к Ибн Сине мог обратиться скорее всего кто-то из хорезмийских ученых.

Автор делает вывод о том, что наиболее плодотворный период деятельности Ибн Сины связан с Хорезмским государством. Именно здесь подверглись испытанию его научные мысли, здесь он обобщил знания, накопленные им в молодости.

В ряде источников высказывается мнение о том, что Ибн Сина написал два своих крупных энциклопедических труда именно в Хорезме.

Другие авторы утверждают, что «Канон» был им написан в Азербайджане, а третьи местом написания «Канона» называют Рей, Хамадан, Гурган. По материалам А.А.Абдуллаева членом академии Ибн Сино был в 1000-1016 годы.

Последний тщательно изучавший жизнь и деятельность Ибн Сины на основе имеющихся в литературе данных, сделал вывод, что «Канон врачебной науки» был написан в Хорезме.

Нигде у него не было таких условий для работы, как в Хорезме. Почти все авторы работ об Ибн Сине пишут, что после того как он оставил Хорезм, у него началось тяжелая, полная скитаний и борьбы с трудностями жизнь.

По мнению рядов авторов, над «Каноном врачебной науки» Ибн Сина работал многие годы, некоторые утверждают, что он писал его около 20 лет.

## **ЙИЛ ФАСЛЛАРИНИНГ КИШИ ОРГАНИЗИМИГА ТАЪСИРИ**

**Худайбергенов М.Р., Оллабергенов  
О.Т., Джуманиёзова Г.М., Алиева П.Р.  
ТТА Урганч филиали**

Абу Али ибн Синонинг фикрича, баҳор ўз миждозиди бўлса, йил фасллари энг яхшиси ҳисобланади. У руҳ ва қон миждозига муносиб келади ва у ўзининг мўътадиллиги билан тезда осмоннинг энгил иссиғлиги ва табиий намликка айланади. Юз рангини қизартиради, чунки у қонни жуда иссиқ ёзнинг эритиб тарқатиш даражасига етказмасдан мўътадиллик билан тортади. Баҳорда узокқа чўзиладиган касалликлар кўзғалади, чунки туриб қолган хилтларни юргизиб оқизади. Шу сабадан меланхолия касаллиги бор одамларда бу касаллик кўзғалади. Қишда таомни кўп еб, кам

ҳаракат қиладиганлар хилтлари кўпайган кишилар баҳорнинг эритиб тарқатиши сабабли шу моддалардан кўзғаладиган касалликларга йўлиқувчан бўладилар. Агар баҳор мўътадил бўлиб тургани ҳолда чўзилиб кетса ёз касалликлари камаяди.

Аллома баҳор касалликлари қуйидагилардан иборат деб фикр билдирган. Ичдан қон ўтиши, бурун қонаш, сафро табиатида бўлган меланхолиянинг кўзғалиши, шишлар, йирингли шишлар, томоқ оғриқлари. Бундай касалликларда кўпинча томирларнинг ёрилиши, қон тупириш ва йўтал бўлади. Бу нарса айниқса, қиш сифатида бўлган баҳорда бўлади. Шу касалликларга, хусусан, сил касаллигига дучор бўлган одамларнинг аҳволлари ёмонлашади. Ҳеч бир нарса: қон олдириш, гавдани бўшатиш, кам ейиш, ичимликни кўп ичиш, маст қилинадиган шаробларга сув қўшиб кучини синдириб ичиш чоралари ҳам баҳор касалликларидан қутқаза олмайди. Баҳор болаларга ва болаларга яқин бўлган кишиларга мувофиқ келади.

Қишга келсак, у ҳазм учун энг яхши вақтдир, чунки совуқ туғма иссиқликнинг жавҳарини сиқади ва бунинг натижасида иссиқлик зўраяди тарқалмайди ва қишда мевалар кам бўлганликдан одамлар ҳақиқий овқатларни истеъмол этадилар, тўлган меъда билан кам ҳаракат қиладилар ва иссиқ жойларда турардилар. Қиш ўзининг совуқлиги ва кечаси узун бўлиб кундузи қисқа бўлиши билан бошқа фаслларга қараганда сафрони синдириш учун энг яхши фаслдир. У бошқа фаслларга қараганда ёмон хилтларни кўпроқ беркитади ва юмшатовчи парчаловчи дорилари истеъмол этишга муҳтож қилади. Қишги касалликларнинг кўпчилиги балғамдан бўлади. Қишда балғам шундай кўп бўладики, ҳатто кусуқларнинг кўпиги шиллиқли бўлади. Қишда шишларнинг туслари кўпинча оқимтир бўлади. Тумов касаллари кўп бўлади. Тумов кузги ҳавонинг қишки ҳавога ўзгариши билан бошланади, кейин бориб зотилжам (плеврит), ўпка яллиғланиши, хириллаш ва тамоқ оғриқларига

айланади. Сўнгра биқиннинг ўзида ва орқада оғриқ пайдо бўлади, асаблар зарарланади, узок чўзиладиган бош оғриғи, ҳатто сакта ва тутқаноқ касалликлари пайдо бўлади. Мана шуларнинг ҳаммаси балғам моддаларининг кўпайишидан ва тикилиб қолишидан пайдо бўлади. Қари одамлар қишда азоб чекадилар. (Ёш жиҳатидан) қариларга яқин бўлган одамлар ҳам шундай; (аммо) ўрта ёшдаги одамлар қишдан баҳра оладилар.

Ёзга келсак, у хилтларни ҳаддан ташқари кўп эритиб тарқатиб қувват ва табиий таъсирларни заифлаштиради. Ёзда қон ва балғам камаяди. (Ёз бошида) сафро кўпайиб, сўнгра (ёз) охирида ўтнинг суюқ моддаси тарқалиб, куюғи қамалиб тўпланганлиги сабабли савдо кўпаяди. Қариларни ва уларга яқин бўлганларни ёзда кучли топасан. Юзга тортилган қон эриб тарқалганлигидан ёзда юз ранги сарғаяди. Ёзда касалликларнинг муддати қисқа бўлади, чунки (касалнинг) қуввати ортиқ бўлса, (хилтларни) эритишда ҳаводан ёрдам топади, сўнг касалликнинг моддасини етилтириб, ҳайдаб чиқаради. Агар (касалнинг) қуввати кучсиз бўлса, ҳавонинг иссиқлиги бу кучсизликни зўрайтиради, гавдани бўшаштиради, бунинг натижасида куч камаяди ва касал ўлади.

Иссиқ вақт касалликларига келсак, буларга, масалан, кун оралатиб тутадиган иситма, доимий иситма, куйдирувчи иситма ва гавдани ориқлаши киради. (Бу даврда) оғриқлардан кулоқ оғриғи ва кўз оғриғи бўлади. Хусусан, қаттиқ иссиқ ёз шамолсиз бўлса, булар кўп бўлади. (Яна) сарамас ва (шу фаслга) мунособати бўлган тошмалар кўп бўлади.

Куз (фаслига) келсак, бунда одамлар иссиқ офтобда юриб, (кечаси) совуққа чиққанларидан, мевалар кўплигидан ва улар билан хилтлар бузилишидан ҳамда ёзда қувват камайишидан касалликлар кўп бўлади. Куз (фасли)нинг аввали қари одамлар учун бир қадар мувофиқ бўлса ҳам, охири уларга қаттиқ зарар қилади.



Куз фаслининг касалликлари қуйидагилар: пўст ташлайдиган қўтир, темирлатки касаллиги, саратон ўсмалари, бўғин оғриқлари, аралаш иситмалар ва тўрт кунли иситмалар. Буларнинг ҳаммасига сабаб, савдо (қораўт)нинг кўплигидир. Шунингдек, кузда талоқ катта бўлади, иссиқ ва совуқдан қовуқ мижозининг ўзгариши натижасида томчилаб сийиш ҳолати туғилади.

Кузда қуруқ ичак буралиш ҳодисалари, шунингдек сил касаллиги ва ўпка касалликлари бел ва сон оғриғи кўпаяди. Бунинг сабабли ёзда чиқиндилар ҳаракат қилиб кузда қисилишидир. Ўпкалари яра бўлган сил касаллари учун энг зарарли фасл куздир. Сил илгари бошланиб аломатлари ошкор бўлмаган бўлса, кузда бу аломатларни ошкор қилинади.

### **ДОРИЛАРНИ ЙИҒИШ ВА САҚЛАШ ТЎҒРИСИДА ИБН СИНО ТАЪЛИМОТИ**

**Худайберганов М.Р., Рахманова Д.С.,  
Салаева З.Ш., Алиева Ф.Р.  
ТТА Урганч филиали**

Абу Али ибн Сино дориларнинг баъзилари маъданлардан, баъзилари ўсимликлардан ва баъзилари ҳайвоний жинслардан олинган бўладилар, деб уқтиради.

Маъданлардан олинадиганларнинг энг яхшилари Қибрис қалқинди ва кирмон зока каби нарсалардир. Сўнг бегона нарсалар аралашмаган, тоза бўлишлари керак, яъни олинган нарсалар нуқул модда бўлиб, уни қоплаб турган нарсалардан тозаланиши, ўзига хос рангли ва мазаси синмаган бўлиши керак.

Ўсимликлардан олинадиган дориларга келсак, улар япроқлардан, донлардан, илдизлардан, шохлардан, гуллардан, мевалардан, елимлардан ва ўсимликнинг бутунлигича олинган бўлади. Япроқлар ҳажмлари тўлиб етилганида, ранглари ўзгармаган ва синмаган ҳолда ва тўкилиб сочилмасларидан бурун териб олиниш-

лари керак. Уруғлар эса таналари мустаҳкам бўлиб хомлиги ва сувлиги қолмаганидан кейин олинишлари керак. Гуллар тугал очилиб, сўлишларидан ва тўкилишларидан илгари олинишлари керак. Шохлар эса ўсимлик тамом етилиб, ҳали сўлмаган ва бурушмаган чоғида олинишлари керак. Мевалар тамом етилиб тўкиладиган бўлишидан илгари узилишлари лозим. Ўсимликни бутунича олишга келсак, уни уруғи етилиши олдида ва ўзининг хўллиги йўқолмасдан бурун олиш керак.

Илдизлар қанча кам бурушган шохлар қанча кам сўлган, уруғлар қанча ёғли ва тўла бўлиб, мевалар қанча зич ва оғир бўлса, улар шунча яхши бўлади. Мева сўлганда ва бурушганда унинг катталигини аҳамияти йўқ. Балки қаттиқ тирик бўлган энг яхшисидир. Очик ҳавода узилган мева хўл ҳавода ёки ёмғир ёғишга яқин узилганга қараганда яхшироқ.

Сахро даштдан йиғилган дориларнинг ҳаммаси боғлардан терилган дориларга қараганда кучлироқ ва кўпинча ҳажм жиҳатидан кичикроқ бўлади. Тоғлардан терилган дорилар саҳродан терилган дорилардан ҳам кучлироқ бўлади. Шамол юрадиган ва баландлик ерлардан олинадиган дорилар бошқа ерлардан олинадиганлардан кучлироқ бўлади.

Бу айтилганларнинг ҳаммаси кўпчилик ҳолатларда бўладиганлардир. Шунингдек, ранги қанча қуюқ мазаси аниқ ва ҳиди ўткирроқ бўлса у ўз бобида шунча кучлироқдир.

Қуруқ ўтлар икки уч йилдан кейин кучсиз бўлиб қоладилар. Лекин иккала харбақ каби бир неча санокли дорилар булар қаторига кирмайдилар ва уларнинг кучлари узок муддат сақланади.

Елимларга келсак улар эндигина қолган ва ҳали ажралиб кетиш ҳолига келмаган пайтларида олинишлари керак. Кўп қуввати уч йилдан кейин қолмайди. Хусусан сутлама елими шундай. Лекин ҳар бир кучли дори узок вақтгача ўзидаги яхши хусусиятлари сақлаб қолади.

Ҳайвон жинсларнинг олинадиган дориларнинг келсак улар кўклам пайтида ва ёш ҳайвондан олинмиши керак. Шунда ҳам танаси соғ ва аъзолари тугалини танлаш керак. Олинадиган нарсаларнинг уларни сўйганда олиш керак. Касаллик билан ўлган ҳайвонлардан ҳеч нарса олинмасин.

Мана булар содда дорилар тўғрисида табибнинг тушунчаси бўлиши лозим бўлган умумий қонунлари.

### УЧЕНИЕ ИБН СИНЫ О МЕТОДАХ ЛЕЧЕНИЯ ПРИ СУСТАВНЫХ ЗАБОЛЕВАНИЯХ

Шукурлаев К.Ш., Каландарова У.А.,  
Ибадуллаев Г.А.  
Ургенский филиал ТМА

Среднеазиатский учёный Ибн Сино большую часть своих трудов посвятил изучению суставных заболеваний.

Изучалось влияние 1,3-бис (п-хлорбензоил-тиокарбамоил) – урацила (шифр УБ-421) на некоторые показатели перекисного окисления липидов (ПОЛ) и активность антиоксидантных ферментов при «адьювантной болезни» у крыс. Опыты проводили на 30 белых крысах массой 150-170 г. Препарат УБ – 421 вводили перорально в дозе 200мг/кг, а в качестве эталона для сравнения использовался фенилбутазон в дозе – 100мг/кг.

«Адьювантный артрит» вызывался по методу С.М. Дрогвоза (2002). В сыворотке крови определяли: конъюгированные диены (КД), малоновый диальдегид (МДА), активность ферментов супероксиддисмутазы (СОД) и каталазы.

Установлено, что у контрольных животных через 8-13 дней от начала заболевания суставной синдром достигал максимальной тяжести.

Введение УБ-421 в дозе 200мг/кг приводило к задержке появления симптомов артрита с явным облегчением суставного синдрома заболеваемость

составляла 33,3%. В это же время, в контрольной группе, заболеваемость была 100%.

В группе животных получавших фенилбутазон, наблюдалось также замедление появления симптомов артрита, а заболеваемость составляла 62,9%.

Из вышеуказанных данных можно заключить, что УБ-421 в дозе 200мг/кг оказывает выраженное благоприятное влияние на течение «адьювантного артрита» и в этом отношении он превосходит фенилбутазон.

Изучение влияния УБ-421 на процессы ПОЛ и активность антиоксидантных ферментов показало, что адьювантный артрит у контрольных крыс протекало с возрастанием уровней продукции ПОЛ. Уровень КД и МДА в сыворотке крови у этих животных возрос в 1,6 раза.

У животных получавших УБ-421 в дозе 200мг/кг наблюдалось уменьшение содержания КД на 1,6 раза, МДА на 2,2 раза.

В идентичных условиях под влиянием фенилбутазона в дозе 100мг/кг уменьшалось содержание КД на 1,4 раза и МДА на 1,5 раза.

Развитие адьювантного артрита протекало на фоне снижения активности ферментов антиоксидантной системы СОД и каталазы в 2,0 и 2,2 раза соответственно. УБ-421 в дозе 200мг/кг повышал активность СОД по сравнению с контролем в 3,1 раза и активность каталазы повышалась в 3,6 раза.

В аналогичных условиях фенилбутазон в дозе 100мг/кг повышал активность СОД и каталазы в 2,7 и 3 раза соответственно.

Таким образом, УБ-421 задерживает появление симптомов артрита, заболеваемость и тяжесть суставного синдрома при «адьювантном артрите» УБ-421 снижает повышенную уровень КД и МДА и повышает активность ферментов антиоксидантной защиты (СОД и каталазы), и в этом отношении он

превосходит нестероидный противовоспалительный препарат фенилбутазон.

В качестве потенциального противовоспалительного препарата УБ-421 представляет практический интерес.

Методы лечения Ибн Сины при болезнях сустава не утратило и по сей день своего значения, и применяется многими врачами.

## ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ ҚОШИДАГИ “ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР БОҒИ” ҲАҚИДА

Эшчанов Р., Собиров Р.  
Хоразм Маъмун академияси

Хоразм вилояти ҳокимининг б/IV-98, №34-ф фармойишига асосан Хоразм Маъмун академияси қошида “Доривор ўсимликлар боғи” ташкил қилинди. Ундан асосий мақсад Хоразмнинг рангбаранг флорасида қадимдан ўсиб келаётган доривор ўсимлик турларини маданий ҳолда ўстириш, йўқолиб бораётган баъзи бир турларини сақлаб қолиш, ўзга ҳудудлардан ноанъанавий турларни келтириб интродукциясини йўлга қўйиш, таркибидаги биологик фаол моддаларни қиёсий ўрганиш, доривор ва профилактик препаратлар яратиш, тиббиёт амалиётига татбиқ қилиш, маҳаллий хом-ашё базасини яратишдан иборат.

Бу борада “Доривор ўсимликлар боғи”да 30 га яқин тур ўсимликлар Хоразм тупроқ-иқлим шароитига мослаштирилмоқда. Баъзибир ноанъанавий доривор ўсимликлардан мойчечак (*chamomilla reducta* L.) Чаканда (*Hippophae rhamnoides* L.) турларни ўстириш, иқлимлаштириш амалга оширилмоқда. Уларнинг таркибидаги биологик фаол моддалар миқдорини қиёсий аниқлаш эса Украинанинг Харьков шаҳрида фаолият юритаётган Давлат илмий марказининг “Фитокимё ва технология” лабораториясида бажарилди.

Мойчечак гули (*Flores chamomillae*) нинг саватчалари таркибидаги эфир мойи 1,25 фоизни ташкил қилди. Давлат

фармакопиясининг XII-сонли талабига кўра эфир мойи 0,3 фоизни кам бўлмаслиги керак.

Қалампирялпиз барги (*Folia Mentha piperitae*)нинг таркибида эфир мойининг миқдори 1,40 – 1,75 фоизни ташкил қилди. Давлат фармакопиясининг XI-сонли талабига кўра эфир мойи 1% ни ташкил қилади.

Чаканда мойи (*Oleum Hippophae*) таркибида каротиноидлар йиғиндиси 250-280 мг % ни ташкил қилди. Ваҳоланки адабиётларда келтирилган маълумотларга қараганда мева таркибидаги каротиноидлар 165 мг% ташкил қилиши келтирилган. Каротиноидларнинг миқдорини аниқлаш П.П.Ветробнинг услубида фотоэлектроколориметр ёрдамида бажарилди. Ажратувчи экстракт кунгабоқар мойи ишлатилди ва ҳисоблаш В-каротинг нисбатан олинди.

Бу ўсимликларни ўз даврида Ибн Сино турли мақсадларда ишлатган. Унинг ишини давом қилдириб, халқ соғлиги йўлида ишлатиш мақсадида ўстирилаётган 20 турдан иборат шифобахш профилактик ичимлик “Хива” бальзамини таркиби ва технологияси яратилди. Бальзам таркибига кирган айрим ўсимлик турлари ўзида биологик фаол озик-овқат моддалар, ферментлар, аминокислоталар сақласа, иккинчи тур ўсимликлар таркибида тритерпен сапонинлар, флавоноидлар, эфир мойлари ва бошқа биофаол моддалардан иборат.

Ҳозирги кунда мамлакатимизга хориждан кириб келаётган “Биттнер” бальзами билан фармакологик таъсири қиёсий ўрганилди ва унинг ўрнида “Хива” бальзамини ишлатиш мумкинлиги илмий равишда асосланди. Шу сабабли унга 14.04.2003 йил №130 сонли лицензия берилди ва “Урганч- шароб” ҳиссадорлик жамиятида ишлаб чиқариш амалга оширилди. Иккинчи препарат “Хоразм тоники” бўлиб, у учта маҳаллий доривор ўсимликлардан настойка ҳолида тайёрланди. Унинг таркибида асосий таъсир қилувчи биологик фаол моддалардан тритерпен сапонинлар, флавоноидлар йиғиндиси, эфир мойлари, аччиқ акорин

гликозиди, оксил моддалар ва микро-элементлардан иборат.

Препаратни дастлабки фармакологик таъсири лаборатор жониворларда ўтказилган тажриба бўйича олинган хулосаларга асосан препарат женьшен ўсимлигининг препаратларига ўхшаб таъсир қилиши маълум бўлди. Ҳозирда “Хоразм тоники” препарати клиник текширишга тавсия қилинган.

Ушбу бошланган илмий тажрибалар орқали Хоразм воҳасида доривор ўсимликларни ўстириш технологиясининг илмий асослари яратилди ва доривор гиёҳлар деҳқончилиги бўйича дастлабки қадамлар ташланди. Шунингдек, вилоятдаги шифохоналарнинг эhtiёжини қондириш ва тиббиёт амалиётида ишлатиш учун маҳаллий хом-ашё базаси яратила бошланди.

### **«КАНОН» - ПРОГРАММА ДЕЙСТВИЙ ДЛЯ ПОСЛЕДУЮЩИХ ПОКОЛЕНИЙ**

**Юнусходжаев А.Н.  
ТашФИ**

Медицинские взгляды Ибн Сино были основаны не на абстрактных взглядах прошлого и современников, а на конкретных результатах его опытов и научных выводах. Эти его воззрения гораздо ближе современной фармакологии, нежели взглядам ученых, творивших 2-3 века спустя после него. Его указания по поводу дозы, идеи о назначении лекарств и продолжительности лечения соответствуют современным представлениям об определении терапевтической дозы в зависимости от генотипа больного.

Ибн Сино не только объединил разрозненный опыт прошлого и дополнил его результатами собственных наблюдений, но и сформировал ряд принципиальных положений рациональной фармации. В «Каноне врачебной науки» содержатся указания на необходимость выявления побочного действия лекарств, на наличие

взаимного усиления их и взаимного ослабления действия лекарственных средств при их совместном назначении.

В «Каноне врачебной науки» Ибн Сино описал 520 растений, при этом не ограничиваясь описанием внешнего вида растений, он уделял большое внимание сравнению природы растений с природой процессов, протекающих в организме человека и животных.

Из 520 растений, описанных в книге, 178 произрастают на территории Узбекистана, из которых в научной медицине используются только 52 вида. Это дает большой толчок к изучению наследия Ибн Сино. Из порядка свыше 500 растений, описанных Ибн Сино в «Каноне врачебной науки», 150 используются в современной медицинской практике. Остальные из-за малой изученности пока не нашли своего места в научной медицине и остаются неиссякаемым источником для создания новых лекарственных средств, тем более, что Флора Узбекистана насчитывает более 4500 видов растений, из них около 1150 считаются лекарственными.

В Ташкентском фармацевтическом институте широко проводятся исследования по изучению наследия Ибн Сино, в результате которых получены следующие результаты: разрешены к медицинскому применению порядка 20 новых лекарственных растений, использованных в свое время Ибн Сино, в том числе: девясил большой (противовоспалительное, отхаркивающее средство), пижма ложно-тысячелистниковая (глистогонное), душица мелкоцветная (отхаркивающее), пустырник туркестанский (гипотензивное и седативное средство), тысячелистник таволголистный (мочегонное, кровоостанавливающее и противоязвенное средство), орех грецкий (противовоспалительное, капилляроукрепляющее и ранозаживляющее средство), зверобой шероховатый (вяжущее и противовоспалительное средство), унаби обыкновенный (мочегонное) и др. Разработано ряд препаратов на основе лекарственных растений, использованных Ибн Сино:

настоя водяного перца и спорыша (кровоостанавливающее), жидкий экстракт чеснока (противопаразитарное средство при эхинококкозе печени) и др.

Освоено промышленное производство бальзама «Шарк табиби» (тонизирующее), таблеток Глипил» (регулирование углеводного обмена веществ), БАД «Стевиозид» (регулирование углеводного обмена), таблеток и капсул мумие (биостимуляторы), капсул «Гелрем» (глистогонное). Разрешены клинические испытания: сбора мочегонного «Мелифлос», седативного сбора «Флегмен», капсул «Гликоразмулин» (гипогликемическое), таблеток чесночного порошка (гиполипидемическое) и др.

Все вышеизложенное говорит о том, что даже когда пройдет и две-три тысячи лет этот плодотворный труд останется таким же бесценным, как и в настоящее время.

## АРАБ МАНБАЛАРИ ИБН СИНО ҲАҚИДА

Яминов А.А.

ЎзРФА Шарқшунослик институти

Манбаларда “Шайх ур-раис” (“Олимлар йўлбошчиси”), “Файласуфлар султони”, “Шифокорлар подшоҳи” номлари билан ёдга олинган Абу Али ибн Синонинг ҳаёти ва илмий мероси кўп йиллардан бери юртимиз ҳамда чет эл олимлари томонидан ўрганиб келинади. У ҳақдаги энг дастлабки маълумотлар Абу-л-Ҳасан ал-Байҳақийнинг (ваф. 565/1169-1170) “Татиммат сиван ал-ҳикма” (“Ҳикмат жавонига кўшимча”), Ибн ал-Қифтийнинг (ваф. 646/1248) “Ихбар ал-улама би-ахбар ал-ҳукама” (“Олимларни ҳақимлар ҳақидаги маълумотлар билан таништириш”) ёки қисқача “Тарих ал-ҳукама” (“Файласуфлар тарихи”), Ибн Аби Усайбиъанинг (ваф. 668/1270) “Уюун ал-анба фи табақат ал-атибба” (“Табиблар табақалари ҳақида хабарлар чашмалари”), Ибн Халликоннинг (ваф. 681/1282) “Вафаят

ал-аъян ва анба абна аз-заман” (“Машхур кишилар вафоти ва замондошлар ҳақида маълумотлар”) асарлари каби ўрта асрларга оид араб манбаларида учрайди. Уларни бир-бирига таққослар эканмиз, шу нарса бизга маълум бўлдики, муаллифлар Ибн Синонинг ҳаёт-фаолиятини ёритишда асосан унинг ўзи ёзган таржимаи ҳол ва шогирди Абу Убайд ал-Жузжонийнинг (ваф. 437/1047) маълумотларига таянишган. Тарих ал-ҳукама” ва “Уюун ал-анба фи табақат ал-атибба” муаллифлари ўз асарларидаги маълумотларнинг бир қисмини олимнинг тилидан беришган бўлса, бошқа қисмини шогирдининг сўзи билан келтиришган. Ибн ал-Қифтий олимнинг ҳаёти ва ижодига доир асосий маълумотлар билан кифояланган бўлса, Ибн Аби Усайбиъанинг асарида Ибн Синонинг таржимаи ҳолига ажратилган йигирма бетнинг ярмига яқинида унинг шеърлари келтирилган. Бироқ муаллиф бошқалардан фарқли равишда, олимнинг таваллуд топган санаси борасида 375/985-986 йилни кўрсатиб, унинг эллик уч йил умр кўрганлигини ёзади.

Ал-Байҳақий ва Ибн Халликон ўз асарларида берган маълумотлари манбаини кўрсатмаганлар. Аммо тадқиқотимиз жараёнида биз шунга амин бўлдикки, улар ҳам биз юқорида айтган таржимаи ҳол ва ал-Жузжонийнинг маълумотларидан фойдаланишган. Ал-Байҳақий олимнинг ҳаётида рўй берган, бошқа манбаларда учрамайдиган бир қизиқарли воқеани ҳам келтирган бўлиб, ушбу воқеа Ибн Синонинг Алоуддавла Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Душманзиёр (398-433/1007-1041) унга ҳадя қилган, олтин ва кумуш қопланган камарни сарой мулозимларидан бирининг ғуломига бериб юборгани ортидан Алоуддавланнинг ғазабига дучор бўлишига бир баҳя қолгани, яъни ўлимга ҳукм қилинган олимнинг сарой аъёнларидан бирининг ёрдами туфайли қочирилиб юборилиши, Райда унинг бир йигит билан танишиб қолгани, кейин Алоуддавла томонидан афв қилиниб, қайта саройга чақирилганидан сўнг у (йигит)ни ўзи билан бирга



Исфаҳонга олиб кетиши ва йигит амирнинг надимларидан бирига айланганлиги ҳақидадир.

Ибн Халликон Ибн Синонинг 370 йил сафар/980 йил август-сентябр ойларида таваллуд топгани ва 428 йил рамазон/1037 йил июн-июл ойларида, жума куни, Ҳамадонда вафот этганини айтиб, Ибн ал-Асирнинг асаридаги, олимнинг Исфаҳонда вафот этганлиги ҳақидаги маълумотни ҳам келтиради. “Вафаят ал-аъян” муаллифининг тарихчи олим Камолиддин ибн Юнусга (ваф. 639/1242) асосланиб берган яна бир маълумотига кўра, Ибн Сино Алоуддавланинг ғазабига учраб, ҳибсга олинган ва зиндонда вафот этган. Олимнинг қаерда вафот этганлиги борасидаги мазкур ихтилофларга Ибн Халликон ўз муносабатини билдириб, келтирилган қарашларнинг энг дастлабкиси ҳақиқатга яқинлигини айтган.

Биз номларини зикр қилган барча муаллифлар ўз асарларида Ибн Синони васф қилар эканлар, улар фойдаланган манба юқорида айтганимиздек, олимнинг ўзи ва унинг шогирди ёзган таржимаи ҳол бўлишига қарамасдан, ҳар бир асарнинг ўзига хос фарқли жиҳатлари бор. Бу жиҳатлар жамланиб эса ўқувчига аллома хусусида тўлиқроқ тасаввур ҳосил қилишга хизмат қилади.

Аллома дунёда буюк табиб сифатида шуҳрат қозонгани билан араб манбалари уни “ҳаким” деб зикр қилганлар. Бу сўз эса одатда файласуфларга нисбатан ишлатилади. Умуман олганда бу тўғри ҳам, чунки табибнинг инсонларни даволай олиши, уларнинг дардларига малҳам бўла олиши учун аввало файласуф бўлиши талаб этилади. Зеро, инсонни яхшироқ англаш, унинг табиатига чуқурроқ кириб бориш учун аввало у яшаб турган борлиқни яхшироқ тушуниш лозим.

Ибн Синонинг турли фанлар ривожига ҳисса қўшган қомусий олим эканлигини билиш учун унинг ёзган асарлари рўйхатига назар ташлаш кифоя қилади. У ўз давригача асос солинган фанларни ўзлаштирди ва шу илмларнинг

деярли барчасида ижод этди. Аллома фаннинг қайси бир соҳасига қўл урмасин, унга фалсафий тус берди. Унинг шоир ва адиб сифатида ёзган асарлари ҳам, Қуръон тафсири, ақида ва ахлоқ масалаларга оид рисоалари ҳам фалсафий жиҳатдан чуқур ғоялар асосида суғорилганлиги билан кўзга ташланиб туради.

ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида Шайхурраис қаламига мансуб бир қанча фалсафий асарлар сақланади. Бироқ, бу мавзуда эълон қилинган тадқиқотларни салмоқли деб бўлмайди. Қолаверса, мазкур тадқиқотлар собиқ Иттифоқ даврида амалга оширилгани учун уларда аллома меросига нисбатан ноҳолис ёндашув, ўша давр ҳукмрон мафкураси билан боғлиқ бирёкламаликлар кўзга ташланади. Шу нуқтаи назардан, Ибн Синонинг фалсафий меросини унга объектив ёндашган ҳолда, манбалар асосида ўрганиш мамлакатимиз фани тарихининг муҳим ва долзарб масалаларидан ҳисобланади.

## **ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИДА АБУ АЛИ ИБН СИНОНИНГ ҲАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИНИ ЎРГАНИШ**

**Ғоипов М.А.**

**Хоразм Маъмун академияси**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хоразм Маъмун академиясини қайтадан ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони (1997 йил 11 ноябрь) биз хоразмлик тиббиёт тарихчиларига Хоразм Маъмун академиясида тиббиёт соҳасида фаолият юритиб ўзидан улкан мерос қолдирган олимларни ҳаёти ва илмий фаолиятларини чуқур ўрганишга кенг имконият яратди. Ҳозиргача “Дор ул ҳикма ва маориф”, яъни тарихий Хоразм Маъмун академиясида фаолият юритган 22 олимдан 12 нафари Хоразмда тиббий билимларнинг шаклланиши ва ривожланишига беқиёс ҳисса қўшдилар.

Хусусан, Ибн Синонинг тиббиёт соҳасидаги устози ал-Масихий, Абул Хайр Ҳаммор, врачлар подшоҳи деб тан олинган Ибн Сино ва энциклопедист олим, академиянинг раиси Абу Райҳон Берунийлар алоҳида эътироф этилади.

Қадимий ва ҳамиша навқирон Хива музейлар шаҳри, Шарқ гавҳари эканлиги тан олинган. Хива музейлари қаторида 1835 йилда қурилган Оллақулихон мадрасасида марҳум тиббиёт фанлари доктори, профессор А.А.Абдуллаев томонидан йиғилган ва музейга ҳадя этилган беш мингдан ортиқ экспонатлар замирида 1967 йилда Абу Али ибн Сино номи билан Хоразм Табобат тарихи музейи очилди. Музей Хоразмда XI асрда ташкил топган ва дунёга кўплаб номдор олимларни етказиб берган “Дор ул ҳикма ва маориф”, баъзи манбаларда “Мажлиси уламо” номи билан машҳур Маъмун академиясида тиббиёт соҳасида фаолият юритган олимларнинг ҳаёти ва асарларига бағишланган. Шубҳасиз, бу борада жуда кўп экспонатлар Абу Али ибн Синонинг ҳаёти ва тиббиёт соҳасидаги фаолияти билан боғлиқ. Музейда Абу Али ибн Синонинг “Тиб қонунлари” ва бошқа тиббий ноёб асарлари билан танишиш мумкин. А.Абдуллаевнинг “Хоразмда тиббиёт” рисоласи (1972) ва докторлик диссертациясида Хоразм табобати ва Абу Али ибн Синонинг ҳаёти ва тиббиёт фаолияти кенг ёритилган.

Қайта ташкил этилган академиянинг таркибида тиббиёт бўлими йўқ эди. Шунга қарамадан мени академия раҳбарияти ишга таклиф қилиб, академияда тиббиёт соҳасида фаолият юритган олимларнинг ҳаёти ва тиббиёт соҳасидаги илмий фаолиятларини ўрганишимга имконият яратиб беришди. Бу даврда мен хоразмликларнинг Абу Али ибн Синога ишонч ва ҳурматлари ўта баланд эканлигига яна бир бор амин бўлдим. Аҳоли Ибн Синонинг врачлик фаолиятлари тўғрисида кўп йиллардан оилаларида сақланиб келаётган афсона, ривоят, араб ва форс тилларида битилган кўлёзма китобларни келтириб бердилар. Шундан

кейин мен илмий тадқиқотларимни Ибн Сино ҳаёти ва тиббиёт фаолиятини чуқур ўрганишга йўналтирдим. Олинган муҳим натижалар бўйича қуйидагиларга тўхталиб ўтмоқчиман: “Тарихий фармонга – 5 йил” илмий тўпламида (Хива, 2000 й. 18-33 б.), “Хоразм Маъмун академиясининг тарқалишига сабаб бўлган воқеалар” (шу тўпланда 28-33 б.), “Абу Саҳл Масихий - второй учитель Беруни” (Материалы 2 го Всесоюзного съезда историков медицины, Т., 1980 г. с. 445-446), “Абу Али ибн Сино и его последователи”, “Абу Али ибн Сино “Тиб қонуни”нинг Исмоил Журжоний “Хоразмшоҳ хазинаси” асарининг ёзилишига таъсири” (AVICENNA журнали, 2002 й. №1-2, 34 б.) мақолаларини эълон қилдим.

2003-2005 йилларда “Исмоил Журжонийнинг “Заҳираи Хоразмшоҳий” асари ва унинг Марказий Осиёда тиббиётнинг ривожланишидаги аҳамияти” мавзусидаги лойиҳа доирасида илмий тадқиқот олиб борилди. Тадқиқот даврида асар араб тилидан ўзбек ва рус тилларига таржима қилинди, Ибн Синонинг “Тиб қонунлари” билан қиёсий ўрганилди. Лойиҳа натижалари 2007-2008 йилларда инновация гранти доирасида монография шаклида чоп этилди. 2006-2008 йилларда Абу Саҳл ал-Масихийнинг (“Тиб санъати бўйича юз бобли китоб”) “Кутуб ал-ми'а фис-сино'ат ат-тиббия”) кўлёзма асари араб тилидан ўзбек ва рус тилларига таржима қилинди.

2007 йилда “СИНО” журналида Хоразм Маъмун академияси олимлари ўртасидаги устоз-шогирдлик тарихи ва унинг илмий-ташкилий аҳамияти ҳақида “Ворислик”, Ўзбекистон Кардиология журналида (2011 йил № 3-4, 167 – 176 б.), “Ибн Синонинг юрак хасталиқларига оид ноёб асари ва унинг кардиология фани ривожланишидаги аҳамияти” мақолалари чоп этилди.

Бугунги кунда Ибн Синонинг “Тиб қонуни” асарининг 3 жилди 1-2 китобини ўзбек тилидаги таржимасини, Ибн Синонинг табобат соҳасидаги устози Абу Саҳл Масихийнинг юқорида тилга

олинган “Тиб санъати бўйича 100 бобли китоб” ва Ибн Сино, ал- Масихийнинг издош шогирди, Хоразмшоҳ Кутбиддин Муҳаммад (1096-1127) ва унинг ўғли Отсиз (1128-1156) номларига бағишлаб форс тилида ёзилган “Хоразмшоҳ хазинаси” китобининг 6 жилди билан киёсий ўрганиш бўйича илмий изланишлар давом эттирилмоқда.

## ҚАНДЛИ ДИАБЕТ ХАСТАЛИГИНИ ДАВОЛАШ БОБИДА ИБН СИНОНИНГ ҚАРАШЛАРИ

**Ҳамроев М.**

**Ўзбекистон халқ таъбири академияси**

Шайх ур-раис қандли диабетнинг сабаби буйракнинг аҳволига боғлиқ эканлигини ёзади ва бу касалликнинг келиб чиқиш сабабларини (буйракнинг кучсизлиги, пешоб йўли оғзининг кенгайиши, баданга ё жигарга таъсир қилган совуқлик, базан совуқ сув ичиш ёки музловчи совуқдан баданнинг қаттиқ сиқилиши ҳамда тортувчи қувватнинг зўрлигини) алоҳида таъкидлайди.

Қандли диабет Ибн Синогача ва ундан кейин ҳам халқ таъбирининг қадим қўлёзмаларида жуда чуқур таҳлил қилинган бўлиб, уни бадандаги тўрт хил мизожнинг бетартиб ўзгариб, буйрак ҳароратининг бузилишидан юзага келиши ҳулосаланган. Халқ таъбири даволаш амалиётида буйрак мизожининг иссиқ ёки совуқдан бузилишига муносабатлик иссиқ мизожли ва совуқ мизожли қандли диабет учун бир-биридан фарқли даволаш услублари қўлланилади.

Ибн Сино беморларнинг овқатлари касалликнинг мизожига боғлиқлиги ва латифлигини алоҳида таъкидлайди. Даволаш тадбирларини баён қилиш билан бирга бир қанча муҳим тавсиялар беради. Жумладан, сув моддасини қустириш ва буйракдан бошқа томонга буриш кераклигини асосий муолажалардан бири деб билади. Истеъмол қилинадиган қулча (акация шираси, қизил гул, анор гули, самғи араби, катиро таркибли) дориларни

қовоқ суви, испағул шираси ёки совуқ сув билан ичишни тавсия қилади. Совутиш ва тикилма пайдо қилиш хусусияти бўлган дорилардан тайёрланган қуюқ суртмалар ишлатишни буюради.

Биз Ибн Сино тавсияларини амалиётда қўллаш устида тадқиқотлар олиб борамиз. Дастлабки тадқиқот натижаларини ўн йил аввал эълон қилган эдик. Ўтган йиллар давомида қадимий қўлёзмалар ва “Тиб қонунлари” асосида “Қамбил”, “Сино”, “Зангор”, “Ҳусайин шарбати” каби халқ таъбири табиий дориларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик ва буйракка ишлатиладиган суртма бозиллама, зимодлардан қандли диабет хасталигини даволашда фойдаланмоқдамиз. Беморларнинг овқатланишига алоҳида этибор берилиб, сунъий ширинликлар, оқ ун ва гуручдан бошқа турли табиий зироатлар ва ҳайвон маҳсулотларини, жумладан буйрак фаолиятини кучайтирувчи ғизоларни тавсия қиламиз.

Ҳозирги замон Фарб тиббиётида қандли диабет ошқозон ости беши касаллиги, деб эътироф қилинаётганлиги ва бу борада олиб борилаётган изланишларга монелик қилмасдан, Ибн Сино тавсияларига таяниб, даволашда яхши натижаларни қўлга киритмоқдамиз. Бизнинг даволаш муолажаларимиз натижасида қатор йиллардан буён инсулин қабул қилаётган беморлар инсулиндан воз кечганлар (40%) ёки қамайтирганлар (68 бирликдан 8 бирликгача). Ҳаб дори қабул қилаётган (манинил, диабетон ва х.к.) беморлар дори қабул қилишни тўхтатганлар (70%) ёки қамайтирганлар (30%). Даволашда имкон қадар сунъий кимёвий дорилардан фойдаланиш аксарият ҳолларда мақсадга мувофиқ эмаслиги таърибада исботланди.